

ВЕСТНИК
Высших учебных курсов
Генеральной прокуратуры

BULLETIN
of the High training courses
of the General prosecutor's office

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари

АХБОРОТНОМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги
201/3-сонли қарори билан илмий журналлар рўйхатига киритилган

ISSN 2181-5011



www.vuk.uz

№1 (33)
2018



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари АХБОРОТНОМАСИ

ҳуқуқий, илмий-амалий нашр

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари

Таҳрир кенгаши:

Ихтиёр Абдуллаев
Ниғматилла Йўлдошев
Нурдинжон Исмоилов
Светлана Ортиқова
Муротжон Азимов
Бекзод Мавлонов
Эркин Юлдашев
Салом Самадов
Эркабай Таджиев
Джахонгир Игамов
Евгений Коленко

Бош муҳаррир:

Бахтиёр Пўлатов

Масъул котиб:

Гофуржон Алимов

Таҳрир ҳайъати:

Музаффар Мамасиддиқов
Бобоқул Тошев
Матлуба Аминжанова
Фаҳри Раҳимов
Миродил Боротов

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2010 йил 7 январда 0580 сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинган.

2010 йил январь ойидан чиқа бошлаган.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг илмий даража талабгорлари чоп этиши лозим бўлган журналлар рўйхатига киритилган.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Журналда чоп этилган материаллардан фойдаланилганда «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»дан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятини олмаган.

Манзил:

100047, Тошкент шаҳри,
Махтумқули кўчаси, 59-уй

Саҳифаловчи:

Сарварбек Бобожонов

web-site: www.vuk.uz
e-mail: axborotnoma@vuk.uz

- Буюртма №
- Адади: 1000

•Журнал "Аргументы и факты
Узбекистан" МЧЖ ҚҚ
босмаҳонасида чоп этилди
•Манзил: Тошкент шаҳри,
•Элбек кўчаси, 8-уй.

М У Н Д А Р И Ж А

М. КАМАЛОВ

Акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзоларининг жавобгарлигини белгилаш муаммолари: қонунчилик ва амалиёт

О. КАМАЛОВ

Фаол тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг роли

Ҳ. ЮНУСОВ

Жиноятчиликка қарши кураш соҳасида Европа Иттифоқи тажрибаси: Европа Прокуратура офиси

Н. АХМЕТЗАКИРОВ

Основные методы криминологического прогнозирования

М. АХМЕДШАЕВА

И. КУДРЯВЦЕВ

Қонун ижодкорлик жараёнини прогнозлаштиришнинг айрим назарий-ҳуқуқий ва ташкилий масалалари

В. КАРИМОВ

Тезкор-қидирув қонунчилигини ривожлантиришнинг айрим масалалари

У. ТУХТАШЕВА

Вопросы внедрения и использования информационно-коммуникационных технологий в уголовное судопроизводство Республики Узбекистан

И. ТАИРОВ

Ротация кадрларни бошқаришнинг замонавий технологияси

С. РАХМОНОВА

Восполнения пробелов следствия в судебном заседании в условиях упразднения института возвращения дела на дополнительное расследование

Б. РАШИДОВ

Жиноят-процессуал ҳуқуқ соҳасидаги суд-ҳуқуқ ислохотлари ва хусусий айблов институтини кенгайтириш истиқболлари

С. НИЁЗОВА

Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимлигининг махсус олдини олиш

Н. АСҚАРОВ

Номланмаган шартномалар: вужудга келиши ва ҳуқуқий тартибга солиш масалалари

Б. ЯРАШЕВ

Ярашув институтининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда тутган ўрни

Д. ТУРАЕВА

Жиноят ишларини юритишда жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш амалиёти таҳлили

Д. АТАЖАНОВА

Қишлоқ аёллари бандлигининг ўзига хос жиҳатлари

Г. ТАИРОВА

Прокурорлик текшируви

Л. ИСОҚОВ

Мағриб мамлакатларида ноқонуний миграциява одам савдоси

Ф. МИРУКТАМОВА

Ювенал ҳуқуқ тушунчаси ва моҳияти

Р. МАДАЛИЕВ

Суд-тергов фаолиятида видеоконференцалоқадан фойдаланишнинг аҳамияти

Халқаро семинар.

Семинар-тренинг.

1

6

10

15

19

25

28

33

37

41

46

50

56

59

62

65

71

75

80

83

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИНИ БЕЛГИЛАШ МУАММОЛАРИ: ҚОНУНЧИЛИК ВА АМАЛИЁТ

◆ Мақолада акциядорлик жамиятининг бошқарув органларидан бири ҳисобланган кузатув кенгаши аъзоларининг жавобгарлиги таҳлил этилади. Бугунги кунда бизнеснинг йирик компаниялар кўринишида амалга оширилиши унинг бошқарув органлари жавобгарлиги чегараларини аниқ белгилаб қўйишни ва жавобгарликка тортиш асослари ва механизмларини ишлаб чиқишни талаб этади. Шу боис мақолада кузатув кенгаши аъзоларининг ҳуқуқий жавобгарлиги масаласи ҳуқуқшунос олимларнинг фикрлари, миллий ва хорижий қонунчиликнинг қиёсий таҳлил асосида тадқиқ этилади.

◆ В статье разъясняется ответственность членов наблюдательного органа акционерных обществ. Осуществление бизнеса через крупных компаний на сегодняшний день требует разграничения ответственности членов органа управления а также разработки механизма привлечения их к ответственности. В этой связи, в статье изучено мнения авторов правоведов по поводу ответственности членов наблюдательного совета и анализировано национальное законодательство и законодательство зарубежных стран.

◆ The article explains the responsibility of the members of the supervisory body of joint-stock companies. The implementation of business through large companies today requires a delineation of the responsibilities of members of the management body and the development of a mechanism to hold them accountable. In this regard, the article examines the opinions of the authors of lawyers on the responsibility of the members of the supervisory board and analyzes national legislation and legislation of foreign countries.

Таянч сўзлар: Акциядорлик жамияти, кузатув кенгаши, бошқарув функциялари, ҳалоллик, оқилоналик, жамият манфаатлари, англосаксон ҳуқуқ тизими, аффилиланган шахс.

Ключевые слова: Акционерное общество, наблюдательный совет, функции управления, честность, справедливость, интересы общества, англосаксонская система права.

Key words: Joint-stock company, supervisory board, management functions, fairness, justice, public interests, Anglo-Saxon system of law.

Кузатув кенгашининг АЖ бошқарувида муҳим ўрин тутадиган ҳамда кўплаб ваколатларга эга орган эканлиги унинг зиммасига катта масъулият юклайди. Бунда Кузатув кенгаши аъзолари ва раси ўзлари қабул қилаётган қарорларнинг қонунга, АЖ уставига, Кузатув кенгаши тўғрисидаги низомга ва АЖнинг стратегик ривожланашига ҳамда акциядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига нечоғли мувофиқлиги бирламчи аҳамият касб этади. Шу боис Кузатув кенгаши ўз ваколати доирасига кирувчи муайян масала юзасидан қарор қабул қилишда аввало, амалдаги қонунчиликка ва жамият уставига мувофиқ иш олиб бориши, қарор қабул қилишда белгиланган таомилларни бузмаслиги ҳамда шубҳали ва баҳсли қарорлар қабул қилмаслиги, ўз ваколати доирасидан чиқмаслиги ва уни суиистеъмол қилмаслиги талаб этилади.

Доктринада юридик шахс органларига нисбатан қўлланиладиган таъсир чоралари жавобгарликнинг алоҳида типига бирлаштирилади: юридик шахс бошқарув органларининг жавобгарлиги. Ушбу институтнинг ажралиб турадиган, фаолиятнинг алоҳида туси билан боғлиқ хусусияти турли ҳуқуқ со-

ҳалари томонидан ўрнатиладиган чоралар ҳисобланади. Бироқ амалиётда нисбатан муаммоли ва муҳокама талаб этадиганлари фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик, хусусан, зарарларни қоплаш ҳисобланади.

Бошқарув функцияларини бажараётган шахсларни жавобгарликка тортиш ФКнинг 45-моддаси қоидалари, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (янги таҳрири, кейинги ўринларда АЖ тўғрисидаги қонун) Қонун¹нинг 81-моддасида белгиланган. АЖ тўғрисидаги қонуннинг 71-моддаси тўртинчи қисмида жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгаллик қилувчи акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси, директори ёки бошқарув аъзоси, шунингдек ишончли бошқарувчи устидан судга мурожаат қилишга ҳақлилиги белгиланган. Бунда ушбу даъво билвосита тус касб этади, яъни мазкур ҳолатда ҳам наф кўрувчи АЖ ҳисобланади.

Амалиётда акциядорда вужудга келиши мумкин

бўлган саволлардан бири даъво талабининг субъектив таркиби ҳисобланади. АЖ тўғрисидаги қонун 81-моддаси таҳриридан келиб чиқиб жамият бошқарув органларининг жавобгарлиги шахсий характер касб этишини назарда тутиш мумкин. Қоида тариқасида, акциядор Кузатув кенгашининг ҳар қандай аъзосига нисбатан қўзғатиши мумкин, бироқ бу ҳолатда овоз бериш жараёнида иштирок этмаган ёки кун тартибдаги баҳсли масала бўйича “қарши” овоз берган аъзо бундан мустасно ҳисобланади, чунки унинг айбсизлиги АЖ тўғрисидаги қонуннинг 81-моддаси учинчи қисмида белгиланган.

Жавобгарликнинг шахсий тусдаги эканлигига қарамадан, Кузатув кенгаши қарори коллегиял характердаги эканлигини эсдан чиқармаслик лозим. Қонунчилик агар зарар бир нечта шахснинг айби билан юзага келган бўлса, АЖ тўғрисидаги қонуннинг 81-моддаси иккинчи қисмига биноан Кузатув кенгаши аъзоларининг жавобгарлиги солидар тусда бўлишини белгилайди. Бундан ташқари, корпоратив қонунчилиги бошқарув органларини субсидиар жавобгарликка тортиш имкониятини назарда тутди. АЖ тўғрисидаги қонуннинг 4-моддаси тўртинчи қисмида белгиланган ушбу норма Кузатув кенгаши аъзоларига ҳам татбиқ этилади. Бундай қўшимча жавобгарлик Кузатув кенгашининг асосий қарздор, яъни жамият ҳаракатлари учун жавобгарлиги банкротлик тўғрисидаги қонунчиликда ҳам назарда тутилган. Бироқ бунда жамиятнинг банкротлиги Кузатув кенгаши аъзоларининг ноҳалол ҳаракатлари натижасида юз берганлигини исботлаш муаммолидир, чунки мазкур ҳолат қонун чиқарувчи томонидан жамиятга мажбурий тусдаги топшириқларни бериши мумкин бўлган шахснинг тўғри қасди билан боғланади.

Бу борада суд амалиётига эътибор қаратадиган бўлсак, Кузатув кенгаши аъзоларини жавобгарликка тортиш бўйича ишлар деярли мавжуд эмас. Бундай корпоратив низолар юз берган ҳолларда ҳам кўпинча даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш билан якунланади.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётининг бу борадаги ҳолис муносабати ушбу масаланинг назарий жиҳатлари билан узвий боғлиқдир. Қоида тариқасида ҳуқуқбузарлик содир этилиши ёки шартнома ёки қонунда назарда тутилган бошқа асослар мавжуд бўлганда жавобгарликка тортиш мумкин бўлади. Ўз навбатида, мазкур институтнинг асосий муаммоси боғлиқ бўлган фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка тортишнинг умумий шартлари ёки асосларининг мавжудлиги хусусида ҳулосага келиш мумкин [10].

АЖ Кузатув кенгаши аъзоларини фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка тортишнинг асосларига куйидагиларни киритиш мумкин:

Айбнинг мавжудлиги мезони юридик жавобгарликка тортишнинг субъектив белгиси сифатида суд

амалиётида қўлланилади. Шахснинг ўзи содир этган хатти-ҳаракати нисбатан ички руҳий муносабати сифатида айб мезони бошқарув шахснинг иродавий йўналишини ифодалайди. Ҳозирда қонун чиқарувчи ва суд амалиётининг бу борадаги ёндашуви бир хил эмаслиги кўзга ташланади: айбнинг қасд ёки эҳтиётсизлик шаклида мавжуд эмаслиги Кузатув кенгаши аъзосидан етказилган зарарни қоплаш мумкин эмаслигини англатади. Қонунчиликда бундай норма ФКнинг 45-моддаси учинчи қисми ҳамда АЖ тўғрисидаги қонуннинг 81-моддасида ўз ифодасини топган.

Бошқарув органлари ҳаракатларининг суд томонидан айбли деб топилишининг нисбатан умумий мезони суд амалиётида ишлаб чиқилган [12, - с. 150.] ва бундай мезонларга куйидагиларни киритиш мумкин: ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаслик; турли хилдаги қоида бузишларни бартараф этиш учун лозим даражадаги ғамхўрлик ва кузатувчанлик қилмаганда; шахс ҳаракатларининг умумқабул қилинган муомала мезонларига мос эмаслиги ва шу қабилар. Шу боис айб мезони Кузатув кенгаши аъзоларини жавобгарликка тортишнинг мажбурий мезони саналади, бундан ташқари мазкур мезон жавобгарлик бошқа мезонлари билан узвий боғлиқ бўлиб, улар айбни исботлаш жараёнида ҳалоллик ва оқилоналик стандартларининг бузилиши воситасида ифодаланади.

Англосаксон ҳуқуқ тизимининг *duty of care* [5], *duty of loyalty* каби стандартларининг ривожланиши бошқарув органларида иштирок этаётган шахс жамиятга нисбатан лозим даражада ғамхўрлик ва содиқлик билан ҳаракат қилиш лозимлигини назарда тутди.

Кузатув кенгаши аъзосини жамиятга етказилган зарар учун жавобгарлик асосларидан бири улар томонидан қарор қабул қилиш жараёнида эрк ифодаланганлигини исботлаш зарурати ҳисобланади. Чунки, суд амалиётида Кузатув кенгаши аъзоларининг қабул қилган қарорларини тасдиқловчи юридик ҳужжатнинг бўлиши талаб этилади. Корпоратив низони кўриш жараёнида суд Кузатув кенгаши жавобгарлигини белгилашда уларнинг ҳар бири эрки-иродаси қандай бўлганлигига эътибор қаратиши зарур. Зеро, АЖ тўғрисидаги қонунда Кузатув кенгаши аъзосининг жавобгарлиги қабул қилинган қарор бўйича унинг берган овозига боғлиқлиги белгиланган. Хусусан, АЖ тўғрисидаги қонуннинг 81-моддаси учинчи қисмига кўра, жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган жамият Кузатув кенгаши аъзолари, бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди.

Бироқ бу ҳолатда Кузатув кенгаши аъзоси қарор қабул қилиш жараёнида иштирок этган ёки этмаганлиги, қарорга қарши овоз берган ёки бермаганлигидан қатъи назар, унинг жавобгарлигини белгиловчи қоида ҳам АЖнинг 81-моддаси учинчи

қисмида назарда тутилган. Бунда Кузатув кенгаши аъзоси АЖ тўғрисидаги қонуннинг 90-моддасида белгиланган ҳолларда жамиятга зарар етказган қарорга овоз бермаган ёки қарши овоз берган бўлишига қарамасдан жавобгар бўлиши мумкин.

Мазкур вазиятда АЖ тўғрисидаги қонуннинг 90-моддасида белгиланган Кузатув кенгаши аъзосининг жавобгарлигини юзага келтирувчи қуйидаги ҳолатларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

1) аффилиланган шахс билан тузилган битимни ўрганишни амалга оширган шахслар битим бўйича хулоса ва яқунларнинг ишончлилиги учун жавобгар бўлади;

2) жамиятнинг суд томонидан айби исботланган аффилиланган шахси етказилган зарарнинг, жамиятнинг аффилиланган шахси билан тузилган битимни ва даъвои судда кўриб чиқиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплаши шарт.

Бунда юридик шахс учун салбий оқибатларни юзага келтирган даврда шахснинг Кузатув кенгаши аъзоси сифатида фаолият олиб бориши ноҳалол ва ноқилона хулқ-атвор сифатида назарда тутилмаслиги лозим. Аксинча, бу вазиятда Кузатув кенгаши аъзоларининг ҳаракатлари ва юзага келган нохуш оқибат ўртасидаги ўзаро алоқадорликни ҳам ҳисобга олган ҳолда барча омиллар эътиборда тутилиши зарур.

Жамият томонидан кўрилган муайян нохуш оқибат, яъни зарар кўрилганлиги Кузатув кенгаши аъзоларини жавобгарликка тортишнинг мажбурий шarti бўлиб ҳисобланади. Амалиётда жамият бошқарув органларининг жавобгарлиги масаласи юзасидан зарар деганда, жамият мол-мулкининг амалда асоссиз камайиши назарда тутилади.

Е.В.Филиппованинг фикрича, Кузатув кенгаши аъзоси жамиятга етказиши мумкин бўлган зарарлар реал зарар ҳамда бой берилган фойда кўришида ифодаланиши мумкин. Реал зарар кредит қарздорликнинг ортиши, асоссиз харажатлар, акциядорлар ўртасида тақсимланиши керак бўлган муомаладаги пул массасининг камайиши, маъмурий жариманинг ундирилиши билан белгиланади. Бой берилган фойдага, масалан, бинодан фойдаланилганлиги учун ижара тўловларининг камайиш ҳолатини киритса бўлади[14, С. 21-22].

Ушбу фикрни давом эттирган ҳолда Кузатув кенгаши аъзоси томонидан жамиятга етказилган зарар жумласига жамият йиллик фойдасининг асоссиз камайиши, жамият учун фойда келтирмайдиган битимларнинг тузилишини ҳамда жамиятнинг иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатган бошқа иқтисодий-молиявий кўрсаткичларни киритиш мумкин.

Қоида тариқасида Кузатув кенгаши аъзоси томонидан жамиятга етказилган зарарни исботлаш ҳам даъвогар зиммасига юклатилади. Қолаверса, даъвогар жамиятга етказилган зарарнинг миқдорини аниқлаш ва уни тегишли ҳужжатлар билан

тасдиқлаши зарур бўлади. Кузатув кенгаши аъзоси томонидан жамиятга зарар етказилиш факти ва ҳажмини исботлаш мураккаблигидан келиб чиқиб, тузилган битимдан Кузатув кенгаши аъзосининг олган фойдаси миқдорига асосланиши лозим. Зеро, мазкур усулда жамиятга етказилган зарарнинг миқдорини аниқлаш осон ва амалда қўллаш имкониятига эгадир.

Юридик шахс органларининг унга етказган зарари учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигига оид қоидалар ЎзР ФКнинг 45-моддаси учинчи қисмида белгиланган. Унга кўра, қонунга ёки юридик шахснинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ юридик шахс номидан иш олиб борадиган шахс ўзи вакили бўлган юридик шахс манфаатлари йўлида ҳалол ва оқилона иш олиб бориши керак. У юридик шахс муассислари (иштирокчилари, аъзолари) талаби билан, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, юридик шахсга етказган зарарини тўлаши шарт.

Мазкур нормадан англашиладики, “юридик шахс номидан иш олиб борадиган шахс” тушунчаси юридик шахс органлари ва унинг аъзоларини англатади. Юридик шахс органларининг юридик шахснинг вакили сифатида фаолият эса ўз навбатида қуйидаги мезонларга асосланиши лозим:

1) юридик шахс манфаатларига қаратилган бўлиши;

2) ҳалол ва оқилона иш олиб бориши.

Юридик шахс органларининг унинг манфаатлари йўлида иш олиб бориши деганда, юридик шахснинг уставида кўрсатилган ва унинг фойдаси учун қарорлар қабул қилиш, битимлар тузиш ва бошқа юридик ва фактик ҳаракатларни амалга ошириш тушунилади. Бунда юридик шахс органлари, масалан, акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва ижроия органининг ҳар қандай юридик хатти-ҳаракати жамият учун фойдали, мақбул, қулай, самарали ва энг муҳими зарарсиз бўлиши зарур.

С.П.Коваленконинг фикрича, жамият манфаатлари йўлида ҳаракат қилиш директорлар кенгаши аъзоси учун жамият манфаатларида назарда тутилган аниқ мажбуриятларни бажаришда, ўз фаолияти натижалари учун ҳар йили ҳисобот бериш ва ўз ваколатлари доирасидан четга чиқмаслик ва ҳуқуқларини суиистеъмол қилмасликда ифодаланади[11, С. 105-106].

Ҳўжалик жамиятлари бошқарув органларининг жавобгарлигига оид қонунчилик нормаларини таҳлил қилар экан, И.С.Шиткина қуйидаги хулосага келади: акциядорлик жамиятлари бошқарув органларининг жавобгарлиги ҳаллоллик ва оқилоналик билан бирга АЖ бошқарувини амалга ошираётган шахснинг хайрихоҳлик талабига ҳам асосланади. Бинобарин, АЖ бошқарув органлари аъзолари ўзларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишда жамият манфаатлари йўлида ҳара-

кат қилишлари лозим. Бу шуни англатадики, бошқарув органи аъзоларининг хулқ-атвори уларнинг шахсий манфаатлари ёки учинчи шахс манфаатларини қондиришга қаратилмаслиги зарур. Яъни бошқарув органи аъзолари манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги зарур [16, С. 5].

Дарҳақиқат, Кузатов кенгаши аъзосининг АЖ манфаатлари йўлида ҳаракат қилиши унинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беришда ва ҳуқуқий оқибатларни аниқлашда муҳим ўрин тутди. Шу сабабли ҳам ҳуқуқий нуқтаи назардан ҳамда қонунчилик атамаси сифатида “манфаат” тушунчасини тўғри талқин этиш ва уни қўллашнинг мезонларини белгилаш муҳимдир. Чунки, амалдаги қонунчилик, ҳусусан, юридик шахсларга оид фуқаролик қонунчилигининг умумий қоидалари ва корпоратив қонунчилик “манфаат” тушунчасини бир нечта йўналишда қўллар экан, унинг мазмунини англашда чалқашмаслик ва ўз ўрнида тўғри татбиқ этиш анчайин мураккаб ҳамда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган ҳолат ҳисобланади. Амалдаги қонунчиликда “манфаат” тушунчаси биринчидан, юридик шахс фойдаси учун риоя этилиши лозим бўлган талаб сифатида талқин этилса, иккинчидан, корпоратив ҳуқуқ субъектларининг корпорацияда иштирокидан мақсади, оладиган фойдасининг ифодаси сифатида эътироф этилади, учинчидан эса, бу тушунча жамият иштирокчилари ва бошқарувчилар ўртасидаги қарама-қаршиликлар (манфаатлар тўқнашuvi) предмети сифатида ҳам қўлланилади. Шу сабабли бу ҳолатда энг аввало, “манфаат” атамасининг ҳуқуқий нуқтаи назаридан талқинини очиб бериш ва ҳуқуқни қўлловчи учун зарурий мезонларни ишлаб чиқиш долзарблик касб этади.

Фикримизча, манфаат субъектнинг ички ҳолати ва истагини намоён этувчи объектив эҳтиёжларнинг ифодасидир. Чунки, манфаат ҳуқуқ субъекти кўзлаган мақсадлар ифодаси ҳамда унинг учун моддий жиҳатдан фойдали ва номоддий жиҳат мақбул ҳолат сифатида ҳаракатларнинг бош мезони ҳисобланади. Манфаат мавжуд экан, ҳуқуқ субъекти ҳаракатни амалга оширади ёки уни амалга оширишдан тийилади. Шу сабабли юридик шахс сифатида АЖнинг манфаати унинг учун ҳар томонлама мақбул, фойдали ва истиқболли ҳолатнинг ифодасидир.

Жамият манфаатлари йўлида ҳаракат қилар экан, Кузатов кенгаши раиси ва аъзолари бу жараёни ҳалол ва оқилона амалга ошириши лозим. Мазкур қоида ФКнинг 45-моддаси учинчи қисмидан англашилади. Шу ўринда ЎзР АЖ тўғрисидаги қонуннинг жамият Кузатов кенгаши ва ижроия органининг жавобгарлигини назарда тутувчи 81-моддасида ҳалоллик ва оқилоналик категориялари назарда тутилмаганлигига эътибор қаратиш лозим². Бундан фарқли равишда бир қатор хорижий мамлакатларнинг АЖлар тўғрисидаги махсус қонунчилигида Кузатов кенгаши аъзолари ва ижроия орга-

нининг жамият манфаатлари йўлида ҳалол ва оқилона ҳаракат қилишлари лозимлиги назарда тутилганлигини қайд этиш ўринли. Жумладан, РФнинг АЖ тўғрисидаги қонуни 71-моддаси биринчи қисмида Кузатов кенгаши аъзоси ва ижроия органининг ҳалол ва оқилона ҳаракат қилиши хусусидаги қоида ўз ифодасини топган. Шунингдек, Буюк Британиянинг 2006 йилдаги “Компаниялар тўғрисида”ги Қонунининг 174-моддасида ҳам Кузатов кенгашининг ҳалол ҳаракат қилиши лозимлиги белгиланган. Фикримизча, жамият Кузатов кенгашининг аъзолари, жамият директори ва бошқарувчи аъзолари, шунингдек ишончли бошқарувчи ҳаракатлари ҳалол ва оқилона бўлиши ҳақидаги қоида АЖ тўғрисидаги қонуннинг 81-моддаси биринчи қисмида ўз ифодасини топиши лозим ва бу категориялар мазкур норманинг “жамиятнинг манфаатларини кўзлаб” жумласидан кейин “ҳалол ва оқилона иш тутиши” тарзида белгиланиши зарур.

Фуқаролик ҳуқуқида ҳалоллик категорияси (ёки тамойили) учинчи шахс манфаатлари йўлида амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар учун белгиланган талаб ёхуд муайян ҳолатга нисбатан баҳо беришда таянладиган мезон сифатида талқин этилади. Айрим мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳалоллик тамойили бу ўз фуқаролик ҳуқуқларига ўз эрқларига мувофиқ эга бўлиб ва бу ҳуқуқларини ўз манфаатларини кўзлаб амалга ошираётган субъектнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатнинг бошқа иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳақида ғамхўрлик қилишнинг олий муомалавий мезонидир [13, С. 16].

Ҳалоллик тамойили фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг барча турида, шу жумладан, корпоратив-ҳуқуқий муносабатларда ҳам субъектнинг ахлоқ қоидалари ва иш муомаласи одатлари доирасидаги ҳаракатини англатади ва унинг бузилиши ваколатли органнинг баҳоси асосида аниқланади. Миллий қонунчиликда эса бу ваколат судларга юклатилган ва судлар корпоратив муносабат иштирокчиларининг, шунингдек Кузатов кенгаши аъзоларининг ҳаракатларида ҳалоллик ёки оқилоналикнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳолатига баҳо бериш орқали уларга нисбатан юридик жавобгарликни қўллаш ёки қўлламаслик масаласини ҳал қиладилар. Умуман олганда, субъект ҳаракатини баҳоловчи мезон ҳисобланган ҳалоллик ва оқилоналик юридик категория сифатида нималарда ифодаланиши масаласи, ушбу мезонларнинг тушунчаси, моҳияти ёки элементлари миллий қонунчиликда назарда тутилмаган. Бу эса айни пайтда уларни талқин этиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида татбиқ этишда қийинчиликни юзага келтиради. Кўп ўринларда эса ушбу категорияларни қўллашда турли хилдаги ёндашувларга олиб келади.

Ҳалоллик ва оқилоналик категорияларини хорижий мамлакатлар қонунчилигида ифодаланиши ҳолатига эътибор қаратадиган бўлсак, миллий

қонунчиликдан фарқли равишда ҳалоллик ва оқилоналик фуқаролик қонун ҳужжатларининг асосий негизлари сифатида эътироф этилмайди ва субъектларнинг алоҳида ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи махсус фуқаролик-ҳуқуқий нормаларда фойдаланилади. Масалан, Франция Савдо кодексининг^[2] («d'ici raisonnable») L134-7, L430-7, R134-2, R621-21 ва бошқа моддаларида, АҚШ Бирхиллаштирилган савдо кодексининг^[4] («reasonable time») §1-205, 2-309-моддаларида ҳамда Хитой Халқ Республикасининг “Шартномалар тўғрисида”ги қонунининг^[9] 182, 221, 227, 230, 232, 248, 281, 310-моддаларида белгиланган оқилона муддат. Оқилоналик тўғрисидаги нормаларнинг қонунчиликда ифодаланишининг бошқа вариантлари бўлиб, “оқилона баҳо” ва “оқилона ҳақ (вознаграждение)” (масалан, Нидерландия ГКнинг^[7] 7-китоби 4-моддаси, Франция Савдо кодексининг L134-5-моддаси), “оқилона одам” (Франция Савдо кодексининг^[1] 111-моддаси «personne raisonnable»), “оқилона хатти-ҳаракат” (Франция Интеллектуал мулк кодексининг^[3] L615-5-1-моддаси «b» хатбошиси («efforts raisonnables») ҳисобланади.

Хорижий мамлакатлар қонунчилигида ҳалоллик ва оқилоналик билан бирга адолатлилик мезони ҳам субъект хатти-ҳаракатини баҳоловчи мезон сифатида талқин этилади ва амалиётда кенг қўлланади. Бунда баҳоловчи мезонларнинг ўзига хос триадаси юзага келади. Бунда адолатлилик ҳақидаги нормалар бир қатор мамлакатлар қонунчилигида учрайди. Масалан, Нидерландия ГКнинг 7-китоби 440-моддаси 1-бандида адолат тижорат агентлиги тўғрисидаги шартномани бекор қилишни талаб қилганда шартнома бекор бўлишини назарда тутди. Шунингдек, ХХРнинг Шартномалар тўғрисидаги қонуни 271-моддасида қурилиш пудрати бўйича танлов савдоларини ўтказиш ишларини ташкил этишда “ошқора, адолатлилик, объективлилик”ка риоя этилиш талаби белгиланган. Украина Гражданлик кодексининг^[15] 3-моддасида эса фуқаролик қонунчилигининг умумий тамойилларида баҳоловчи мезонлар “триадаси” ҳалоллик, оқилоналик ва адолатлилик назарда тутилган.

Айрим давлатлар қонунчилигида таҳлил ҳалоллик ва оқилоналик категориялари тамойиллар сифатида келтирилмаса-да, ушбу категорияларни ифодаловчи нормалар умумий қоидалар тусига эга. Масалан, Қозоғистон Республикаси Гражданлик

кодексининг 8-моддаси 4-банди ва ЎзР ФКнинг 9-моддаси учинчи қисмида “фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилиши” белгиланган. “Ҳалоллик, ғамхўрлик, оқилоналикка интилиш” каби умумий мажбуриятлар тўғрисида Бирхиллаштирилган савдо кодексининг §1-102 3-бандида, адолат ҳуқуқи тўғрисида мазкур кодекснинг §1-103, §1-201 1-бандида махсус қоидалар назарда тутилган^[8]. Оқилоналик ва ҳалоллик тўғрисидаги кўплаб умумий нормалар Нидерландия қонунчилигида учрайди. Жумладан, Нидерландия ГКнинг 6-китоби 2-моддасига кўра, кредитор ва қарздор “ўзаро муносабатларда оқилоналик ва адолат талабларига риоя этишлари” ва уларни боғлаб турган мажбурият “оқилоналик ва адолатлилик нуқтаи назаридан муайян вазиятда мақбуллиги бўйича ҳақиқийдир”; оқилоналик ва адолат талаблари тўғрисида, шунингдек 2-китоб (юридик шахслар тўғрисида)нинг 8-моддаси 2-бандида, 94-моддасида (неустойка тўғрисида), 248-моддасида (шартномаларнинг ҳуқуқий оқибатлари тўғрисида) ва бошқа моддаларида қоидалар белгиланган.

Германия Гражданлик тузуқларининг қатор нормаларида (§305§10) оқилоналик мезони ифодаланган. Мазкур ҳолатларда немис қонунчилиги “in zumutbarer Weise” (подп. 2 п. 2 §305 2-банди 2-кичик бандида) “оқилона тарзда”, “angemessene Frist” (§308 5-бандининг а-кичик банди) “оқилона муддат”, “unangemessen lange Zeit” (§308 1 а-банди) “асоссиз узок вақт” атамаларини қўллайдди^[6].

Таъкидлаш лозимки, компания бошқарувини жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масаланинг асосий жиҳати улар ҳаракатидаги ҳалоллик ва оқилоналик ҳисобланади. Бироқ бугунги кунда қонунчиликдаги ўзгаришлар ва корпоратив низоларнинг кўпайиб бораётганлиги жамият бошқарув органи аъзолари фаолиятининг таваккалчилик тусини бир қадар камайтириш ва ваколат доирасидан ташқарига чиқмаган ҳолда самарали бизнес-қарорлар қабул қилиш имконини берадиган янги механизмларга эҳтиёжни юзага келтирмоқда. Бундан ташқари, норматив база мавжуд бўлмаган шароитда ҳалоллик, оқилоналик стандартлари ва тадбиркорлик таваккалчилигининг ўзаро алоқадорлиги алоҳида долзарблик касб этади. Суд амалиётини фаоллаштириш шароитида эса янги конструкцияларни қўллаш мезонларини ишлаб чиқиш зарурати юзага келмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 19-сон, 210-модда.

² Ушбу қонунда ҳалоллик категорияси умуман қўлланилмаган, оқилоналик эса фақат иккита ҳолатда (24, 83-моддалар) ишлатилган, холос.



Ойбек КАМАЛОВ,
ИИБ Академияси
кафедра бошлиги, ю.ф.д., доц.

ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ РОЛИ

✦ Мақолада маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар ёритилган. Муаллиф тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг роли ва масъулиятини янада оширишга қаратилган аниқ таклифларни илгари сурган.

✦ В данной статье освещаются вопросы, касающиеся совершенствования деятельности по поддержке и развитию предпринимательской деятельности органов местной государственной власти. Автором сформулированы конкретные предложения по повышению роли и ответственности органов местной государственной власти по дальнейшему развитию и поддержке предпринимательской деятельности.

✦ The article deals with the issues connected with the improvement of the activity on support and development of entrepreneurial activity of the organs of local state power. The author formulates concrete proposals on increasing the role and responsibility of the organs of local state power on further development and support of entrepreneurial activity.

Таянч сўзлар: маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тадбиркорлик фаолияти, ҳудудий дастурлар, кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик, хомашё.

Ключевые слова: органы местной государственной власти, предпринимательская деятельность, региональные программы, малый бизнес, семейное предпринимательство, сырьё.

Key words: organs of local state power, entrepreneurial activity, regional programs, small-scale business, domestic entrepreneurship, raw materials.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришдаги иштирокини кенгайтириш давлатнинг бу борадаги имкониятларини янада самарали йўналтириш имконини беради. Зеро, тадбиркорлик ҳар қайси мамлакатда ва унинг алоҳида айрим ҳудудларидаги конкрет демографик ва иқтисодий ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда ривожланади¹ ва замонавий бозор иқтисодиётини қарор топтиришда давлат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш орқали такомиллаштиришда давлат томонидан таъсир этувчи ҳудудий омилларни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Тадбиркорларни ишлаб чиқариш бинолари, иншоотлар, омбор ва савдо жойлари билан таъминлаш муаммоларини ҳокимиятларнинг саъй-ҳаракатсиз тўлиқ ва самарали ҳал этиб бўлмайди². Шунингдек, бу борада Р.Хасанов ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қўллаб-қувватлашни фаоллашти-

риш, маҳаллий микёсда солиқ имтиёзларини ишлаб чиқиш долзарб асосий йўналишлар ҳисобланадиганини таъкидлайди³. Дарҳақиқат, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари муҳим роль ўйнайди.

Хусусан, жойларда тадбиркорлик ва яратувчанлик муҳитини шакллантириш, ёшларни, биринчи навбатда, таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, аҳолини тадбиркорликка оид ахборот-маълумотлар билан таъминлаш, тегишли ҳудуддаги бўш бино ва иншоотларни ишлаб чиқариш объектларига айлантириш, оилавий тадбиркорлик, касаначилик, миллий хунармандчилик, чорвачилик, паррандачилик, деҳқончилик, шахсий томорқа хўжалигини рағбатлантиришга қўмаклашиш, замонавий инсон омилни шакллантириш каби вазифаларни амалга оширишда бевосита маҳаллий давлат ҳокимияти органлари асосий таянч ҳисобланади.

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар, хусусан, АҚШ, Франция, Германия, Сингапур, Япония

каби мамлакатларда ҳам хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари энг муҳим вазифаларни бажаради.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонунининг 25-моддасида деҳқон хўжалиқларининг давлат йўли билан ва бошқа тарзда қўллаб-қувватланиши, 2004 йил 26 августда қабул қилинган янги таҳрирдаги «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунининг 29-моддасида фермер хўжалиқлари давлат йўли билан ва бошқа тарзда қўллаб-қувватланиши, 2012 йил 26 апрелда қабул қилинган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунининг 23-моддасида эса давлат томонидан оилавий тадбиркорликнинг қўллаб-қувватланиши белгилаб қўйилган. 2012 йил 2 майда қабул қилинган янги таҳрирдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 44-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги ваколатлари назарда тутилган бўлса-да, мазкур қонунларнинг ушбу нормалари умумий мазмунга эга. Яъни тадбиркорлик фаолиятини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қўллаб-қувватлашнинг аниқ чора-тадбирлари назарда тутилмаган. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунида (1993 йил 2 сентябрь) эса, халқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш соҳасидаги бирон-бир ваколати кўрсатиб ўтилмаган.

Мазкур масала юзасидан давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида «маҳаллий ҳокимлик органлари оддий масалаларни ҳал этишда ҳам ваколатга эга бўлмаса, буни қандай тушуниш мумкин? Буларнинг барчаси маҳаллий тузилмаларга ҳудудлардаги долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш бўйича мустақил иш олиб боришда салбий таъсир кўрсатмоқда. **Давлат бошқарувини ҳаддан ташқари марказлаштиришдан воз кечиш зарур.** Бунинг учун кўпгина ваколатларни марказий давлат органларидан ҳудудий органларга ўтказиш керак», деб таъкидлаб ўтди⁴.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, аввало, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш лозим. Бунда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашдаги барча имкониятларини сафарбар этишнинг аниқ ташкилий-ҳуқуқий механизмларини белгилаш зарур.

Шунингдек, фикримизча, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш фаолиятини ривожлантиришда айрим масалаларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш масаласи. Ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, авваламбор, уларни иш билан таъминлашни, иккинчидан, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишнинг қўшимча йўналишларини, учинчидан, ёшларни меҳнатга жалб этиш орқали уларни тарбиялаш ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни ифодалайди. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонунининг 26-моддасида ҳам ёшлар тадбиркорлигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг устувор йўналишлари белгиланган, бироқ бугунги кунда ушбу йўналишларидаги вазифаларни бажариш механизми мавжуд эмас. Шундан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, «ёшларни иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этиш бўйича бошлаган ишларимизни янги, юксак босқичга...» кўтаришимиз лозим.

Иккинчидан, ногиронлар ва имконияти чекланганларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш масаласи. Ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири ногиронлар ва имконияти чекланганларни қўллаб-қувватлаш ҳисобланади, бу борада давлат томонидан турли йўналишларда чора-тадбирлар амалга оширилади ва имтиёзлар белгиланади. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 11 июлда қабул қилинган янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 25-моддасида ҳам маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ташкилотлар уйда ишловчи ногиронларга, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи ногиронларга мазкур фаолият учун яшашга мўлжалланмаган жойлар берилишида, хомашё олиши ва маҳсулот сотишида зарур ёрдам кўрсатиши белгиланган. Афсуски, ушбу нормани ҳам амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ҳалигача мавжуд эмас. Ногиронлар ва имконияти чекланганларга ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга кўмаклашиш ва уларнинг тадбиркорлик фаолияти учун алоҳида махсус имтиёзлар яратиш ҳамда ташкилий ва услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бир томондан, тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилса, бошқа томондан эса, ногиронлар ва имконияти чекланганларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Учинчидан, олис ва бориш қийин бўлган аҳоли пунктларида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш масаласи. Бозор муносабатлари ва инфраструктурани жадал ривожлантириш мақсадида мазкур аҳоли пунктларида ҳам тадбиркорлик фаолиятини кенг йўлга қўйиш ва бунинг учун маҳаллий миқёсда имтиёзлар ва шарт-шароитлар яратиш муҳим ўрин тутди. Олис ва бориш қийин бўлган аҳоли пунктла-

рида ҳам тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, савдо, хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш объектларини кўпайтириш тегишли ҳудудда аҳолининг зарур эҳтиёжларини қондириш ва товар-пул айланмасини жонлантириш орқали аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қилади. Бунда олис ва бориш қийин бўлган аҳоли пунктларида ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектларига аниқ йўналтирилган турли имтиёзлар бериш, тегишли шарт-шароитлар яратиш, методик ва ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари муҳим имкониятларга эга ҳисобланади.

Тўртинчидан, ижтимоий-иқтисодий заруратлардан келиб чиқиб, маҳаллий хусусиятлар ва имкониятларни инobatга олган ҳолда тадбиркорликнинг муайян турини мақсадли ривожлантириш ва бу борада кўшимча шарт-шароитлар ҳамда имкониятлар яратиш масаласи. Тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига таъсир этувчи маҳаллий омилларни аниқлаш ва уларни фаол ҳолатга айлантиришда ҳам маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Хусусан, тегишли ҳудуднинг иқлими, табиий шарт-шароити, табиати, тупроқ унумдорлиги, табиий захиралари, аҳолининг ишлаб чиқаришдаги тарихий тажрибаси кабиларни инobatга олиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, тадбиркорлик фаолияти ўзига хос мураккаб ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида унинг тараққий этиши ва ривожланиши турли омилларга боғлиқ. Айниқса, бу борада маҳаллий омиллар бекиёс аҳамият касб этади.

Бешинчидан, оилавий тадбиркорлик, халқ хунармандчилиги, касаначилик йўналишлари бўйича ташкил этилган тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш масаласи. Оилавий тадбиркорлик ҳамда хунармандчиликни ривожлантириш оила бюджетларида даромадларни кўпайтириш, иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этиш ва халқ хунармандчилигининг кўп асрлик анъаналарини сақлаб қолишда муҳим аҳамият касб этади. Бу борада ҳам маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қўллаб имкониятларга эга.

Олтинчидан, инсон омилини ривожлантириш ва ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш масаласи. Тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишида инсон омили муҳим аҳамиятга эга. Н.А.Мамадалиев, Х.М.Ишбутаева, М.С.Низомова ҳамда М.Э.Улуғбековлар ҳам тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишида маҳаллий аҳолининг тадбиркорлик фаолиятига анъанавий мойиллиги² муҳим роль ўйнашини таъкидлайди. Зеро, инсон омили ижтимоий тараққиётнинг ҳамма соҳаларига таъсир ўтказадиган инсоний хусусиятлар, қобилиятлар ва муносабатлар йиғиндиси ҳисобланади⁵.

Инсонлар фаоллашмас экан, бошқарувда ижтимоий онг иштирок этмас экан, кўп имкониятлар бой берилaveraди, нуқсонлар кўпайиб бораве-

ради⁶.

Шу маънода, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашда инсон омилини шакллантириш ва ривожлантиришга етарлича эътибор қаратилмаган. Маҳаллий давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви органларининг ҳеч бирида инсон омилини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича ваколатлар мавжуд эмас.

Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун тегишли шарт-шароитлар яратилган бўлса-ю, лекин инсон омили етишмаса унда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича сўз юритмаса, ҳам бўлади. Зеро, АҚШ, Япония, Хитой, Индонезия, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатларда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишида инсон омили катта ўрин тутди. Инсон омилини шакллантириш ва унинг ривожланиши юзасидан тегишли шарт-шароитлар яратиш, аҳолининг тадбиркорлик фаолиятига бўлган амалий қизиқишини уйғотиш ва жонлантириш, тадбиркорлик қобилиятини шакллантиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг имкониятларидан кенг фойдаланиш механизмини жорий этиш зарур.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, амалдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 44-моддасини янги таҳрирда баён этган ҳолда унда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича фаолияти йўналишлари сифатида тадбиркорликни ривожлантириш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, тадбиркорлик субъектларига ер майдонларини ажратиш, уларни бино ва иншоотлар билан таъминлаш чораларини кўриш, маҳаллий бюджет ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига кўшимча имтиёзли кредитлар жорий этиш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишга қўмаклашиш, тадбиркорлик субъектларини бизнес юритиш бўйича методик маслаҳатлар билан таъминлаш, хусусийлаштиришнинг ҳудудий дастурларини ташкил этишда тадбиркорлик субъектларига имтиёзлар яратиш бериш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳимоя қилишнинг кўшимча кафолатлари ва чораларини белгилаш, қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳаллий солиқлар бўйича имтиёзлар белгилашни мустаҳкамлаб қўйиш лозим.

Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни ижтимоий мақсадлар билан уйғунлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Масалан, иш билан бандлик аёлларнинг (айниқса, уй бекаларини) бир тусдаги фаолият (кундалик уй-хўжалик) юмушларидан даромад ва моддий манфаат келтирадиган иқтисодий фаолиятга ўтишларига сабаб бўлади⁷. Шу боис, кичик бизнес субъектлари, таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаган субъектлари, чекка ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги тадбиркорлик субъектлари,

қишлоқ жойларда фаолият юритаётган аёл тадбиркорлар, I ва II гуруҳ ногирони бўлган тадбиркорлик субъектлари учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан алоҳида имтиёзлар ва шарт-шароитлар яратиш ва тадбиркорлик фаолиятининг айрим турларини мақсадли рағбатлантиришни ҳам белгилаб қўйиш зарур.

Ҳокимлар тегишли ҳудуднинг биринчи даражали мансабдор шахси сифатида тадбиркорлик фаолияти соҳасида қўллаб-қувватлашга эга бўлсада, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича вазифалари, мажбуриятлари ҳалигача аниқ белгиланмаган. Фикримизча, ҳокимларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича асосий фаолият йўналишларини, ваколатларини, вазифалари ҳамда мажбуриятларини аниқ белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг маҳаллий дастурларини жорий этиш лозим.

Бугунги кунда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш фаолияти тизимли ва аниқ режа асосида йўлга қўйилган, деб айтиш мушкул. Бу борада хориж тажрибасига мурожаат қиладиган бўлсак, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича маҳаллий дастурларни қабул қилиш амалиёти кенг жорий этилган. Хусусан, Россия Федерациясида давлат томонидан кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш сиёсатининг асосини бу борадаги давлат ва маҳаллий (ҳудудий) дастурлар ташкил этади. Шунингдек, Озарбайжон Республикасида ҳам маҳаллий-оммавий бошқарув органлари кичик ва ўрта корхоналар сектори ривожланишини қўллаб-қувватлаш мақсадида маҳаллий дастурларни тасдиқлаши ва уларни амалга ошириши белгиланган.

Тадбиркорликни ривожлантириш бўйича маҳаллий давлат дастурларида тегишли ҳудуднинг иқти-

содий ривожланиш даражаси, инфратузилмаси, аҳоли таркиби, табиий иқлими ва шарт-шароитлари, транспорт коммуникацияси, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг аҳволи, молиявий-иқтисодий ресурслари каби тадбиркорлик фаолияти ривожига таъсир этувчи маҳаллий омиллар инobatга олинган тадбиркорлик фаолияти ривожига катта ижобий таъсир ўтказилади.

Шу муносабат билан «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунни тадбиркорликни ривожлантириш бўйича маҳаллий давлат дастурларини назарда тутувчи алоҳида модда билан тўлдириш жоиз.

Ҳокимлар фаолиятини баҳолашда тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланганлик ҳолатини ҳам инobatга олиш зарур. Бу эса тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда тегишли ҳокимлар ва халқ депутатлари кенгашларининг масъулиятини янада оширишга хизмат қиладди. Бунда муайян аниқ даврда тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиш кўрсаткичларини турли мезонлар бўйича баҳолаш ва бу борада маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг иштирокини аниқлаш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг тадбиркорлик фаолиятини фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, услубий-методик жиҳатдан таъминлаш ва ташкилий йўналтириш ҳамда борада ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш бугунги давр талабидир.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ролини янада ошириш ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий масалаларни самарали ҳал этиш, тадбиркорлик фаолиятининг аҳоли фаровонлигини юксалтириш ҳамда мамлакат иқтисодиёти-ни мустаҳкамлашдаги ҳиссасини янада оширишга хизмат қиладди.

¹ Н.С.Қасимова. Ўзбекистонда хусусий тадбиркорликни ташкил этиш масалалари: Иқтисод. фан. номз. ... Дис. Тошкент: 2007. 10-б.

² М.М.Абдурахмонова. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш: Иқтисод. фан. номз... Дис. Фарғона: 2012. 89-б.

³ Р.Хасанов. Иқтисодиётни ислоҳ қилиш механизмлари. Тошкент: 2011. 35-б.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. 2017 йил 23 декабрь.

⁵ Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятининг қонуний асослари ва уни ривожлантириш. "Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари" илмий-амалий анжуман материаллари тўплами (2002 йил июнь). Тошкент: ТДИУ, 2002. 18-б.; М.Э.Абдусаломов. Тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий усуллари ва муаммолари: Юрид. фан. номз. ... Дис. Тошкент: 2003. 11-б.

⁶ Ҳ.П.Абдулқосимов. Шаклланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари: Дис. иқт. ... фан. докт. Тошкент: 2005. 18-б.

⁷ www.iqtisodiyot.uz. А.А.Мадалиев. Инсон омилини фаоллаштиришнинг ҳуқуқий аҳамияти // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" (илмий электрон журнал). 2015. №2.

⁸ Алижонов У. Аҳолининг иқтисодий фаоллигини ошириш йўллари // Жамият ва бошқарув. 2016. №4. 67-б.



ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ ҚУРАШ СОҲАСИДА ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ТАЖРИБАСИ: ЕВРОПА ПРОКУРАТУРА ОФИСИ

◆ Мазкур мақола жиноятчиликка қарши кураш соҳасида Европа Иттифоқи тажрибасига бағишланган бўлиб, унда Европа Иттифоқи доирасида жиноятчиликка қарши курашнинг норматив асослари ва институционал тизимининг шаклланиши, Европол, Европа адлия офиси, Европа прокуратура офисининг фаолияти, давлатлараро ҳамкорлик, қўшма тергов гуруҳларини ташкил этиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти устидан назорат механизмлари каби масалалар кўриб чиқилган. Трансмилий жиноятчиликка қарши кураш соҳасида марказлашган ва мувофиқлашган минтақавий механизмларнинг ижобий жиҳатларига урғу берилган, прокуратура органларининг халқаро ҳамкорлигини кучайтириш зарурати таъкидланган ҳамда тегишли таклиф ва тавсиялар берилган.

◆ В статье основное внимание уделяется опыту Европейского Союза в борьбе с преступностью. Статья посвящена институциональной и нормативно-правовой базе борьбы с преступностью, сотрудничеству Европола, Евроюстиции, Европейской прокуратуры по созданию совместных следственных групп и правоохранительных органов и механизмов контроля в рамках системы Европейского Союза, рассмотрены позитивные аспекты централизованных и согласованных региональных механизмов в борьбе с транснациональной преступностью, подчеркивается необходимость укрепления международного сотрудничества прокуроров и предоставления соответствующих рекомендаций.

◆ This article focuses on the experience of the European Union in combating against criminality. The article examines the formation of the institutional and legal-normative framework for combating crime, the activities of the Europol, Eurojustice, European Public Prosecutor's office in this field, inter-states cooperation, the establishment of joint investigation teams and monitoring mechanisms over law enforcement bodies within the European Union. It focused on the positive aspects of centralized and coordinated regional mechanisms in combating transnational crime, emphasizes the need to strengthen international cooperation among prosecutors and provided relevant proposals and recommendations.

Таянч сўзлар: Европа Иттифоқи, Европа полиция офиси, Европа адлия офиси, Европа прокуратура офиси, жиноятчиликка қарши кураш, трансмилий жиноятлар, таъсис шартномалари, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, яхлит ҳуқуқий макон, ҳуқуқий тартибот, қўшма тергов гуруҳлари, ўзаро тўлдириш тамойили, халқаро ҳамкорлик.

Ключевые слова: The European Union, European Police office, Eurojustice, European Public Prosecutor's Office, fight against criminality, cross border crimes, establishing treaties, law enforcement practices, common area of law, legal order, joint investigation teams, principle of subsidiarity, international cooperation.

Key words: Европейский Союз, полицейская служба Европейского Союза, Евроюстиция, Офис Европейской прокуратуры, борьба с преступностью, транснациональная преступность, учредительные договора, практика правоприменения, единое правовое пространство, принцип взаимодополняемости, международное сотрудничество.

Ўз олдида демократик фуқаролик жамияти қуриш орқали фаровон ҳаётга эришишни мақсад қилган ҳар қандай давлат, биринчи навбатда, инсон ва жамият хавфсизлигига эътибор қаратади. Табиийки, яхлит хавфсизликка ҳуқуқий тартиботсиз эришиб бўлмайди. Ҳуқуқий тартиботга асосланган хавфсизликка барқарор тараққиёт гаровидир.

Жамиятдаги бутун ҳуқуқий тартибот ҳуқуқий онг, юридик амалиёт ва ҳуқуқ нормалари асосида шаклланади. Улар замирида инсон манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, бурчлари, орзу-истаклари ва тинчлиги ётади. Ҳуқуқ нормаларининг аниқ ва бир хилда қўлланилиши жамиятдаги ҳуқуқий тартибот самарасини намоеён этувчи ўзига хос кўрсаткичдир.

Ҳар қандай жамиятда ҳуқуқий тартиботни таъминлашда прокуратура органларининг қонун

билан белгиланадиган ваколат ва вазифалари муҳим ўрин тутаяди. Хусусан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашда, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда уларнинг алоҳида ўрни бор. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Фармони¹ мувофиқ қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Ҳаракатлар стратегиясининг** 2.4-бандида республикада жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш юзасидан соҳа ходимларининг фаолият самарадорлигини ошириш, диний экстремизм ва терроризм, уюшган жиноятчиликнинг бошқа шакллари қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш,

коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш каби вазифалар белгиланган.

Мазкур вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда ривожланган давлатларнинг қонунчилик тизими, ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиёти ва прокуратура органлари фаолиятини таҳлилий ўрганиш ва илғор тажрибаларни амалиётга татиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Бу борада Европа Иттифоқи тажрибаси алоҳида эътиборга молик. Чунки, бу тажриба эндиликда 28 та давлатни ўз ичига олган Европа Иттифоқи ташкилоти доирасида жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётининг аллақачон бир мамлакат ҳудудидан чиқиб, минтақавий характер касб этган янги кўришини намоён этади.

Жиноятчиликка, айниқса, трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш ва Европа миқёсида яхлит хавфсиз ҳуқуқий макон яратиш ғоясининг пайдо бўлиши ўтган асрнинг 90-йилларига бориб тақалади. Мазкур ғоянинг ҳуқуқий концептуал моҳият касб этиши жараёни Европа интеграциясининг чуқурлашуви билан ҳамоҳанг кечди. Чунки, ўша пайтда Европа умумий ички бозорининг яратилиши чегараларнинг бекор қилиниши ҳамда шахслар, товарлар, хизматлар ва капиталнинг эркин ҳаракатланишига олиб келган, бу эса ўз навбатида, нарқобизнес, одам савдоси ва бошқа турдаги халқаро жиноятчиликнинг кучайиши учун мўътадил муҳитни вужудга келишига сабаб бўлган эди. Шу боис, Европа Иттифоқининг таъсис шартномаларида жиноятчиликка қарши кураш соҳасида дастлабки нормалар мустаҳкамлана борди.

1992 йил 7 февралда имзоланиб, 1993 йил 1 ноябрда кучга кирди Европа Иттифоқи тўғрисидаги Маастрихт шартномаси² Европа ҳамжамиятлари, “Умумий ташқи ва хавфсизлик сиёсати” ва “Адлия ва ички ишлар соҳасидаги ҳамкорлик”³ деб аталган учта соҳани қамраб олган Европа Иттифоқи ташкилотига асос солган эди.

Маастрихт шартномасининг VI қисми (“Адлия ва ички ишлар соҳаларида ҳамкорлик”) шу вақтга қадар амалга оширилган жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги норасмий ҳамкорликни тизимли тартибга солди. Маълумки, ўша пайтгача жиноятчиликка қарши кураш ва суд ҳукмларини ижро этиш каби соҳаларда давлатлараро ҳамкорлик икки томонлама битимлар ва халқаро конвенциялар асосида олиб бориларди. Масалан, Терроризм жинояти учун жавобгарлик бўйича Европа конвенцияси ва Дублин битими (1979 йил), Шахсларнинг эркин ҳаракатланишига оид Шенген би-

тими (1985 йил), Фуқаролик ва савдо соҳасидаги суд ҳукмларини ўзаро тан олиш ва ижро этиш бўйича Брюссель конвенцияси (1968 йил) аъзо давлатлар орасида амал қилиб келмоқда эди. Мазкур муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи қоидалар Маастрихт шартномасидан жой олгач, эндиликда, улар Европа Иттифоқи номидан Европа Иттифоқи ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган бўлди.

1997 йил 2 октябрда имзоланган ва 1999 йил 1 майдан кучга кирган Амстердам шартномаси⁴ Маастрихт шартномасининг мазкур нормаларини ислоҳ қилди. Унга кўра, Маастрихт шартномасининг VI қисмидаги “Адлия ва ички ишлар соҳасидаги ҳамкорлик”дан жой олган “Шенген ўзлаштирма ҳуқуқи” ундан ажратиб олинди ва янги “Визалар, бошпана, иммиграция ва шахсларнинг эркин ҳаракатланиши билан боғлиқ бошқа сиёсатлар” деб номланиб, IV бўлим сифатида жойлаштирилди. Маастрихт шартномасининг VI қисми (29-42-моддалар) “Жиноятчиликка қарши кураш соҳасида полиция ва суд-ҳуқуқ органларининг ҳамкорлиги” номи билан Амстердам шартномасининг VI қисми бўлиб қолди. Яъни шу тариқа, бу соҳа бутунлай Европа Иттифоқи ҳуқуқи юрисдикциясига ўтказилди.

2007 йилнинг 13 декабрида имзоланиб, 2009 йилнинг 1 декабрида кучга кирган ва ҳозирда амал қилиб келаётган Лиссабон шартномаси⁵ жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги ҳамкорлик учун янги қадам ташлади. Амстердам шартномасининг “Жиноятчиликка қарши кураш соҳасида полиция ва суд-ҳуқуқ органларининг ҳамкорлиги”га бағишланган Европа Иттифоқи тўғрисидаги шартноманинг VI қисми (29-42-моддалар) яна бир бор ислоҳ қилинди. Эндиликда мазкур қисмнинг қоидалари Лиссабон шартномаси билан қайта номланган “Европа Иттифоқининг амал қилиши тўғрисидаги шартнома”нинг III қисми (Иттифоқнинг ички сиёсатлари ва фаолиятлари)даги V бўлимдан жой олди. Мазкур бўлим “Эркинлик, хавфсизлик ва адлия макони”⁶ деб номланди ҳамда қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлди: “Умумий қоидалар” (1-боб), “Чегаралар назорати, бошпана ва иммиграцияга оид қоидалар” (2-боб), Фуқаролик ҳуқуқи соҳасида ҳуқуқий ҳамкорлик” (3-боб), “Жиноят ҳуқуқи соҳасида ҳуқуқий ҳамкорлик” (4-боб), “Полиция ҳамкорлиги” (5-боб).

Шу тариқа жиноятчиликка қарши кураш соҳасида шартномавий-норматив база яратилди. Айни пайтда, 1992 йилдаги Маастрихт шартномаси томонидан асос солинган адлия ва ички ишлар соҳаларидаги ҳамкорлик Европа Иттифоқининг ихтисослашган тузилмаларининг шаклланишига ҳам замин яратди. Улар орасида Европа полиция офиси (Европол) ва Европа адлия офиси (Евроюст) алоҳида аҳамият касб этади.

Европа полиция офиси (Европол)⁷ 1995 йил 26 июлдаги Европол конвенцияси томонидан ташкил этилган ва 1999 йил 1 июлдан ўз фаолиятини бошлаган. Бош қароргоҳи Гаагада жойлашган. Европол трансмиллий характерга эга бўлган 25 турдаги уюшган жиноятлар (терроризм, педофилия, одам савдоси ва ҳ.к.)га қарши кураш учун масъулдир. 2002 йил 28 ноябрда қабул қилинган Европол конвенциясини ўзгартирувчи Протокол 2007 йил март ойида кучга киргач, Европол ходимлари аъзо давлатларнинг биргаликдаги қўшма тергов гуруҳларига кўмак кўрсата бошлади. Ўтган йиллар ичида Европол маълумотлар тизими Европада жиноятчиликка қарши курашда самарали воситага айланиб улгурди. 2007 йилдаги Лиссабон шартномаси унинг ваколатини янада кенгайтди. Шартноманинг 12-, 85-, 86- ва 88-моддалари бевосита Европолнинг таркибий тузилиши ва фаолиятини тартибга солиди.

Лиссабон шартномасига қадар унинг ваколатига фақат жиноятчиликка оид маълумотлар йиғиш, таҳлил қилиш ва уларнинг натижаларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар орасида ўзаро алмашишгина кирарди. Эндиликда, Европол аъзо давлатларнинг ваколатли идоралари рухсати билан оператив амалиётлар ўтказиши ва мажбурловчи чоралар қўллаш ваколатига эга бўлди. Шу боис, кенгайиб бораётган Европол фаолияти устидан назоратни кучайтириш мақсадида миллий парламентларни жалб этиш кўзда тутилган.

Европа Иттифоқи адлия офиси (Евроюст ёки Евроюстиция)⁸ аъзо давлатлар томонидан вакил қилинган прокурорлар, судьялар, полициячилардан иборат тузилма бўлиб, жиноят ҳуқуқи соҳасида ҳамкорликни кучайтириш ҳамда аъзо давлатларнинг тергов ва қидирув амалиётларини ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида ташкил этилган. Мазкур тузилма Тампер Европа кенгашининг ташаббуси билан Вазирлар кенгашининг 2000 йил 14 декабрдаги қарори асосида таъсис этилган, 2001 йилдаги Ницца шартномаси унга расмий мақом берган эди. Кенгашнинг 2002 йил 28 февралдаги 2002/187/JAI қарори билан у Иттифоқнинг ҳуқуқий лаёқатга эга органига айлантилди. 2002 йил 1 декабрдан Евроюстнинг қароргоҳи Гаагада жойлашган.

Унинг ваколатига кирувчи жиноят таркиби Европол юрисдикцияси билан бир хилдир. Шу билан бирга, молиявий жиноятлар (пул ювиш, фирибгарлик, коррупция)га қарши курашиш Евроюст фаолиятининг устувор йўналишларидир. Шартноманинг 12-, 85-, 86- ва 88-моддалари бевосита Евроюстнинг таркибий тузилиши ва фаолиятини тартибга солиди.

Трансмиллий жиноятчиликка қарши биргаликда қўшма тергов гуруҳларини тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш Евроюстнинг асосий

вазифаси бўлса-да, Лиссабон шартномасига қадар унинг ўзи мустақил тергов фаолиятини бошлай олмас эди. У ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ваколатли миллий идоралардан содир этилган жиноят бўйича иш очиш ва тергов амалиётини бошлашни сўраши мумкин эди, холос. Аъзо давлатнинг ваколатли идораси эса асослантилган сабабга кўра унинг сўровини рад этиш ҳуқуқига эга эди. Лиссабон шартномаси Евроюстнинг ваколатларини кучайтирди. Эндиликда, шартноманинг 85-моддасига кўра, Кенгаш ёки Парламент қарори асосида Евроюстга мустақил тергов жараёнини бошлаш ёки миллий тергов идоралари томонидан бошланган тергов жараёнини ўз назоратига олиш ҳуқуқи берилиши мумкин.

Европолнинг қидирув ва тергов фаолияти устидан Евроюстнинг назоратини ўрнатиш ғояси Лиссабон шартномасида ўз тасдиғини топмади. Бироқ, Лиссабон шартномаси унинг ваколатларини янада кучайтирди ва унинг негизда **Европа Иттифоқи Прокуратура офиси** ташкил этиш имкониятини кўзда тутди (86-модда). Шундай қилиб, Евроюст негизда Европа Иттифоқи прокуратура тизимини шакллантириш учун ҳуқуқий асос яратилди. 2013 йилдаёқ Европа Комиссияси Европа Прокуратура офиси⁹ни таъсис этишни кўзда тутувчи регламент лойиҳасини эълон қилди¹⁰. Мазкур регламент лойиҳаси 2017 йилнинг 5 октябрида Европа парламенти томонидан маъқулланди, 12 октябрида Европа Иттифоқи Вазирлар кенгаши томонидан қабул қилинди. Унга мувофиқ, мазкур тузилма ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлардан фарқли равишда, фақат жиноий қидирув соҳасига ихтисослашади. Зарар қийматига кўра, 10 минг евродан ортиқ бўлган бюджет жиноятлари ва 10 миллион евродан ортиқ бўлган солиқ-молия жиноятлари бўйича иш юртиш унинг ваколатига кирилади. У коллегиял орган бўлиб, иккита поғонали тузилишга эга: марказий поғонада Европа Бош прокурори, маҳаллий поғонада аъзо давлатларда кундалик фаолият кўрсатувчи вакил қилинган Европа прокурорлари. Бош прокурор Европа прокурорлари фаолиятини мониторинг қилади, умумий раҳбарликни олиб боради ҳамда бутун Европа миқёсида тергов жараёнларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини мувофиқлаштиради. Ҳозирча Европа Иттифоқининг 28 та аъзо давлатидан 20 таси (Австрия, Бельгия, Болгария, Германия, Греция, Испания, Италия, Кипр, Латвия, Литва, Люксембург, Португалия, Руминия, Словакия, Словения, Финландия, Франция, Чехия, Хорватия, Эстония) мазкур ҳамкорликда иштирок этади. Шу билан бирга, Бош прокурор ва Европа прокурорларининг учинчи давлатлар прокуратура органлари билан халқаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиши кўзда тутилган. Европа Прокуратура офиси келаси уч йил ичида ўз фаолиятини, яъни дастлабки тергов

ҳаракатларини бошлайди. Унинг бош қароргоҳи Европа Иттифоқи Одил суди, Тафтиш палатаси билан бир қаторда Люксембургда жойлашган.

Ўтган йиллар давомида Европа Иттифоқида нафақат Европол ёки Евроюстиция каби куч ишлатар тузилмаларнинг ваколатлари кучайиб борди, балки шу билан бирга жиноятчиликка қарши кураш соҳасида бошқа органларнинг ваколатлари ҳам кенгайди. Жумладан, Лиссабон шартномаси туфайли эркинлик, хавфсизлик ва адлия соҳасида Европа Иттифоқи Одил судининг ваколати кучайтирилди. Лиссабон шартномасига қадар жиноятчиликка қарши кураш соҳасида суд-хуқуқ ва полиция ҳамкорлиги соҳасида қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари устидан Одил суднинг конституциявий назорати чекланган эди. Суд у ёки бу аъзо давлатда полиция ёки бошқа куч ишлатувчи тизимлар томонидан амалга оширилган ҳаракатларнинг қонунийлиги ва мутаносиблигини текшириши ёки фақатгина уларнинг жамоат тартибини сақлаш ва ички хавфсизликни таъминлашга мувофиқлигини назорат қилиши мумкин эди. Суднинг бундай тарзда чекланган назорати Лиссабон шартномаси кучга киргандан сўнг 5 йил давомида аста-секин кучайиб бориши белгиланган.

Ўтган яқин йиллар ичида Европа Иттифоқида жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги ўзгаришларда қуйидаги ўзига хос тенденцияларни кузатиш мумкин: минтақада уюшган жиноятчиликка қарши кураш соҳасида миллий механизмлар билан бирга Европа Иттифоқи ташкилоти доирасида минтақавий тузилмалар ҳам шакллантирилди. Миллий ва минтақавий механизмлар бир-бирини инкор этмаган ҳолда ўзаро тўлдириш тамойили асосида биргаликда фаолият кўрсатади. Айни пайтда, куч ишлатар тузилмалар ваколатларининг кенгайтирилиши билан биргаликда, уларнинг фаолияти устидан Одил суд ва миллий парламентларнинг назорати ҳам кучайиб бормоқда.

Жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ҳамкорлик Европа Иттифоқининг бир қатор норматив-ҳуқуқий актлари билан ҳам мустаҳкамлана борди. Жумладан, Европа Иттифоқи Вазирлар кенгашининг 2002 йил 28 ноябрдаги 2002/996-сонли қарори терроризмга қарши курашда полиция ва суд органлари ҳамкорлиги учун кенг йўл очди. Унга асосан, ҳар бир давлатдан иккитадан вакил иштирокида аъзо давлатлардаги ҳолатни баҳолаш учун ҳайъат тузилди. Мазкур ҳайъат ҳар бир давлат учун сўровномалар ишлаб чиқиб, улар асосида ўша давлатдаги терроризмга қарши кураш самарадорлигини аниқлаб боради.

Кенгашнинг 2002 йил 19 декабрдаги 2003/48-сонли қарори эса, полиция ва суд соҳасидаги ҳамкорликни янада кучайтирган ҳолда, ҳар бир аъзо давлат қошида террорчилик жиноятлари кидируви бўйича махсус гуруҳ ташкил этди. Ушбу

гуруҳ бошқа давлатларда олиб борилаётган қидирув ишлари бўйича маълумотлар базасидан фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

Кенгашнинг 2002 йил 13 июндаги “Қўшма тергов гуруҳларини тузиш тўғрисида”ги қарорига биноан икки ёки ундан ортиқ аъзо давлатлар орасида “махсус мақсадларга қаратилган ва чекланган муддатда” фаолият кўрсатадиган қўшма тергов гуруҳлари ташкил этилади¹¹.

Жиноятчиликка қарши кураш соҳасида Европа Иттифоқи тажрибасини умумлаштирган ҳолда қуйидаги хулоса, таклиф ва тавсияларга келиш мумкин:

биринчидан, Европа Иттифоқи миқёсида уюшган жиноятчиликка қарши курашишнинг марказлашган ёки мувофиқлаштирилган минтақавий механизмларининг яратилиши умумий яхлит ҳуқуқий макон яратиш ғоясининг таркибий қисми бўлиб, миллий ва универсал механизмлардан кўра ўзининг самарадорлиги билан ажралиб туради. Унинг миллий механизмлардан устунлиги транс-миллий жиноятчиликнинг миллий чегараларни кесиб ўтувчи халқаро характери билан изоҳланади. Бунда марказлашган минтақавий механизмлар трансмиллий жиноятчиликнинг миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти юрисдикцияси ёйилмаган ҳудудларга кўчиб ўтишига барҳам бериш, шундай ҳолатлар рўй берган пайтда жиноятларнинг олдини олиш ва оқибатларини тезкор бартараф этиш имкониятини яратади. Унинг универсал механизмларда устунлиги эса, минтақавий миқёсдаги нисбатан чекланган ҳудудларда тезкор ҳаракатланиши, тўлақонли мувофиқлаштирилиши ва амалий самарадорлигида намоён бўлади;

иккинчидан, Европа прокуратураси тажрибаси жиноятчиликка қарши кураш соҳасида Европа Иттифоқи доирасида минтақавий миқёсда мувофиқлаштирилган инсоният тарихида яратилган биринчи андозадир. Бундай тажрибани ер юзининг ҳар қандай минтақасида жорий этиш мумкин. Ва бу тажрибани қўллаш халқаро ёки транс-миллий жиноятчиликка қарши кураш соҳасида вужудга келадиган янги таҳдидларга муносиб жавоб бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас;

учинчидан, Европа Иттифоқи миқёсидаги марказлаштирилган ва мувофиқлаштирилган прокуратура фаолиятининг жорий этилиши Европа Иттифоқи аъзо давлатлар ҳудудида транс-миллий жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигининг ошишига имкон берибгина қолмай, Европа Иттифоқининг учинчи давлатлар билан бу соҳадаги ҳамкорлигини ҳам осонлаштиради. Жумладан, Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасида 1996 йил 21 июнда имзоланиб, 1999 йил 1 июлда кучга кирган Шериклик ва ҳамкорлик битими (ШХБ)нинг 69-72-моддалари иқтисодиёт соҳасидаги ғайриқонуний фаолият, коррупция, са-

ноат чиқиндилари ва қурол-аслаҳаларнинг ноқонуний олиб ўтилиши, жиноий фаолиятдан, хусусан гиёҳванд моддалар савдосидан келадиган даромадларни четга чиқариб юборилиши, гиёҳванд ва психотроп моддалар ишлаб чиқарилиши, етказиб берилиши ва муомалага чиқарилиши, шу жумладан, улар таркибининг кимёвий субстанцияларининг тарқалишига қарши кураш соҳасида ҳамкорликни кўзда тутди. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари эндиликда Европа Иттифоқи аъзо давлатларнинг миллий прокуратура органлари билангина эмас, балки Европа Иттифоқи Прокуратура офиси билан ҳам юқорида санаб ўтилган жиноятларга қарши курашда ҳамкорликни кучайтириш лозим бўлади;

тўртинчидан, илғор Европа тажрибаси кўрсатиб турганидек, инсон ва жамият хавфсизлигига жиддий таҳдидлар юзага келганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи куч ишлатар тизимларнинг ваколатларини кенгайтириш мумкин. Бироқ, айти пайтда, бундай шароитларда уларнинг фаолияти устидан суд, парламент ва жамоатчилик назорати-

ни кучайтириш талаб этилади. Бу демократия қонун ва тақозосидир. Бугунги кунда Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг кўламдаги ислохотлар иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини янада эркинлаштириш ва жиноий жазоларни либераллаштиришга қаратилган. Бундай шароитда иқтисодий фирибгарлик ва уюшган жиноятчиликнинг ҳам илдиз отиши истисно этилмайди, чунки эркинлик ва гуманизм шарофатидан жамиятдаги ёвуз кучлар ҳам фойдаланиб қолишга ҳаракат қилади. Айти пайтда, бундай ҳолат мамлакатимизда жадаллашаётган ҳуқуқий ислохотларни кечиктириш учун сабаб ҳам бўла олмайди. Бизнинг назаримизда, жиноятчиликка, айниқса, трансмиллий жиноятчиликка қарши кураш соҳасида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар, жумладан, прокуратура органларининг халқаро ҳамкорлигини янада фаоллаштириш талаб этилади, зарурат тақозо этганда, қонун доирасида ҳамда суд, парламент ва жамоатчилик назорати остида уларнинг ваколатларини янада кучайтириш ҳам истисно этилмаслиги лозим.



¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

² Тўлиқ номи Европа Иттифоқини таъсис этувчи ва Европа ҳамжамиятларини таъсис этувчи шартномаларни ўзгартирувчи Маастрихт шартномаси. Матн учун қаранг: <http://eur-lex.europa.eu/en/treaties/dat/11997E/htm/11997E.html>.

³ Маастрихт шартномасининг VI қисми К.1-К.9-моддалар (Title VI. Provisions on cooperation in the fields of justice and home affairs, art. K.1-K.9). Инглиз тилидаги манбаларда “Justice and Home affairs”, француз тилидаги манбаларда “Coopération dans les domaines de la justice et des affaires intérieures” деб юритилади.

⁴ Тўлиқ номи “Европа Иттифоқи шартномаси, Европа ҳамжамиятларини таъсис этувчи шартномалар ва баъзи қўшимча ҳужжатларни ўзгартирувчи Амстердам шартномаси”. Матн учун қаранг: <http://www.eurotreaties.com/amsterdamtext.html>.

⁵ Расмий номи Европа Иттифоқи тўғрисидаги шартнома ва Европа Иттифоқининг амал қилиши тўғрисидаги Лиссабон шартномаси. Матн учун қаранг: <http://eur-lex.europa.eu JO C 83 of 30.03.2010>.

⁶ Инглиз тилидаги манбаларда “Area of Freedom, Security and Justice”, француз тилидаги манбаларда “L’espace de liberté, de sécurité et de justice” деб юритилади.

⁷ Европа полиция офиси (European Police Office)нинг расмий сайти қуйидаги манзилда жойлашган: <https://www.europol.europa.eu>

⁸ Европа адлия офиси (Eurojust)нинг расмий сайти қуйидаги манзилда жойлашган: www.eurojust.europa.eu

⁹ Инглиз тилидаги манбаларда “European Public Prosecutor’s Office (EPPO)” “Европа оммавий прокуратура офиси” деб юритилади.

¹⁰ Proposal for a Council Regulation on the establishment of the European Public Prosecutor’s Office COM/2013/0534 final 2013/0255 (APP): <http://eur-lex.europa.eu/legal-content/en>

¹¹ Council Framework Decision 2002/465/JHA on Joint Investigation Teams /OJ L 162, 20.6.2002, p. 13.: <http://eur-lex.europa.eu>

Наиль АХМЕТЗАКИРОВ,
и.о. Ректора Академии правоохранительных органов
при Генеральной прокуратуре Республики Казахстан

ОСНОВНЫЕ МЕТОДЫ КРИМИНОЛОГИЧЕСКОГО ПРОГНОЗИРОВАНИЯ

◆ Мақолада жиноятларни криминологик прогношлаштириш методологияси ўрганилган. Прогношлаштиришнинг экстраполяция, математик моделлаштириш ва Дельфи услублари баён этилган.

◆ В статье рассмотрена методология криминологического прогнозирования преступности. Описаны методы прогнозирования на основе экстраполяции, математического моделирования и Дельфийский метод.

◆ The article discusses the methodology of criminological forecasting of crimes. The article also describes methods of forecasting based on extrapolation, mathematical model and the Delphi method.

Таянч сўзлар: криминал ҳолат, прогношлаштириш, экстраполяция, сўровдан ўтказиш, Дельфи услуби.

Ключевые слова: криминальная ситуация, прогнозирование, экстраполяция, анкетирование, Дельфийский метод.

Key words: criminal situation, forecasting, extrapolation, survey, Delphi method.

Прогнозирование как исследование с широким охватом объектов анализа опирается на множество методов. Сегодня насчитывают более 150 методов прогнозирования.

Эффективное изучение преступности и разработка мер по ее предупреждению в основном зависят от правильного использования и применения методов криминологического прогнозирования. Методы прогнозирования преступности определяются с учетом цели, задач исследования и характера необходимой информации.

В юридической литературе условно выделяются две большие группы методов прогнозирования преступности, это формализованные и экспертные.

Формализованные методы:

1. Метод экстраполяции трендов;
2. Методы корреляционного и регрессионного анализов;
3. Методы математического моделирования.

Экспертные методы прогнозирования:

1. Индивидуальные методы:
Метод составления сценариев;
Метод «интервью»;

Метод аналитических докладных записок.

2. Коллективные методы:
Метод анкетных опросов;
Метод «комиссий»;
Метод «мозговых атак»;
Метод «Дельфи».

Основным элементом криминологического прогнозирования является качественный анализ изучаемых явлений, который в свою очередь обладает количественной характеристикой.

В сфере изучения преступности количество и качество всегда находятся во взаимосвязи и взаимозависимости. Следовательно, использование обобщающих статистических показателей является одним из основных методов прогнозирования криминогенной ситуации.

Вместе с тем, для получения объективного прогноза целесообразнее применять специфические методы, выработанные теорией и практикой.

В феврале 2016 года Академией правоохранительных органов при Генеральной прокуратуре Республики Казахстан (далее Академия) по заказу правоохранительных органов проведено научное исследование по вопросу оценки кри-

минальной ситуации в Республике Казахстан с составлением прогноза на 2018 год¹.

Первый метод, примененный в процессе научной работы - экстраполяция.

Под *экстраполяцией* в широком смысле обычно понимают получение информации о будущем какого-либо объекта на основе данных, относящихся к его прошлому и настоящему.

Возможности использования экстраполяции в социально-правовом, и в частности криминологическом прогнозировании, далеко не исчерпаны. Даже трендовое (*линейное*) прогнозирование осуществляется на практике редко².

Основой экстраполяции при криминологическом прогнозировании могут быть и нелинейные модели (*экспоненциальные, логистические, параболические и др.*)³.

Использование этого метода в криминологическом прогнозировании основано на инерционности общественных процессов и их влиянии на преступность.

Под инерционностью следует понимать способность сохранять достаточно долго сложившиеся ранее общественные отношения и формы противоправного поведения.

В частности, инерционность криминологических процессов выражается в сохранении общей тенденции либо характера динамики (*абсолютный прирост, темп роста и прироста*) соответствующего статистического ряда в течение сравнительно продолжительного времени⁴.

В то же время, следует видеть основной недостаток экстраполяции, который может быть определен как попытка прогнозировать явление из себя самого, без надлежащего учета состояния и динамики воздействующих на него факторов.

Для прогнозирования уровня преступности в Казахстане на 2018 год исследованы статистические данные за период с 2001 по 2015 годы.

К основным методам прогнозирования, базирующимся на экстраполяции, относятся: линейная регрессия, простое и скользящее среднее, экспоненциальное сглаживание, экспоненциальное сглаживание с учетом тренда Хольта.

Используя все вышеперечисленные методы и рассчитав прогнозные значения уровня преступности на 2018 год, учитывая заметные флуктуации, повышения или уменьшения уровня, выявлено, что наиболее эффективным методом экстраполяции является экспоненциальное сглаживание с учетом тренда, называемый *моделью Хольта*.

Полученное данным методом прогнозируемое значение уровня преступности на 2018 год равно 360223, средняя ошибка аппроксимации 11,5%.

Согласно полученному прогнозу уровень преступности в 2018 году по сравнению с 2015 го-

дом снизится на 6,8%.

Второй метод использованный в ходе научной работы, математическое моделирование преступности.

Математическое моделирование преступности является одним из актуальных методов прогнозирования, основным содержанием которого является качественный и количественный анализ юридических процессов и выявление тенденций их развития.

В рамках исследования, использовалась авторская (оцифрованная) программа, не имеющая аналогов *многофакторная модель прогнозирования преступности (15 факторов)*, разработанная казахстанским академиком М. Отелбаевым.

Практическое значение предлагаемой модели прогнозирования состоит в том, что она в наибольшей степени учитывает взаимное влияние изменения всех количественных показателей внутри большой системы в отчетном периоде на результат каждого параметра в перспективном, прогнозируемом периоде.

Поэтому данная модель может непосредственно применяться как отдельными местными и региональными учреждениями для прогнозирования местной криминогенной обстановки, так и для прогнозирования таких показателей в масштабах государства.

Эта модель может быть приспособлена к решению так называемых задач *условного прогнозирования*. Задачи условного прогнозирования возникают в тех случаях, когда некоторые параметры прогнозируемого процесса предполагаются известными на некотором промежутке времени перспективного периода и необходимо прогнозировать другие параметры процесса. Данное обстоятельство позволяет скоординировать действия на будущее (*т.е. решать задачу управления*).

Например, можно строить прогноз параметров криминогенной обстановки в предположении, что средний доход населения будет на заданном уровне.

При применении данной модели за основу приняты тестовые расчеты по 15 выбранным параметрам за последние 15 лет: *количество преступлений, коэффициент преступности, разбои, грабежи, кражи, вымогательство, изнасилование, хулиганство, занятость населения, доля экономически активного населения в численности населения в трудоспособном возрасте (от 16 до 63 лет), безработное население, доля безработного населения в численности населения в трудоспособном возрасте, уровень безработицы, минимальная заработная плата*.

Для корректности расчетов эти данные пронормированы, то есть, приведены в примерно одинаковый порядок. Для проверки корректнос-

ти модели сделан прогноз для уже известных данных за 2015-й год. Полученные прогнозные сведения сравнивались с известными.

Максимальная относительная погрешность на каждый год прогнозирования незначительна, не превышает 17% (это лишь для отдельных параметров, по большинству параметров значение относительной погрешности намного ниже), это весьма обнадеживающий показатель.

Для этих 15 параметров также сделаны годовые прогнозы за 2016-2018 гг.

Прогноз преступности на 2018 год по данной модели 389 612 уголовных правонарушений, прирост составит по сравнению с 2016 годом 7,7%.

Учитывая что многофакторная модель прогнозирования основывается не только на статистических данных преступности, но и социально-экономических показателях, полагаем ее применение более достоверным.

Одновременно следует отметить широкое распространение в международной практике правоохранительных органов информационно-аналитических систем прогнозирования преступности.

В Великобритании применяется программная система Precrime, в Германии Precobs, в США Criminal Reduction Utilising Statistical History (CRUSH).

Третий метод использованный в процессе научной работы экспертная оценка: опрос и метод «Дельфи».

Сущность метода экспертных оценок состоит в том, что в основе прогноза мнение специалистов, с учетом их профессионального, научного и практического опыта.

При этом, особенно важно, вооружить экспертов качественной аналитической информацией о состоянии преступности, процессах, которые могут на нее повлиять.

Оценивая все эти данные, эксперты высказывают свое мнение о возможной картине преступности в будущем.

Основными видами экспертных оценок, являются метод «интервью», метод аналитических докладных записок, метод составления сценариев, метод «комиссий» и метод «Дельфи».

Дельфийский метод заключается в проведении анкетных опросов специалистов, каждый из которых принимает участие в процедуре независимо от остальных. Затем осуществляется статистическая обработка индивидуальных экспертных оценок: определяется обобщенное мнение группы, выявляются крайние оценки (варианты прогнозов, имеющие максимальные и минимальные значения по сравнению с остальными).

Экспертов, высказавших крайние точки зрения, просят в письменном виде аргументировать

свою позицию, т.е. обосновать свой вариант прогноза.

Указанная процедура повторяется несколько раз и завершается после стабилизации экспертных оценок, т.е. когда эксперты больше не вносят коррективы в свои прогнозы (обычно для этого бывает достаточно двух этапов).

В результате подобной многоэтапной процедуры происходит сужение диапазона разброса экспертных оценок, т.е. расхождения в индивидуальных оценках отдельных экспертов уменьшаются, а объективность и точность итогового прогноза повышается. Данный метод экспертной оценки получил широкое распространение в США.

К методу опроса следует отнести анкетирование это один из способов социально-экономического измерения: вид письменного опроса, который основан на контакте между исследователем и опрашиваемым посредством анкеты.

Анketируемый должен ответить на структурно-организованный набор вопросов, каждый из которых связан с задачами проводимого исследования. Эта связь выражается в необходимости получения информации, отражающей характеристики изучаемого объекта.

В ходе исследовательской работы для апробации рассматриваемого метода сформирована целевая группа: 15 слушателей курсов профессиональной переподготовки сотрудников правоохранительных органов, состоящих в Президентском резерве руководства правоохранительных органов, 210 сотрудников Генеральной прокуратуры, территориальных прокуратур и Комитета по правовой статистике и специальным учетам Генеральной прокуратуры и 19 ведущих ученых Казахстана и России.

Следует отметить сложность и затратность по времени Дельфийского метода. В нашем случае он состоял из 3 этапов: отбор экспертов, формирование и направление им опросника, обработка результатов.

В итоге получены следующие выводы экспертов.

Криминологическое исследование необходимо проводить с применением всех распространенных методов, применяемых в социологии, уголовном праве, статистике и криминологии.

Наиболее применимыми методами отмечены: экстраполяция, экспертная оценка и моделирование.

Эксперты считают, что в целом, при сохранении существующих тенденций в экономике, социально-трудовом устройстве, образовании и культурно-досуговой сфере в 2018 году ожидается определенный рост корыстно-насильственной преступности.

При этом полагают, что сыграют свою нега-

тивную роль факторы социально-экономического и духовно-нравственного характера, приведенные в настоящей статье.

Криминологический прогноз с учетом латентности, т.е. фактического уровня рассматриваемых преступлений, сложился следующий.

Уровень краж повысится примерно на 10-15 %.

Уровень грабежей повысится на 5-7 %.

Уровень разбоя повысится на 5-7 %.

Уровень вымогательства повысится на 5-7 %.

Вероятен **рост преступлений, связанных с использованием информационных технологий**, на 20-25%. По прогнозу ученых киберпреступность будет расти более ускоренными темпами.

Причины: высокая латентность краж, безработица, повышение цен, внутренние миграционные потоки, алкоголизация, увеличение доли незанятой молодежи в городах и поселках, неравномерность заработной платы и стоимости про-

дуктов народного потребления.

По результатам проведенного Академией исследования, выработаны меры (*правовые, контрольно-организационные, финансовые и иные*) по снижению уровня преступности в 2018 году.

Таким образом, прогнозирование преступности позволяет предопределить сценарий развития преступности, предсказать новые явления и процессы, что в свою очередь дает возможность исследовать преступность и получить прогноз ее дальнейшего развития.

В будущем, вопросы развития теории и практики криминологического прогнозирования останутся актуальными, основное значение будет уделено совершенствованию применения вышеназванных методов, наряду с которыми будут разработаны и новые.

Однако каждый из методов не будет применяться отдельно, а во взаимосвязи с другими.



¹ Прогнозирование развития криминальной ситуации в Республике Казахстан: монография/ коллектив авторов. Астана: Академия правоохранительных органов при Генеральной прокуратуре Республики Казахстана, 2017. 172-с.

² Криминология: Учебник для вузов/ Под общ. ред. д.ю.н., проф. А.И. Долговой. 3-е изд., перераб. И доп. М., Норма, 2005. 912-с.

³ Карипова А.Т. Теоретические основы анализа и прогнозирования преступности. Астана: ЕНУ им. Л.Н. Гумилева, 2013. 45-с.

⁴ Карипова А.Т. Методы экстраполяции в моделировании динамики преступности // Юрист Юга России и Закавказья. 2013. №1. С. 26-35.

Мавлюда АХМЕДШАЕВА,
ю.ф.д., ТДЮУ профессори

Игорь КУДРЯВЦЕВ,
ю.ф.н., ТДЮУ доценти

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИК ЖАРАЁНИНИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ НАЗАРИЙ- ҲУҚУҚИЙ ВА ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

◆ Мақолада қонун ижодкорлик жараёнини прогнозилаштиришнинг назарий-ҳуқуқий ва ташкилий масалалари, жумладан, ушбу жараёни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари таҳлил этилган. Прогнозилаштириш ва режалаштиришнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда фарқли жиҳатлари бугунги кун воқеликлари ва хорижий тажриба асосида ёритиб берилган. Шунингдек, қонун ижодкорлик жараёнини прогнозилаш ва режалаштиришнинг назарий-ҳуқуқий ва ташкилий асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар илгари сурилган.

◆ В статье анализируются теоретико-правовые и организационные вопросы законодательных работ, в частности вопросы правовой регламентации этой деятельности. На основе реалии сегодняшнего дня и международной практики освещены взаимосвязь и различия прогнозирования и планирования законодательных работ. Также выдвигаются предложения по совершенствованию правовых и организационных основ прогнозирования и планирования законодательных работ.

◆ The article analyzes the theoretical-legal and organizational questions of forecasting of lawmaking process, including legal regulation of this process. The interdependence and the different aspects of forecasting and planning are presented on the basis of today's realities and foreign experience. In addition, proposals to improve the theoretical and organizational foundations of the forecasting and planning of lawmaking process are put forward.

Таянч сўзлар: қонун чиқарувчи ҳокимият, ҳуқуқ ижодкорлиги, қонун ижодкорлик жараёни, қонун ижодкорлик жараёнини прогнозилаштириш ва режалаштириш, қонун ижодкорлигини ҳуқуқий тартибга солиш.

Ключевые слова: законодательная власть, правотворчество, законодательский процесс, правовое прогнозирование и планирование, регламентация процесса законодательных работ.

Key words: legislative power, lawmaking, the process of lawmaking, forecasting and planning of law-making works, regulation of the process of forecasting and planning of law-making works.

Мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида чуқур ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Ушбу ҳолат эса, ўз навбатида тегишли ҳуқуқий асоснинг ҳам яратилишини тақозо этади. Бунга боғлиқ ҳолда ҳозирги кунда мамлакатимизда ижтимоий муносабатларнинг у ёки бу соҳасини тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг катта мажмуаси шаклланди.

Давлат фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири бўлган қонун ижодкорлик жараёни анъанавий тарзда ҳуқуқий томондан ўрганилади ва таҳлил этилади. Кўриниб турибдики, давлатнинг ҳар қандай оммавий-тартибга солинган фаолияти каби янги қонунларни яратиш ва қабул қилиш, табиий равишда ҳуқуқий нуқтаи назардан қараб чиқилади¹.

Таъкидлаш зарурки, мамлакатимизда қонун ижодкорлик жараёнида тўпланган тажрибага қарамасдан, бугунги кунда ушбу соҳада ечимини кутиб ётган айрим муаммолар ҳам мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга **Мурожаатномасида** таъкидлаганидек, “Очиқ тан олиш керак, аксарият ҳолларда бирон-бир масалани аниқ ҳал этмайдиган, бири-бирига тўғри келмайдиган қонун ва қонуности ҳужжатларини қабул қилиш амалда кўплаб муаммолар туғдиради”². Шу муносабат билан бугунги кунда қонунларимиз сифатини ошириш масаласи ўта долзарблик касб этмоқда.

Шу ўринда, қонунларнинг сифати деганда, уларнинг ҳаётийлиги, яъни унинг нормалари аниқ бир муносабатни бевосита тартибга сола олиши, ҳаволаки нормалар, декларатив нормаларнинг имкон қадар камлиги, тартибга солиш механизми, яъни нормаларнинг ҳаётга бевосита қўлланишини таъминлайдиган ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларнинг пухта ишланганлиги ҳамда қонун матнининг бениҳоя ихчам бўлиши, оддий, раво ва тушунарли тилда ёзилиши ва бошқа шу каби жиҳатлар назарда тутилади.

Шу муносабат билан қонун ижодкорлиги жараёни самарадорлигини оширишда прогнозлаштириш ва режалаштиришнинг ўрни ва роли муҳимдир.

Дарҳақиқат, самарали қонунчилик сиёсатини олиб боришнинг асоси ва замини бўлиб жамият ва давлатнинг ҳуқуқий ривожланиш тенденцияси ва истиқболлини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш, яъни ҳуқуқий прогнозлаштириш ҳисобланади. Шу боис қонун ижодкорлигининг назарий ва ташкилий асосларини прогнозлаштириш алоҳида долзарблик касб этади.

Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий прогнозлаштириш бу юридик амалиёт ва назарияда нисбатан янги ҳодисадир. Ҳуқуқшунос олимлар, жумладан, мамлакатимиз олимларининг қонун ижодкорлик ишларини олдиндан прогнозлаштириш, хусусан, ҳуқуқий прогнозлаштиришнинг восита, усул ва услубиётининг тартибга солинган тизимини яратишга доир муаммоларига қизиқиши катталиги ҳам ушбу ҳолат билан изоҳланади³.

Мамлакатимизда қонун ижодкорлиги жараёнини прогнозлаштиришга катта аҳамият бериб келинмоқда. Биринчи Президентимиз Ислон Каримов ўз вақтида таъкидлаб ўтганларидек, “Яна бир муҳим вазифамиз қонун ижодкорлиги фаолиятини **прогноз қилиш ва режалаштириш** бўйича самарали тизим яратишдан иборатдир. Бу биз учун асосий марраларимиздан чалғимасдан, реал ҳаётдан узоқлашмасдан, нафақат давлат бошқаруви, иқтисодий тараққиёт соҳасидаги аниқ вазифаларни ҳал этишда, балки асосий мақсадимиз бўлган ҳуқуқий демократик давлат қуришни изчил амалга оширишда қандай қонунлар қабул қилишимиз кераклигини аниқ белгилаш имконини беради”².

Шу маънода қонунчиликни прогнозлаштириш бу қонун ижодкорлик жараёнида амалга ошириладиган, ишлаб чиқариладиган ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини қабул қилишнинг тахминий ва бўлиши мумкин бўлган оқибатларини тизимли, илмий асосланган махсус тадқиқот ҳисобланади. Кўрсатиб ўтиш керакки, умуман олганда, прогнозлаштириш мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, унинг моҳияти маълум бир ҳодиса ва жараённинг келажақдаги ривожини ҳақида тегишли маълумотларни олишда намоён бўлади.

Прогнозлаштиришнинг муҳим бир қисми ҳуқуқий прогнозлаштириш ҳисобланади. Айни пайтда, С.Гатилова таъкидлаганидек, “Ҳуқуқий прогнозлаштириш юридик фаолиятнинг бир тури бўлиб, унга хос бўлган барча белгиларга эга ва унинг амал қилишига доир барча умумий қонуниятларга ҳам бўйсунди”³.

Таъкидлаш керакки, қонун ижодкорлик жараёнини прогнозлаштириш, ўз навбатида жамият,

давлат ва фуқаро ҳаёти учун зарур бўлган янги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган керакли, долзарб аҳамиятли қонунларнинг қабул қилинишига хизмат қилади. Бинобарин, қонун ижодкорлик жараёни ўз ичига қуйидагиларни олади:

- қонунларнинг амал қилишидан қутиладиган натижа ва оқибатларни прогнозлаштириш;
- қонун ижодкорлик жараёнини режалаштириш;
- қонун лойиҳаларини тайёрлаш;
- қонун лойиҳаларининг прогноз экспертизасини амалга ошириш;
- қонунларнинг қабул қилиниши ва расмий эълон қилиниши;
- қабул қилинган қонунларнинг самарадорлигини баҳолаш.

Шу ўринда қонунчилик тизимини келгусида янада ривожлантиришнинг асосий тенденциялари ва йўналишлари ҳақида прогностик ахборот олиш бўйича фаолият сифатидаги қонун ижодкорликни прогнозлаштиришнинг асосий вазифаларига эътибор қаратиш зарур:

- қонунчилик тизими келгуси ривожининг тенденциялари, йўллари ва шакллари ҳақида илмий прогностик ахборот олиш;

- давлат ҳокимияти органлари томонидан ҳуқуқий йўл билан ҳал этилиши талаб этиладиган долзарб муаммоларни аниқлаш;

- ҳуқуқий тартибга солиниши тақозо этиладиган ижтимоий муносабатларни аниқлаш;

- ҳуқуқий тартибга солишнинг перспектив ва илғор шакллари белгилаш;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини энг мақсадга мувофиқ равишда тайёрлашнинг кетма-кетлигини белгилаб олиш;

- қонун ижодкорликда ижтимоий ҳаётнинг соҳалари ривожига нисбатан махсус прогнозлардан фойдаланиш кабилар⁴.

Қонун ижодкорлигида прогноз қилиш борасидаги ишланмалар қонун чиқарувчи орган топишига асосан, одатда давлат органлари, илмий муассасалар, олимлар ва тегишли мутахассислар томонидан амалга оширилади. Ушбу вазифани бажариш учун тегишлича экспертлар гуруҳи шакллантирилади.

Шу ўринда қонун ижодкорлик жараёнида прогнозлаштириш ва прогноз баҳо бериш объектларига эътибор қаратадиган бўлсак, уларни қуйидаги тарзда белгилаш мумкин:

- қонунчилик тизими ривожини умумий қонуниятлари;

- қонунчилик тизими алоҳида тармоқлари ривожини тенденциялари;

- ҳуқуқнинг алоҳида институтлари ва тармоқлари ривожини тенденциялари;

- қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий актлар

бўлажак ҳаракати кабилар.

Шу ўринда қонун ижодкорлик жараёнини прогноз қилишнинг услублари масаласига эътибор қаратиш зарур. Прогноз услублари бу объектни тадқиқ этиш усуллари мажмуи. Илмий прогнозлаштиришнинг услубиётини махсус коидалар, йўллар ва услублар ташкил этиб, улар қонунчилик тизими ўзаро муносабатининг мураккаб механизмини намоён этади.

Махсус илмий адабиётларда экспертлик прогнозлаштириш методлари таҳлил этилиб, уларни индивидуал ва жамоавий эксперт баҳолашдан иборат икки гуруҳга ажратишади. Қонун ижодкорликни прогнозлаштириш ҳар қандай жараён каби маълум босқичлардан иборат бўлиб, уларни қуйидагича ифодалаш мумкин:

прогноз қилишга тайёргарлик;

шу пайтгача йиғилган мавжуд ахборотни, ички ва ташқи шарт-шароитларни таҳлил қилиш;

ички ва ташқи шарт-шароитлар ривожининг энг эҳтимолли вариантларини аниқлаш;

бевосита экспертиза ўтказиш;

муқобил вариантларни ишлаб чиқиш;

прогноз сифатини баҳолаш;

прогнозлаштиришнинг боришини назорат қилиш ва зарур ҳолларда тегишли тузатишлар киритиш кабилар. Бинобарин, прогнозлаш жараёни кечишини мониторинг қилиш, ўз навбатида белгиланган йўлдан четга чиқиш ҳолатларини аниқлаш имконини беради. Башарти бу ҳолат анча жиддий тусда бўлса, муҳим ҳуқуқ ижодкорлик қарорларини амалга оширишга сезиларли таъсир кўрсатадиган бўлса, бу ҳолда амалга ошириладиган прогнозга тузатишлар киритиш мумкин¹.

Юқорида ҳам қайд этилганидек, қонун ижодкорлик жараёнини прогнозлаштириш режалаштириш билан ўзаро боғлиқ. Юридик адабиётларда таъкидланганидек, қонун ижодкорлигини режалаштириш қонун ижодкорлик субъектлари томонидан норматив-ҳуқуқий акт лойиҳасини перспектив баҳолаш ва унинг қабул қилинишидан кутиладиган ва бўлиши мумкин бўлган оқибат ва натижаларни аниқлаш мақсадида амалга ошириладиган махсус тадқиқот бўлиб, у бевосита қонун ижодкорлик жараёнини режалаштириш билан узвий боғлиқдир².

Қонун ижодкорлик жараёнида режалаштириш бу қонун чиқарувчи орган томонидан қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилишнинг аниқ режаси сифатидаги натижага эришишга қаратилган қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш муддати, мазмуни ва устуворликларини перспектив аниқлашдир.

Шу жойда қонун ижодкорлик жараёнини прогнозлаштиришнинг уни режалаштиришдан фар-

қи нимада? деган савол олдинга чиқади. Ваҳоланки, қонун ижодкорликни прогнозлаштириш илмий таҳлилий ва тадқиқий, эҳтимоллик тусига эга бўлса, режалаштириш императивлик ва аниқлик характерига эга.

Қонун ижодкорлигини режалаштириш, ўз навбатида фаол қонун ижодкорлик сиёсатини амалга оширишнинг муҳим воситаси ҳисобланиб, у қонун ижодкорлик жараёнини жамият ва давлат ривожининг узоқ муддатга мўлжалланган мақсадларига эришишга йўналтириш имконини беради. Дарҳақиқат, қонунчиликни режалаштириш уни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини танлаш, қонун ижодкорлик сиёсатининг мақсад ва воситаларини доимий равишда ўзаро нисбатлаб бориш юзасидан мақсадли фаолият сифатида намоён бўлади.

Бу масалада мамлакатимизда қонун ижодкорлик жараёнини режалаштириш борасида муайян тажриба тўпланган бўлиб, унга кўра, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларининг ҳар бири қонун лойиҳаларини тайёрлаш юзасидан ўз фаолиятларини режалаштиришади. Ваҳоланки, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш махсус режа ва Дастурлар асосида амалга оширилиши мумкин. Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси ҳар йили Ҳукуматнинг қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича Дастурини тасдиқлайди, бу дастур Ўзбекистон Республикаси Президенти топишириғи, Вазирлар Маҳкамаси қарорларига мувофиқ шакллантирилади. Бу дастурнинг лойиҳасини тайёрлаш ва уни Ҳукумат муҳокамасига киритиш Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ҳам ҳар йили қонун ижодкорлик бўйича дастурларни тасдиқлайди.

Таъкидлаш керакки, ушбу дастурлар, асосан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қонун лойиҳалари тайёрлаш бўйича дастури, давлат дастурлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг топишириғи, шунингдек, депутатларнинг таклифларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади.

Ҳозирги кунда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари қонун лойиҳасини тайёрлаш чоғида “Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва Қонунчилик палатасига киритиш тўғрисида”ги Қонун нормаларига асосланишади. Жумладан, қонун лойиҳасини тайёрлаш тартиб-таомили ўз ичига қонун лойиҳаси ҳақидаги таклифни кўриб чиқиш ва уни тайёрлаш ҳақида қарор қабул қилиш, бу масалани ташкилий-техникавий ва молиявий таъминлаш масалаларини ҳал этиш, тегишли ахборот ва материаллар йиғиш, қонун лойиҳаси концепциясини ишлаб чиқиш, қонун лойиҳасининг ўзини ишлаб чиқиш ва экспертиза ўтказиш каби жа-

раёнларни олади. Қоидага кўра, қонун лойиҳасини тайёрлаш учун қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти томонидан махсус ишчи гуруҳ тузилади. Ижро ҳокимияти тизимидаги давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг қонун ижодкорлик борасидаги фаолиятига услубий раҳбарлик Адлия вазирлигига юклатилган.

Юқорида, Қонунда белгиланганидек, қонун лойиҳасини тайёрлаш ҳақидаги таклиф қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектига бундай ҳуқуққа эга бўлмаган давлат органлари, нодавлат ташкилотлар ёки фуқаролар томонидан киритилиши мумкин, шунингдек, улар бир йўла тайёрланган қонун лойиҳасини ҳам уларга тақдим этиши мумкин⁵. Шу ўринда ушбу қонуннинг амалга ошиши борасида тегишли статистика бўлмаса-да, бироқ ушбу норма мазмунида катта имкониятлар мавжудлигини ва “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳам бу масалада катта имкониятлар очишини эътиборга олган ҳолда, бундай амалиётни кенгайтириш зарурлигини таъкидлаш жоиз. Бинобарин, ҳуқуқ ижодкорлик жараёнида нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг бундай тарздаги иштироки уларнинг ижтимоий фаоллигини ва қабул қилинадиган қонунларнинг ҳаётийлигини оширишга хизмат қилади. Шу муносабат билан, давлат органлари, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқ ижодкорлик жараёнида бундай тарзда қатнашувининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш масаласи муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда хорижий тажрибага эътибор қаратадиган бўлсак, қонун ижодкорлик жараёнини прогнозлаштириш ва режалаштиришда Парламент ёки Ҳукумат ҳузурида илмий тадқиқотларни олиб бориш учун ташкил этилган Тадқиқот марказларининг ўрни ва роли катта эканини кўришимиз мумкин. Масалан, АҚШда Конгресснинг қонун чиқарувчи органларни қайта ташкил этиш тўғрисидаги махсус қарори билан ташкил этилган (1970) **Конгресснинг тадқиқот хизмати (КТХ)** фаолият юритиб, ушбу хизматга Конгресс кўмиталарининг топшириғига биноан илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, таҳлилий фаолиятни кучайтириш вазифаси юкланган.

Ушбу хизмат таркиби еттита тадқиқот бўлими, иккита кутубхона-ахборот бўлими ва бир неча ихтисослаштирилган бюрлар, Кутубхона хизмати бўлими, америка ҳуқуқи, иқтисоди, таълим ва ижтимоий таъминот, атроф-муҳит ва табиий ресурслар, ташқи сиёсат ва давлат мудофааси, давлат бошқаруви бўйича Конгрессга маълумотномалар тайёрлаб берадиган бўлимлардан иборат.

Қонун чиқарувчи қонун билан тартибга солинадиган муаммони аниқлаштириш жараёнида, яъни тартибга солишнинг зарурлигини аниқ исботлаш ва умумий контекстни аниқлаш зарурати туғилганда, тадқиқот хизмати ушбу масала юзасидан базавий ахборот ва тарихий маълумотнома, муаммонинг сабаблари ва белгилари таҳлили, шунингдек, ушбу муаммонинг турли ечимларини тақдим этиши мумкин. Амалдаги тартибга кўра, АҚШда қонун лойиҳаси вакиллар Палатасининг у ёки бу аъзоси ва сенатор томонидан киритилиши ва шундан кейин Конгресс уни расман қараб чиқиши мумкин бўлади.

Ваҳоланки, тадқиқот маркази вужудга келган муаммони қонуний йўл билан тартибга солишнинг муҳимлигини аниқлаш мақсадида масаланинг тарихий жиҳатлари бўйича малакали ахборот бериши мумкин. Бундай ахборот турли шаклларда, хусусан, муайян бир масала турли нуқтаи назардан ўрганилган ва таҳлил этилган мақолалар тўплами ёки мураккаб масала юзасидан илмий маълумотларни умумлаштириш ва изохлаш ёхуд ушбу муаммонинг бир қатор талқинларининг қиёсий таҳлили каби бўлиши мумкин. Ушбу марказнинг таҳлилчилари қонун чиқарувчига қонун лойиҳасининг мақсади, тартибга солиниши кутилаётган масалалар доираси, уларни ҳал этишнинг муқобил йўллари ва ҳар бир вариантнинг салбий ва ижобий жиҳатларини баҳолаш, Конгресс палаталарининг юқори малакали ҳуқуқшунослари билан маслаҳатлашиш, қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлаш бўйича ахборот ва далилларни ишлаб чиқиш, шунингдек, қонун лойиҳаси юзасидан қандай танқидий фикрлар айтилиши мумкинлиги ва уларга қандай жавоб бериш кераклигини ҳам олдиндан назарда тутиб қўйишади.

Шунга боғлиқ ҳолда, АҚШ Конгрессининг тадқиқот маркази қуйидаги шакллардан иборат “маҳсулотлар” тайёрлайди:

1. Конгресс учун махсус маърузалар (Reports for Congress), улар қонунчиликка доир масалаларни тадқиқ этиш ва таҳлил қилишнинг асосий шакли ҳисобланади.

2. Хулосалар (Issue Briefs), яъни қисқагина (15 бетгача) ҳужжатлар бўлиб, у Конгресс учун ўта муҳим ҳисобланган масалалар бўйича тайёрланади.

3. Вазият юзасидан маъруза (Situation Report), бундай ҳужжат мураккаб вазиятларда ҳар бир конгрессмен учун ҳар қуни тайёрланиб, етказиб бериладиган қисқа маъруза.

4. Меморандумлар (General Purpose Memoranda / Congressional Distribution Memoranda), улар 50 нафардан кўп бўлмаган аудиторияга мўлжалланган. Шу ўринда махфий

тусдаги меморандумлар ва уларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш керак, улар мазкур хизмат мутахассисларидан юқори даражадаги экспертлик маҳоратини талаб этади.

5. Ахборот пакетлари (Info Pack), яъни энг кўп сўраладиган масалалар бўйича тегишли материаллар ва маълумотларни тўплаш, жумладан, маъруза ва хулосалар, даврий матбуотдан олинган мақолалар нухсаси, тадқиқот ташкилотларининг нашрлари ҳамда библиографик маълумотномалар шаклидаги ҳужжат ҳисобланади.

6. АҚШ Конституцияси: таҳлил ва талқин (Constitution of the United States of America Analysis and Interpretation) деб номланган нашр, унда Конституциянинг ҳар бир моддасига аннотация ва ҳар бир модда бўйича Олий суднинг қарорлари таҳлили берилади. Ушбу нашр, одатда, 10 йилда бир марта чиқади, унга илова эса ҳар икки йилда чоп этилиб туради.

Конгресснинг тадқиқот маркази, бундан ташқари, Конгрессда бирон-бир қарорнинг қабул жараёни бўйича турли семинарлар, тренинглари (бюджет жараёнини кўриб чиқиш, кўмиталар тизими ва тартиб-таомилга оид масалалар бўйича) ўтказиш, муҳим масалалар бўйича курслар ва брифингларнинг аудио ва видеодастурларини тайёрлаш, конгресс аъзоларига шахсий маслаҳатлар бериш ҳамда таржимон хизматларини тақдим этади¹.

Ҳиндистонда эса худди шундай тадқиқотлар 2005 йилда ташкил этилган Парламент ҳузуридаги Қонунчилик тадқиқотлари (PRS Legislative Research) мустақил институти томонидан амалга оширилади².

Шу нуқтаи назардан олганда, ўтган йили парламентимиз ҳузурида Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтининг ташкил этилиши қонун ижодкорлик жараёни самардорлигини ва қонунлар сифатини янги босқичга кўтаришга қаратилиши баробарида, бу соҳадаги халқаро тажрибага ҳам монанд эканини таъкидлаш жоиз. Янги ташкил этилган институт аввало, қонунчилик муаммоларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини, яъни қонунларнинг ҳаётга қандай татбиқ этилаётганини ўрганади, Олий Мажлис палаталарининг фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлайди. Бундан ташқари, парламент палаталари, депутатлар ва сенаторлар фаолиятини илмий, ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлайди, уларнинг парламент фаолиятидаги касбий кўникмаларини оширишга кўмаклашади.

Мазкур институт юқоридаги вазифалардан ташқари ҳуқуқ, сиёсат, иқтисодиёт ва бошқа соҳаларда қонунчилик, парламент фаолиятига доир

тадқиқотлар олиб боради, илғор халқаро тажриба ва миллий қонун ижодкорлик амалиёти ютуқларига таянган ҳолда қонунчиликни ривожлантиришнинг илмий концепциясини, асосий йўналишларини ишлаб чиқади¹.

Шу муносабат билан сифатли қонунларни яратишда прогнозлаштириш ва режалаштиришнинг аҳамиятини эътиборга олган ҳолда, ушбу институтнинг муҳим бир фаолият йўналиши шу масалага қаратилиши мақсадга мувофиқ. Шу нуқтаи назардан олганда, қайд этилган Институт ҳузурида қонун ижодкорликни прогноз қилиш ва режалаштириш бўйича Илмий-маслаҳат кенгаши ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Кенгаши мақсади қонун лойиҳаларининг ҳаётийлигини, уларнинг чинакам зарурлигини таъминлаш ҳисобланади.

Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнига жамиятнинг турли қатлам ва гуруҳларини самарали жалб этиш масаласи ўта муҳим. Ваҳоланки, Президентимиз таъкидлаганларидек, “Қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи том маънода халқ бўлиши шарт”. Шу боисдан ҳам қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда жамоатчиликнинг фикрини ҳисобга олишни янги босқичга кўтариш зарурати мавжуд.

Дарҳақиқат, ушбу масаланинг ечимига бир қадам сифатида, шундай тартиб жорий этиш керакки, унга кўра, Қонунчилик палатасига киритиладиган давлат ва жамият ҳаёти учун ўта муҳим бўлган қонун лойиҳалари, албатта фуқаролик жамияти институтлари томонидан ишлаб чиқилган муқобил вариант билан бирга тақдим этилиши керак.

Бундан ташқари, сифатли қонунларни тайёрлашда улар юзасидан аҳолининг фикрини олиш фойдали. Зотан, Президентимиз таъкидлаганидек, “Ҳар бир қонун лойиҳаси юзасидан фикр ва таклифларни куйидан фуқаролардан, жойлардаги халқ депутатлари Кенгашларидан олиш тартибини кенг жорий этиш зарур”. Шу ўринда Давлат раҳбари муҳим масалалар юзасидан халқнинг муносабатини билишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш зарурлиги, шу мақсадда Интернет тармоғида “Менинг фикрим” деган махсус веб-саҳифа ташкил этишни таклиф қилдилар. Шу ўринда ривожланган давлатларда жамият ҳаётига оид муҳим масалаларнинг бирламчисини аниқлашнинг замонавий шакли бўлмиш босилган “лайк”ларнинг сонини эътиборга олиш йўли билан аниқлаш усули анча кенг тарқалган амалиёт эканлигини эслаш ўринлидир. Назаримизда, бу амалиёт қонун лойиҳаларини муҳокама этиш ва тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қўлланиш амалиётига ҳам татбиқ этилиши зарур.

Фикримизча, қонун лойиҳаларини прогнозлаштириш ва режалаштиришда жамоатчиликнинг фикрини ўрганиш мақсадида regulation.uz. сайтида махсус рукн очиб, унда “Жамоатчилик фикри” республика маркази йўналиши бўйича доимий равишда аҳоли ўртасида “Сизнинг фикрингизча, қонун ҳужжатларига қандай ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш керак?”, “Сизнинг фикрингизча, бугунги кунда қандай қонунлар қабул қилиш

керак?” каби саволлар юзасидан ижтимоий сўровлар ўтказиб бориш зарур. Бу эса, ўз навбатида, қонун чиқарувчига қонун ижодкорлик жараёнини прогнозлаштиришда амалий мўлжал олишига кўмаклашади, қабул қилинажак қонунларнинг ҳаётийлигини оширади ва аҳолининг қонун ижодкорлик жараёнидаги иштирокини кучайтиради ва шу тариқа уларнинг ижтимоий фаоллигини юксалтиришга хизмат қилади.



¹ Шульман Е. Законотворчество как политический процесс. М., Московская школа гражданского просвещения, 2014. 184-с.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. 2017 йил 23 декабрь.

³ Тультеев И.Т. Правотворческое прогнозирование: теория, методология, практика. Ташкент: 2009. 234-с.

² <http://www.press-service.uz/uz/news/5214/>

³ Гатилова А.С. К вопросу о технологии правового прогнозирования / Вестник ОГУ. 2012. №3. С.31-36.

⁴ Тультеев И.Т. Юқоридаги манба.; А.И. Абрамова. Актуальные проблемы планирования законодательной деятельности.; Гатилова А.С. Юқоридаги манбада.

¹ Абрамова А.И. Юқоридаги манбада; Гатилова А.С. Юқоридаги манбада.

² Ю.Г.Арзамасов, Я.Е.Наконечный. Мониторинг в правотворчестве: теория и методология. М., Издательство МГТУ им. Н.Э. Баумана. 2009. 160-с.; И.Т.Тультеев. Юқоридаги манбада; А.И.Абрамова. Юқоридаги манбада; Гатилова А.С. Юқоридаги манбада; Е.Шульман. Юқоридаги манбада.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 406-модда.

¹ <http://www.loc.gov/crsinfo/about/>

² www.prsindia.org/aboutus/background

¹ Олий Мажлис ҳузурида янги институт фаолиятини бошлади / Халқ сўзи. 2018 йил 11 январь.

Вахабжан КАРИМОВ,
Бош прокуратуранинг
Олий ўқув курслари ўқитувчиси, ю.ф.н., доцент

ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

- ◆ Мақолада тезкор-қидирув қонунчилигини такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари таҳлил қилинган.
- ◆ В статье анализируются некоторые аспекты совершенствования оперативно-розыскного законодательства.
- ◆ The article analyzes some aspects of improving the legislation on operational-investigative activity.

Таянч сўзлар: тезкор-қидирув қонунчилиги, тезкор-қидирув фаолияти, тезкор-қидирув тадбирлари, тезкор ходим, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишга кўмаклашувчи шахс.

Ключевые слова: оперативно-розыскное законодательство, оперативно-розыскная деятельность, оперативно-розыскные мероприятия, оперативный работник, лицо, содействующее органам, осуществляющим оперативно-розыскную деятельность.

Key words: the legislation on operational-investigative activity, operational-investigative activity, operational-investigative measures, an operational officer, the person carrying out the assistance to the bodies, engaged in the operational-search activity.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб мамлакатни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларидан бири — қонун устуворлиги, қонунийлик, шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, ҳуқуқий давлат ва одамлар ҳуқуқий онгини шакллантириш ни таъминлашга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳисобланади.

Республикамизда амал қилаётган 600 дан ортиқ қонун ва 16 та кодекс ҳаётимизнинг ҳуқуқий асосини ташкил этади ҳамда кучли ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга хизмат қилади. Айни вақтда, жамиятимизнинг янада ривожланиши янги қонунлар қабул қилиш, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш борасидаги ишларни давом эттириш ни талаб қилмоқда.

Жиноятчиликка қарши фақат жиноят-процессуал воситалар орқали курашишнинг етарли эмаслигини таъкидлаган ҳолда, бу борадаги фаолиятни самарали ташкил этишга тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатларининг уйғунлиги билан эришилиши мумкин. Яъни жиноят содир этган шахсларнинг яширин, ниқобланган ва уюшган ҳаракатларига нисбатан шунга мос бўлган махсус чораларни қарши қўйиш орқали жиний қилмишларнинг олдини ўз вақтида олиш, барта-раф этиш ва фош этиш имкониятини яратиб лозим.

Ўзбекистон Республикасининг "Тезкор-қидирув

фаолияти тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинишидан олдин тезкор-қидирув фаолияти, мазкур фаолиятни амалга оширувчи органларнинг ёпиқ хусусиятга эга бўлган идоравий норматив ҳужжатлари (буйруқлар, йўриқномалар, қўлланмалар) билан тартибга солиниб келинган.

Ушбу муҳим соҳани қонун доирасига киритиш мақсадида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ва бошқа соҳа ҳуқуқшунос олимлари, амалиёт ходимлари томонидан олиб борилган изланишлар натижаси ўлароқ, 2012 йил 25 декабрда мазкур қонун қабул қилинди ва унинг амал қилиниши билан боғлиқ масалалар кўламли улканлиги эътиборга олинди, у расмий эълон қилинган кундан эътиборан ўн икки ой ўтгач, яъни 2013 йил 25 декабрда кучга киритилди.

Қонуннинг қабул қилиниши иккита муҳим вазифани ҳал этиш имконини берди: биринчидан, тезкор-қидирув фаолиятига жиноятчиликка қарши курашнинг давлат-ҳуқуқий шакли мақомини берган бўлса, иккинчидан, унинг ҳақиқий ҳуқуқий асосларини вужудга келтирди.

Қонунда акс эттирилган қуйидаги хусусиятлар тезкор-қидирув фаолиятининг давлат-ҳуқуқий шаклда эканлигидан дарак беради: а) фақат вақолатли давлат органлари ва уларнинг тезкор бўлинмалари томонидан амалга оширилиши; б) жиноятчиликка қарши курашга қаратилганлиги; в) қонун томонидан муҳофаза этиладиган ижтимоий муносабатлар субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун мўлжалланганли-

ги. Демак, бу хусусиятлар тезкор ишларнинг фа-
кат ваколатли давлат органларига хослигини
етарли даражада тўлиқ ифода эта олади. Ушбу
талаб Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-
нинг 121-моддасида ҳамда "Тезкор-қидирув фао-
лияти тўғрисида"ги Қонуннинг 10-моддасида ўз
ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикасининг "Тезкор-қидирув
фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилини-
ши, маълум маънода, бу соҳанинг ҳуқуқий асосла-
рини тартибга солишни илмий-амалий жиҳатдан
ишлаб чиқишни анча фаоллаштирди. Сўнгги йил-
ларда соҳа олимлари томонидан тезкор-қидирув
фаолиятининг ҳуқуқий асосларига бағишланган бир
қатор илмий мақолалар ва ўқув қўлланмалари чоп
этилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 ап-
релдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим
қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар ки-
ритиш тўғрисида"ги УРҚ-405-сон Қонунига муво-
фик, "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонун-
нинг 14-моддасида қайд этилган 16 та тезкор-қиди-
рув тадбирларига тегишлича тушунча берилди.
Шунингдек, ушбу қонуннинг 19-моддасида назар-
да тутилган тезкор-қидирув фаолияти натижалари-
дан жиноят процессида фойдаланиш билан
боғлиқ масалаларни тартибга солиш мақсадида
Жиноят-процессуал кодексининг 81-моддаси
"Қонунда белгиланган талабларга риоя этилган
ҳолда ўтказилган тезкор-қидирув тадбирларининг
натижалари ушбу кодекс нормаларига мувофиқ
текширилганидан ва баҳоланганидан сўнг жиноят
иши бўйича далиллар деб эътироф этилиши мум-
кин", деган мазмундаги учинчи қисм билан тўлди-
рилди. Бундан ташқари, мазкур қонун талаблари
бўйича Жиноят-процессуал кодексининг бир қатор
моддаларига тегишли ўзгартишлар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017
йил 30 майдаги ПҚ-3016-сон Қарорига асосан
тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Бош про-
куратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси
тўғрисида"ги Низомга мувофиқ, "тезкор-қидирув
фаолиятини амалга ошириш" Бюронинг асосий
функцияларидан бири деб белгиланди. Ҳозирги
кунда мазкур орган фаолиятини қонунга биноан
ташқил этиш ва унга тезкор-қидирув фаолиятини
амалга оширувчи орган мақомини бериш мақса-
дида Ўзбекистон Республикасининг "Тезкор-қиди-
рув фаолияти тўғрисида"ги Қонуни 10-моддасида
қайд этилган тезкор-қидирув фаолиятини амалга
оширувчи органлар рўйхатига Мажбурий ижро
бюроси органларини ҳам киритиш ҳамда бу орган-
нинг тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошири-
лишини тартибга солишчи тегишли норматив-ҳуқуқий
ҳужжатларни амалга киритиш зарурияти мавжуд.

"Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонун-
нинг 22, 23-моддаларида "Тезкор-қидирув фаоли-
ятини амалга оширувчи органлар ходимлари ва
уларга кўмаклашаётган шахсларнинг, шунингдек,
улар оила аъзоларининг ҳаётига, соғлиғига ёки

мол-мулкига ҳақиқий таҳдид юзага келган тақдир-
да, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи
органлар уларга нисбатан Ўзбекистон Республи-
каси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилан-
ган тартибда махсус ҳимоя чора-тадбирларини
кўриши шарт", деган талаб белгиланган бўлиб,
ушбу норма ижроси бўйича Ўзбекистон REPUB-
ликаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22
сентябрдаги "Тезкор-қидирув фаолиятини амалга
оширувчи органлар ходимлари, ушбу фаолиятни
амалга оширишда кўмаклашувчи шахслар, шунинг-
дек уларнинг оила аъзолари хавфсизлигини таъ-
минлаш ва ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш
тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"-
ги 750-33-сон Қарори тасдиқланди.

Шу билан бирга, тезкор-қидирув фаолиятининг
ҳозирги замон тартибига солиниши бугунги кун
талабларига тўлиқ жавоб бермайди ва уни барча
йўллар билан такомиллаштиришга эҳтиёж сезил-
моқда. Ҳозирги кунда ушбу масаланинг қулай ечи-
ми сифатида мазкур қонунга тегишли ўзгартиш ва
қўшимчалар киритишни таклиф этиш мумкин бўлиб,
фикримизча, бунда қуйидаги асосий қоидалар эъти-
борга олинishi шарт.

Қонунда қайд этилган тезкор-қидирув тадбир-
лари рўйхатини қайтадан кўриб чиқиш, уларни
ўтказиш асослари ва шартларига тегишли ўзгар-
тишлар киритиш зарурияти мавжуд. Тезкор-қиди-
рув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг
амалиёт тезкор ходимлари фикрларини ўрганиш
шуни кўрсатдики, ҳозирги кунда тезкор-қидирув
тадбирларининг мазмун-моҳиятини аниқлаш, улар-
ни ҳуқуқий тартибга солиш масалаларида ҳам бир
қатор муаммоларга дуч келинмоқда. Чунки улар-
нинг айримлари бир-бирини такрорлайди, алоҳи-
да ҳолларда эса уларни ўтказиш ва прокуратура
билан келишиш масалаларида қийинчиликлар ва
баҳсли ҳолатлар юзага келади.

Шу муносабат билан тезкор-қидирув тадбир-
ларининг рўйхати, уларни ўтказиш учун келишиш
ҳамда уларнинг натижаларидан жиноят процес-
сида фойдаланиш билан боғлиқ томонларини та-
комиллаштириш лозим.

Юқоридаги ҳолатлар тезкор-қидирув тадбир-
ларининг тўлиқ рўйхатини қайта кўриб чиқиш за-
руратини тақозо этади. Масалан, "Текшириш учун
харид қилиш" ва "Назорат остида олиш" тезкор-
қидирув тадбирлари ўзаро узвий боғлиқ бўлиб,
биринчи тадбирнинг мақсади шахснинг қонунга
хилоф фаолиятга алоқадорлигини дастлабки тек-
шириш ва келгусида иккинчи тадбирни ўтказиш
учун асос яратиш ҳисобланади. Яъни уларни бир
тадбирнинг таркибий қисмлари ёки ўтказишнинг
турлича тактик усуллари, деб аташ мумкин.

"Текшириш учун харид қилиш" тадбирини таш-
қил қилиш ва ўтказиш тактикаси тезкор-қидирув
фаолиятини амалга оширувчи органларнинг идо-
равий норматив ҳужжатлари билан тартибга со-
линган бўлиб, уларга кўра, бу тадбирда предмет-
лар ёки товарлар харид қилиниб, сотувчи билан

ҳисоб-китоб қилиниб, текширилганда уларнинг ноқонуний фаолиятга алоқадорлиги аниқланганидан сўнг яқунланган ҳисобланади (масалан, олинган кукунда гиёҳванд моддалар мавжудлиги аниқланганда). Яъни бунда яққол жиноят аломатлари мавжуд ҳолда, ушбу тадбир натижалари "Назорат остида олиш" тадбирини ўтказиш учун асос бўлади.

Ушбу бўлиниш амалий камчиликларга эга, чунки такрорий тадбирда ҳамма вақт ҳам ноқонуний модда ёки воситаларни харид қилишнинг имкони бўлмадлиги мумкин. Бундай ҳолда илгари харид қилинган ноқонуний моддалар бўйича бирор-бир ҳуқуқий ечимга келинмасдан, ушбу жиноят ҳисобдан яширилишига сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, бу тадбирлар прокурор билан келишган ҳолда ўтказилиши лозимлигини эътиборга оладиган бўлсак, бунда ҳам айрим муаммолар пайдо бўлиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонун қабул қилингунга қадар "Текшириш учун харид қилиш" ва "Назорат остида олиш" тезкор-қидирув тадбирлари тезкор-қидирув фаолиятининг усулларидадан бўлган "Назоратли харид" доирасида, унинг алоҳида тактик усуллари сифатида ўтказиб келинган. Мазкур соҳадаги хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатдики, бу каби тезкор-қидирув тадбири Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларининг ТҚФга оид қонунчилигида ҳам мавжуд бўлиб, улар муайян тезкор-қидирув тадбири доирасида ўтказилади. Масалан, Россия Федерацияси ва Беларуссияда "Проверочная закупка", Қозоғистонда "Оперативный закуп", Озарбайжонда "Получение товара в порядке контроля" каби.

Шу муносабат билан ушбу икки тезкор-қидирув тадбирини бирлаштириб, уларни бир тадбир доирасида ўтказиш ва уни "Назорат остида олиш" деб аташ мақсадга мувофиқ, чунки бу ҳолда предмет, товар олди-сотдиси ёки хизмат кўрсатишдан ташқари айирбошлаш, ҳадя қилиш, гаров ёки ижарага бериш каби турларини қўллаш мумкин.

Шунингдек, қонундаги "Тезкор киритиш" ва "Ниқобланган операциялар" тезкор-қидирув тадбирларининг ўтказилиш тартиби бўйича ҳам юқоридаги фикрни билдириш мумкин. "Тезкор киритиш" тадбирининг мақсади, бу тезкор-қидирув фаолияти субъектини тезкор қизиқиш туғдирувчи объектга муваффақиятли киритиш бўлса, "Ниқобланган операциялар" тадбирининг мақсади объектга муқаддам киритилган субъектнинг имкониятларидан тезкор-қидирув фаолияти вазифаларини ҳал этиш учун фойдаланиш ҳисобланади. Яъни ушбу икки тадбир ҳам бир-бирини такрорлайди. Аслида эса

қонун қабул қилингунга қадар бу икки тадбир тезкор-қидирув фаолиятининг муайян усули доирасида ўтказилиб келинган. Шу сабабли уларни бир тадбирнинг иккита ўтказилиш усули сифатида қўллаш мумкин бўлиб, шу йўл билан тезкор бўлинмаларга юклатилган вазифаларни ҳал этишнинг узлуксиз жараёни таъминланади.

Бу каби тезкор-қидирув тадбири айрим Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари қонунчилигида муайян тезкор-қидирув тадбири доирасида ўтказилади. Масалан, Россия Федерацияси ва Беларусь Республикасида "Оперативное внедрение", Қозоғистонда "Внедрение", Озарбайжонда "Вхождение в преступные группы или криминогенные объекты" ва ҳ.к. Шу сабабли, ушбу икки тезкор-қидирув тадбирини бирлаштириб, уни "Тезкор киритиш" деб номлаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шунингдек, "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг 16-моддасида фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган айрим ҳуқуқ ва эркинликларига маълум даражада дахл қилиш билан боғлиқ бўлган тезкор-қидирув тадбирлари, хусусан, ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувлар, почта, курьерлик жўнатмалари, телеграф хабарлари ҳамда алоқа тармоқлари орқали узатиладиган бошқа хабарлар сир сақланиши ҳуқуқларини, шунингдек, уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқини чекловчи тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилишига прокурор санкцияси асосида йўл қўйилиши белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, ушбу тадбирлар, агар шахс, жамият ва давлат манфаатларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишни таъминлаш учун ҳақиқий маълумотларни бошқа йўл билан олиш имкони бўлмаса, истисно чоралар сифатида амалга оширилиши мустаҳкамлаб қўйилган.

Бу борадаги хорижий давлатлар тажрибасидан далолат беришича, Америка Қўшма Штатлари, аксарият Европа ва Мустақил Ҳамдўстлик Давлатларида бу каби тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга суд қарори орқали йўл қўйилади.

Шу муносабат билан мазкур илғор хорижий тажрибани миллий қонунчилигимизга жорий қилган ҳолда "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг тегишли моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Фикримизча, юқорида таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг киритилиши, мазкур соҳанинг ҳуқуқий асосларини ҳамда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

¹ Научно-практический комментарий к Закону Республики Узбекистан «Об оперативно-розыскной деятельности». С. 73-75.

² Научно-практический комментарий к Закону Республики Узбекистан «Об оперативно-розыскной деятельности». С. 89-95.

Умида ТУХТАШЕВА,
к.ю.н., профессор,
заведующая кафедрой ТГЮУ

ВОПРОСЫ ВНЕДРЕНИЯ И ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В УГОЛОВНОЕ СУДОПРОИЗВОДСТВО РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

✦ В статье анализируются возможности внедрения и использования информационно-коммуникационных технологий в уголовном судопроизводстве, опыт зарубежных стран в указанной области, а также дается оценка преимуществ использования информационно-коммуникационных технологий в уголовном процессе.

✦ Мазкур мақолада жиноят суд ишларини юритишга ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва улардан фойдаланиш имкониятлари, бу борадаги чет мамлакатлар тажрибаси таҳлил қилинмоқда, шунингдек жиноят процессида ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланиш афзалликларига баҳо берилмоқда.

✦ This article analyses feasibility of introduction and use of information and communication technologies in criminal proceedings, the experience of foreign countries in this area, as well as an assessment of benefits of using information and communication technologies in criminal proceedings.

Таянч сўзлар: уголовное судопроизводство, информационные технологии, электронное уголовное дело, видео и аудио запись, следственные действия.

Ключевые слова: жиноят ишларни юритиш, ахборот технологиялари, электрон жиноят иши, видео ва аудио ёзув, тергов ҳаракатлари.

Key words: Criminal proceedings, information technology, electronic criminal case, audio and video recording, investigative actions.

В последние годы в Республике Узбекистан одним из важных направлений осуществляемых реформ является внедрение и развитие системы «Электронное правительство» и информационно-коммуникационных технологий. Обращается внимание усовершенствованию порядка предоставления государственных услуг, в частности обеспечения полного двухстороннего функционирования электронных услуг населению и субъектам предпринимательства.

Как отмечается в Указе Президента «О мерах по коренному улучшению условий для развития отрасли информационных технологий в республике» проводимые за последние годы поэтапные реформы по внедрению информационно-коммуникационных технологий (далее ИКТ) во все сферы государственного управления и предоставления государственных услуг позволили добиться значительного прогресса в продвижении информационных услуг, развитии и реализации системы «электронное правительство», создании эффективных механизмов налаживания диалога с народом

и своевременного решения насущных проблем населения на местах.

Между тем, стремительное развитие ИКТ, открывая новые возможности, предъявляет требования и к деятельности правоохранительных органов и судов, чья результативность работы невозможна без их эффективного информационного обслуживания. Безусловно в информационном обществе подавляющее количество документов должны создаваться, взаимодействовать и уничтожаться в рамках электронного взаимодействия без какого-либо участия человека. Эти документы создаются на основе жестких детерминированных алгоритмов программ¹. Человек перестает формировать документы и ограничивается созданием правил формирования и преобразования электронного документа компьютером². Существует мнение, что наиболее принципиальное изменение в способе формирования фактуры доказывания будет связано с внедрением технологий бездокументарного обращения информации. На смену бумажным неминуемо придут информационные

технологии, основанные на использовании средств электронно-вычислительной техники и электросвязи, одним из продуктов которых являются электронные доказательства³.

Об этом свидетельствует и Указ Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по усилению гарантий прав и свобод граждан в судебно-следственной деятельности»⁴.

Так, данным указом обозначены следующие задачи:

— осуществление обязательной видеофиксации процессуальных действий в виде осмотра места происшествия (по особо тяжким преступлениям), обыска, проверки показаний на месте события, следственного эксперимента с использованием средств видеозаписи;

— ведение в процессе судебного разбирательства стенографии, материалы которой должны быть приобщены к материалам уголовного дела;

— обеспечение оснащения средствами видеонаблюдения следственных изоляторов, изоляторов временного содержания и специальных приемников, мест отбывания административного ареста;

— выработка и внесение предложений по дальнейшему совершенствованию законодательства и методологии расследования и рассмотрения уголовных дел, расширению использования современных информационно-коммуникационных технологий в судебно-следственной деятельности, оптимизации и упрощению делопроизводства по уголовным делам, в том числе путем внедрения системы «Электронное уголовное дело».

Эти вопросы вошли и в число задач, обозначенных в Государственной программе 2018 года.

Остановимся вкратце на каждой из задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по усилению гарантий прав и свобод граждан в судебно-следственной деятельности».

1. Осуществление обязательной видеофиксации процессуальных действий в виде осмотра места происшествия (по особо тяжким преступлениям), обыска, проверки показаний на месте события, следственного эксперимента с использованием средств видеозаписи. Это является важным нововведением, направленным на обеспечение законности и объективности при собирании и закреплении доказательств. В то же время, эта задача обозначена в целях обеспечения полноты, объективности и всесторонности проведения предварительного расследования, а также усиления гарантий прав участников уголовного процесса.

Например, при видеофиксации такого следственного действия как осмотр места происшествия появится возможность еще раз исследовать и понять значение обстоятельств, относящихся к совершенному преступлению, понимание которых было невозможно в ходе производства самого следственного действия, но стало возможным уже

в ходе дальнейшего расследования. Таким образом, видеофиксация при ее неоднократном изучении позволит смоделировать обстановку совершения преступления и путем проведения допросов, экспериментов и др. С другой стороны, видеофиксация следственного действия будет выполнять роль гаранта соблюдения законности проведения следственного действия.

При этом должен быть найден разумный подход к законодательному закреплению этого действия. Так, одним из ключевых вопросов является мнение о необходимости замены письменного протокола видеозаписью. Мы согласны, что в этом случае процесс составления протокола упрощается, но может возникнуть сложность при исследовании такого протокола. И временные затраты также могут быть увеличены пропорционально времени, затраченному на предварительное следствие. Будет также повышена результативность и доказательственное значение такого следственного действия как следственный эксперимент, если все исследовательские действия будут зафиксированы на видео. Обязательным правилом при этом должно быть закрепление обязательности видеофиксации наряду с письменным протоколом. При этом необходимо будет установить правило, согласно которому в случае, когда письменный протокол противоречит видеозаписи следственного действия, следует считать достоверными сведения, содержащиеся на видеозаписи. Кроме того, следует допустить частичный просмотр видеозаписи только по вопросам, требующим разрешения. В таком случае будут учтены сильные стороны видеофиксации и не будет фактического усложнения процедуры применения технических средств.

Следует также рассмотреть вопрос об участии специалиста. На наш взгляд, для видеозаписи должен быть приглашен специалист, так как следователь руководит действиями участников и не может отвлекаться на синхронную видеозапись. Следовательно, интересы качественного следствия диктуют необходимость исключения следователя в производстве видеозаписи. В законе следует предусмотреть, что специалист действует под руководством следователя и выполняет его указания о производстве или остановке видеозаписи. Кроме того, познаний следователя также может быть недостаточно для того, чтобы извлечь электронные носители информации без потери информации, это также обуславливает привлечения специалиста.

Бесспорно и то, что результативность обыска, следственного эксперимента, проверки показаний на месте и их доказательственное значение повышаются, если все исследовательские действия сопровождаются видео — и звукозаписью. Общим для всех следственных действий должно являться требование об отражении в протоколе осуществляемой видео фиксации.

В целом следует отметить, что видеофиксация следственных действий будет являться одним из элементов будущего «электронного судопроизводства». При этом важное значение видео фиксации следственных действий и включение этого действия в систему средств доказывания, с одной стороны, позволит усилить гарантии возможностей граждан по защите своих нарушенных или оспариваемых прав, с другой стороны, расширить возможности суда в познании действительных обстоятельств дела и в вынесении законных и обоснованных судебных решений.

При разработке проекта закона, направленного на внесение изменений и дополнений в уголовно-процессуальное законодательство, по нашему мнению, следует предусмотреть такие вопросы как: 1) возможность придания материалам видео фиксации статуса самостоятельных доказательств; 2) предусмотреть порядок их собирания, проверки и оценки; 3) полномочия должностного лица, ответственного за производство по уголовному делу, по использованию такого вида доказательств; 4) права участников уголовного процесса (обвиняемого, потерпевшего и др.) на ознакомление с материалами видео фиксации.

2. Ведение в процессе судебного разбирательства стенографии, материалы которой должны быть приобщены к материалам уголовного дела.

По мнению некоторых юристов, в 80 случаях из 100 протоколы судебных заседаний лишь частично отражают содержание процесса и грешат неточностью, а иногда полностью искажают смысл происшедшего в ходе судебного разбирательства. Не всегда жалобы о несоответствиях в протоколах приносят желаемый результат. Обусловлено это, в свою очередь, отсутствием возможности проверки обоснованности поданных замечаний, так как в процессуальных кодексах не предусмотрено ни обязанность введения аудио и видео записи, ни права их использования при подаче жалобы.

Принимая во внимание, что скорость устной речи существенно выше, чем скорость письма (печати), разумно полагать, что полноту судебного протокола возможно обеспечить лишь при условии стенографии⁵. При этом, стенография — это мастерство, которому следует обучать. Между тем, ни в одном документе подобные требования к секретарям и помощникам судей по обладанию навыками стенографирования не предусмотрены, чем и объясняется причина неумения секретарями вести протокол полно и правильно. Отсюда следует, что при закреплении в законодательстве требования вести стенографию, необходимо также предусмотреть вопросы обучения стенографии (например, школа стенографистов, курсы и т.д.).

Считаем необходимым также обратить и на такую проблему, как тенденция отражения в протоколе судебного заседания соответствующих ча-

стей протокола допроса либо обвинительного заключения путём «копировать/вставить», что, безусловно, является нарушением также принципа устности и непосредственности исследования доказательств в зале судебного заседания. Впоследствии это чревато тем, что, например, в приговоре в обоснование выводов о виновности подсудимого в основу положены показания лиц не в суде, а на предварительном следствии (а также заимствованные части обвинительного заключения). Зачастую, эти записи носят идентичный характер.

На наш взгляд, при внесении в уголовно-процессуальное законодательство требования ведения стенографии, необходимо также предусмотреть и вопросы видео и аудио записи. Здесь возможны два пути решения. Либо запись ведется непосредственно государственными органами и должностными лицами, ответственными за производство по уголовному делу. Либо это разрешение дается участникам уголовного процесса, которые при возникновении необходимости могут сослаться на данную запись путем принесения ходатайства об изучении указанных записей. По нашему мнению, одно лишь упоминание о праве вести видео и аудио запись наряду со стенографией позволит обеспечить дисциплинированность участников процесса, исключить возможные в будущем споры касательно хода и содержания судебного процесса, и самое важное, повысить уровень доверия участников процесса к судебному протоколу, как к одному из видов письменных доказательств. В то же время, предусмотрение подобного правила позволило бы усилить гарантии объективного полного и правильного изложения хода судебного разбирательства в протоколе, а в случае наличия замечаний на протокол суда первой инстанции, суды вышестоящих инстанций имели бы реальную возможность проверить их обоснованность.

Справочно: Следует отметить, что в некоторых странах СНГ, зарубежных странах предусмотрена возможность электронной аудиовидеозаписи и оформления протоколов. Так, в Верховном суде РФ создана и действует система технической фиксации судебных процессов для протоколирования судебных заседаний, система «Судебное дело-производство» (служит для хранения, учета и анализа судебных дел) и «Электронный банк судебных решений» (создана для обеспечения деятельности судей и их помощников, открыта и для общего доступа). В Грузии каждое слушание фиксируется с помощью систем аудио— и видеозаписи, установленных в залах заседаний. Копии аудиозаписи предоставляются сторонам по запросу в течение 3 дней. В Молдове аудиофиксация судебных заседаний осуществляется с помощью цифровых средств, в Верховном суде дополнительно составляется стенограмма. Копии аудиозаписи пре-

доставляются сторонам процесса и судье в конце слушания. В **Малайзии**, на базе опыта США проект «E-COURT» был запущен в Верховном суде в феврале 2009 и на сегодняшний день распространяется на все суды Малайзии. Система аудио-видео фиксации ведет записи судебного разбирательства, освобождая судей от обязанности делать записи от руки. Возможность аудио и видео-записи при ведении протокола судебного заседания предусмотрены в процессуальном законодательстве Франции, Англии, Голландии, Японии и др. В **Западной Европе** теория и практика записи судебных заседаний различается от страны к стране. Существует, по меньшей мере, три различных подхода к ведению протокола. И эти различия особенно заметны в практике изготовления расшифровок записей и в статусе протоколов судебных заседаний. Так, например, в Германии, Австрии, Нидерландах судебные процессы записываются в основном с использованием аналоговых технологий записи. Расшифровки (письменный текст) изготавливаются по требованию любой стороны. В **США** существуют различные методы ведения протокола, а также несколько вариаций и комбинаций методов. К этим методам относятся: ручная стенограмма, механическая стенограмма, компьютеризированная транскрипция, ведение протокола в реальном времени, аналоговая аудио-запись, цифровая аудиозапись, видеозапись, дословная голосовая. Более современные из данных подходов, в особенности, цифровая аудиозапись, ведение в реальном времени подвергаются постоянным технологическим усовершенствованиям и доработкам для повышения точности и производительности при изготовлении транскрипций и протокола процесса.

3. Обеспечение оснащения средствами видеонаблюдения следственных изоляторов, изоляторов временного содержания и специальных приемников, мест отбывания административного ареста. Данное поручение носит организационный характер. Но в то же время, на наш взгляд, если будет зафиксировано какое-либо нарушение в отношении лиц, содержащихся в указанных местах видео фиксация может приобрести доказательственное значение.

В указе отмечается, что в целях своевременного и объективного расследования заявлений о применении пыток вводится обязательная проверка органами прокуратуры или судом обращений о применении недозволённых методов при собирании и закреплении доказательств. По нашему мнению, при разработке соответствующего документа, регулирующего вопрос оснащения средствами видеонаблюдения, необходимо предусмотреть также в законодательстве обязательность изъятия видеозаписи для проверки обращения и показаний участников уголовного процесса.

Тем самым оснащение перечисленных выше

мест средствами видеонаблюдения послужит своего рода предупреждением применения пыток, психологического и физического давления, других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения, а также гарантией усиления соблюдения прав человека в судебной следственной деятельности.

4. Внедрение системы «Электронное уголовное дело». Анализ опыта зарубежных стран позволяет заключить, что переход к системе «Электронное уголовное дело» должен осуществляться поэтапно, и по ряду направлений сразу. Основными направлениями являются техническое переоснащение судов и правоохранительных органов, определение источников финансирования, обучение работников судов и правоохранительных органов, подготовка нормативной базы и др. Внедрение системы «Электронное уголовное дело», являясь одним из направлений модернизации уголовного судопроизводства, по нашему мнению, должно вестись одновременно в нескольких направлениях: пересмотр принципов уголовного процесса; подготовка юридических кадров (навыки в сфере IT); разработка модели для досудебного и судебного производства; создание нормативно-правовой базы; усиление гарантий прав участников уголовного процесса в ходе всего уголовного процесса; повышение открытости, доступности и оперативности правосудия, а также устранение избыточного формализма. Результатом модернизации уголовного судопроизводства может быть полный отказ от бумажного производства с переходом к электронному уголовному делу.

В свою очередь, переход к электронному уголовному делу позволит повлиять на сокращение сроков уголовного судопроизводства, улучшение доступа к процессуальной информации всех участников судопроизводства; создание дополнительных возможностей обеспечения права на защиту соответствующих участников уголовного процесса; сокращение процессуальных издержек; систематизацию и структурирование материалов уголовного дела; снижение риска фальсификации материалов уголовного дела; повышение транспарентности правосудия по уголовным делам и т.д.⁶

Безусловно, переход к системе «Электронное уголовное дело» процесс трудоемкий и затратный. Необходимы достаточные инвестиции как в оборудование, так и в систему подготовки кадров. Каждый элемент электронного уголовного дела должен получить не только техническое разрешение, но и правовое регулирование. На наш взгляд, для эффективного разрешения данного вопроса должна быть организована рабочая группа, состоящая не только из юристов, но и специалистов в области информационных технологий и экономистов. Только при комплексном подходе можно будет вести речь о возможных позитивных результатах.

Справочно. Одним из лидеров в использовании технологий безбумажного документооборота в уголовном судопроизводстве является **Финляндия**. В настоящее время интегрированная информационная система правоохранительных органов Финляндии обслуживает 63 судебных округа, 6 апелляционных судов и Верховный суд Финляндии. Ежегодно системой обрабатывается 90 тыс. уголовных дел, 52% которых рассматривается судьей единолично. В систему интегрированы 30 пенитенциарных учреждений, органы криминальной полиции, прокуратуры, судебные приставы, управление по сбору штрафов за уголовные преступления и пенитенциарные суды. Главным координатором программы является Министерство юстиции Финляндии.

Также заслуживает внимания опыт **США** по внедрению информационно-коммуникационных технологий в правоохранительную деятельность. В частности, с 1997 года в этой стране приняты несколько федеральных законов, которые ускорили процесс перехода на электронный документооборот в уголовном судопроизводстве.

Сегодня интегрированная информационная система правоохранительных органов, например, в штате Аляска обслуживает 4500 сотрудников правоохранительных органов. Полностью электронным образом ежегодно сопровождаются более 40000 решений об аресте, 13500 приговоров судов и 14500 прочих уголовно-процессуальных решений. В рамках соответствующего проекта реализованы: система снятия отпечатков пальцев, автоматизированная информационно-поисковая дактилоскопическая система, оперативно-розыскные и криминалистические базы данных (в том числе база данных генетической информации), а также доступ в общенациональные базы данных. Данная система надежно защищена и имеет различные уровни доступа к хранящейся информации. В локальную сеть системы объединены 250 агентств и органов (полицейские участки, офисы прокуроров и адво-

катов, пенитенциарные учреждения, суды). Доступ к системе возможен и с патрульных машин полиции. Положительным моментом системы является концепция полного электронного документирования материалов уголовного дела.

Среди стран СНГ интересен опыт **Казахстана**⁷. Проект электронного уголовного дела разработан Комитетом по правовой статистике и специальных учётов Генеральной прокуратуры. Программа охватывает все стадии уголовного процесса: регистрацию преступления, расследование и исполнение приговора. По мнению Генерального прокурора Республики Казахстан Ж.Асанова, цифровизация уголовного процесса позволит решить ряд чувствительных для населения вопросов, а также упростить процедуру сбора доказательств и составления процессуальных документов, снизить риски фальсификации материалов дела, а также материальные затраты и нагрузку на следственные и судебные органы.

Главными преимуществами программы разработчики называют следующие аспекты: избежание фальсификаций, обеспечение оперативности; возможность ознакомления в любое время (в онлайн-режиме); получение санкции суда в электронном виде; избавление от ненужной бумажной волокиты.

Заключение. Каким бы образом не был решен вопрос широкого использования информационных технологий в уголовном судопроизводстве (с переходом на электронное уголовное дело), ключевым принципом всех нововведений должен быть девиз «Все во имя человека, все для блага человека», который для уголовного судопроизводства, сопряженного с применением мер процессуального принуждения, имеет особое значение. Разработка программы и внесение изменений в законодательство должно осуществляться с учетом не допущения какого-либо нарушения или ущемления прав участников уголовного судопроизводства.



¹ Пастухов П.С. Использование информационных технологий в российском уголовном судопроизводстве // Вестник экономической безопасности. 2016. № 5. С. 41.

² Зигура Н.А. Компьютерная информация как вид доказательств в уголовном процессе России: Дисс... канд. юрид. наук. Челябинск, 2010. С. 26.

³ Пастухов П.С. Использование информационных технологий в российском уголовном судопроизводстве // Вестник экономической безопасности. 2016. № 5. С. 41.

⁴ Национальная база данных законодательства, 1.12.2017 год, № 06/17/ 5268/ 0341

⁵ Стенография скоростное письмо, основанное на применении специальных систем знаков и сокращений слов и словосочетаний, позволяющее вести синхронную запись устной речи и рационализировать технику письма.

⁶ Об этом более подробно можете ознакомиться здесь: Качалов О.В., Цветков Ю.А. Электронное уголовное дело инструмент модернизации уголовного судопроизводства // Российское правосудие. 2015. №2. С. 95-101.

⁷ Информация заимствована здесь: <https://informburo.kz>. К сведению, программа апробируется с 15 августа в Астане и Жамбылской области, с 10 сентября в Атырауской и Восточно-Казахстанской, а с 20 сентября в Западно-Казахстанской и Южно-Казахстанской областях.

Илҳом ТАИРОВ,
Давлат бошқаруви академияси тингловчиси,
Қашқадарё вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

КАДРЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯСИ

✦ Ушбу мақолада давлат хизматида кадрларни ротация қилиш механизми кадрларни бошқариш технологияси сифатида тадқиқ этилган. Ротация тушунчасининг моҳияти, мақсад ва вазифалари ёритилиб, унинг ижобий ва салбий томонлари ўрганилган. Ротация институтининг салбий жиҳатларидан кўра ижобий жиҳатлари кўпроқ аҳамият касб этиши таъкидланиб, бир қатор афзалликлари кўрсатиб ўтилган.

✦ В этой статье исследовался механизм ротации кадров в государственной службе в качестве технологии управления кадрами. Автор освещал сущности определения, цели и задачи ротации, а также изучал ее положительные и отрицательные стороны. Отмечая более значимости положительных сторон института ротации чем отрицательных, выделил ряд её привилегий.

✦ In this article investigated, the mechanism of staff rotation in the civil service as a technology for personnel management. The author covered the essence of the definition, goals and tasks of rotation, and also studied its positive and negative aspects. Noting the importance of the positive aspects of the institution of rotation than negative, marked out a number of its privileges.

Таянч сўзлар: кадрларни бошқариш технологияси, ротация, ротация тушунчаси, унинг ижобий ва салбий томонлари.

Ключевые слова: технология управления кадрами, ротация, определения ротации, ее положительные и отрицательные стороны.

Key words: technology for personnel management, rotation, definition of rotation, its positive and negative aspects.

Мамлакатимизда давлат бошқарувини такомиллаштириш ҳамда демократлаштириш, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бундай шароитда биринчи галдаги вазифа, албатта, юқори малакали кадрларни тайёрлаш, давлат хизматини замонавий билим ва малакаларга эга бўлган кадрлар билан таъминлаш ҳисобланади.

Шу сабабли, давлат хизматининг кадрлар сиёсати эндиликда ходимларнинг функционал вазифаларини профессионал даражада бажаришни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни кўриш билан чекланиб қолмай, балки кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш, бу борада узлуксиз ишлайдиган, ўз-ўзини тартибга соладиган ва такомиллашиб борадиган механизмни, яъни кадрларни бошқариш технологияларини ривожлантиришга эътиборини қаратиши лозим.

Кадрларни бошқариш технологиялари ходимларга оид масалалар юзасидан оптимал қарорларни қабул қилишда фойдаланиладиган усуллар

ва ташкилий жараёнлар йиғиндиси ҳисобланади.

Кадрларни бошқариш технологиялари кўмагида ходимда хизмат вазифаларини бажаришдаги хоҳиш-истаги ва лаёқати, фаолиятининг самардорлиги, ишчанлик, касбий ва шахсий сифатларининг муайян талабларга мослиги, давлат хизматчисининг хизмат поғоналарида ҳаракатланишини режалаштириш ва бошқариш, малака ошириш, қайта тайёрлаш, уларни баҳолаш, ходимларни саралаш ва танлаш каби фаолият амалга оширилади.

Ходимлар таркибини янгилаш орқали фаолият самардорлигини ошириш ёки бўш лавозимни тўлдириш мақсадида кадрларни бошқариш технологияларидан асосан ротация, кооптация, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, истеъфода чиқариш, шартнома орқали ишга ёллаш тизимини жорий этиш ва бошқа усуллардан амалиётда кенг фойдаланилади.

Шу ўринда, кадрларни бошқариш технологияларининг асосий элементлари сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

— кадрга оид вазифаларни режалаштириш;

- кадрлар танловини ташкил этиш ва уни ўтказиш;
- кадрларни ишга қабул қилиш;
- иш ҳақи ва бошқа қонунда белгиланган имтиёзларни белгилаш;
- мутахассисликка, касбга йўналтириш ва мослаштириш (адаптация);
- малака ошириш курслари, қайта тайёрлаш;
- фаолиятини баҳолаш;
- кадрлар захирасини шакллантириш ва захира ҳаракатини бошқариш;
- хизмат поғоналарида ўсишини режалаштириш ва уни бошқариш;
- лавозимни пасайтириш, ротация ёки ишдан бўшатиш;
- меҳнат шароити, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя масалалари.

Кадрларни бошқариш технологиясининг қайси элементлари ижобий самара берганлиги ва фаолият самарадорлигини оширишга кўмаклашгани хусусида тадқиқот ўтказилиб, унда қуйидагилар маълум бўлган:

- тоифа имтиҳонлари 31,0%;
- профессионал танлов 51,6%;
- бўш лавозимни эгаллаш учун танлов 38,1%;
- аттестация 35,5%;
- кадрлар ротацияси 33,5%;
- стажировка 34,2%;
- кадрлар захираси 32,3¹.

Бу ўтказилган тадқиқот номзодларни танлашдаги тўғри танлов кадрлар билан ишлашда энг муҳим жараён саналиб, ўз вақтида ўтказилган аттестация ва ротациялар иш самарадорлигини таъминлаб берувчи муҳим омиллар эканлигини кўрсатди.

Кадрларни бошқариш, уларни тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш борасида хилма-хил шакл ва услублар мавжудки, бугунги кунда улар орасидаги кадрларни бошқаришнинг энг самарали технологияларидан бири бу ротация механизми саналади.

Сўнги вақтларда кадрларни бошқариш соҳасидаги назариётчи олимлар ва амалиётчилар орасида ротацияси тушунчаси ва унинг механизмлари борасида турли фикрлар баҳсга сабаб бўлмоқда.

Энциклопедик луғатда ротация (лот. *“rotatio”* сўзидан олинган бўлиб, “айлана”, “айланма ҳаракат”) бу бирор-бир тизим элементларининг навбатли, босқичма-босқич ҳаракатланиши, дея тушунтирилган².

Кадрлар ротацияси дейилганда эса, бошқарувнинг турли йўналишлари бўйича вазифалар билан таништириш мақсадида ходимни янги иш жойи ёки лавозимга ўтказиш ёки тайинлаш, бунда ходимнинг билимини маълум даражада оши-

риш, малака ва кўникмасини шакллантириш асосий мақсад қилиб олинади.³

У.Ш.Хусаиновнинг фикрича, ротация қонуний асосда ходимларни ўқитиш, кўникмасини аниқлаш ва коррупциянинг олдини олиш мақсадида уларни тенг лавозимларга ўтказиш, хизмат вазифаларини ўзгартириш ҳамда ходимлар таркибининг янгиланиши тушунилади.

Ротация қуйидаги ҳолатларда реал ўз аксини топади: ходимларнинг иш жойларини янгилашда; янги ходимларни хизматга жалб этишда; ходимларнинг янги шароитда ўз имкониятларини рўёбга чиқаришига имкон яратишда; ходимларнинг малакасини оширишда; аттестация ўтказишга шароит яратишда; коррупция, маҳаллийчилик ва бошқа салбий ҳолатларнинг олдини олишда; хизмат вазифасига нолойик, қобилиятсиз ходимларни лавозимидан четлатиш ва бошқаларда. Ротация тушунчасини тўлиқ ёритиш учун унинг функционал ва институционал томонларини эътиборга олиш зарур деб ҳисоблайди⁴.

Ходим томонидан коррупциявий ҳаракатларни ёки ҳуқуққа хилоф бошқа ҳаракатларни содир этишининг олдини олиш, жамоада ходимлар орасидаги муҳитни соғломлаштириш ва бошқа мақсадларда кадрларни лавозим номенклатураси бўйича ҳаракатланиши билан ротация механизмини фарқлаш лозим.

Одатда ротацияга меҳнат муносабатларида юзага келган муаммони тез ва оддий ҳал қилиш механизми сифатида қараб келинган, яъни иш жараёнига мос келмаган ходим бошқа иш жойи ёки лавозимга тайинланиши билан жамоадан чиқариб юборилган ва меҳнат жараёни яна ўз изига тушиб қолган. Бироқ, бундай қарорлар қабул қилиш орқали муаммони ҳал қилишга ҳаддан ташқари ишониш жамоада беқарорликни вужудга келтиради, кадрлар кўнимсизлиги юзага келиб, раҳбарият обрўсизланишига олиб келади, шунингдек салбий ҳолатларнинг шу жамоада қотиб қолмасдан (маҳаллийлашмасдан), аксинча бошқа жамоаларга кўчиши (интеграция) га сабаб бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ротация механизми бошқарув тизимининг муҳим элементларидан бирини ташкил этади. Умуман олганда, ротациянинг изчил қўлланилишини ижобий ҳолат, деб ҳисоблаш керак. Уни бошқарувнинг якуний натижасига унумли таъсир кўрсатувчи омил, деб баҳолаш мумкин. Маълумки, давлат ходимларининг лавозимдан лавозимга ўтказилиши “горизонтал” ва “вертикал” тарзда амалга оширилади. Горизонтал ротацияда ходим битта структурада ўзига тенг лавозимда шахс билан ўрин алмашади. Вертикал ротация эса, ходимнинг ўз лавозимидан юқори поғонадаги лавозимга ўтказилиши

ҳисобланади. Давлат хизматчиларининг “горизонтал” ва “вертикал” кўчирилиши лозимлиги шундан келиб чиқадики, ходимнинг битта лавозимда узоқ муддат фаолият юритиши меҳнат унумдорлигини пасайтиради, ходим ўз дунёқарашда битта иш жойи доираси билан чегараланади, камчиликларга кўникиб қолади, ўз меҳнат фаолиятини янги шакл ва услублар билан бойитиб боришни, ўз устида ишлашни тўхтатиб қўяди. Иш жойларининг ўзгартирилиши вазиятни таққослашга, янги шароитларга тезроқ кўникишга имконият беради⁵.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ротация тартибида барча ходимларни бир вақтнинг ўзида кўчириб ўтказиш мумкин эмас. Шундан келиб чиқиб, унинг ҳуқуқий белгиларини, жумладан, устунлик ва камчилик хусусиятларини кўриб чиқиш ва бошқарув тизимига ижобий таъсир кўрсатувчи ўзига хосликларини қўллаш талаб этилади.

Умуман, ротациянинг қуйидаги ижобий белгиларини ажратиш мумкин: **биринчидан**, ходимлар томонидан рационализаторлик таклифлари сони юқори кўрсаткичга чиқади, ходимларда ташкилотга нисбатан фидойилик ортиб боради ва бунинг натижасида меҳнат самарадорлиги ошиб боради.

Иккинчидан, ротация янги шароитларга кўникиш жараёнида ходимларни фаолликка ундайди ва бу ҳолатда ташкилотда ходимлар сонини кўпайтириш эҳтиёжининг олди олиниб, меҳнат сифатини ошириш муҳитини юзага келтиради. Шунингдек, турли касалликлар, таътиллار ва бошқа барқарор бўлмаган вазиятлар рўй берган ҳолатларда ходимларни бир-бирини алмаштириб туриш имконияти кўпаяди.

Учинчидан, ходимларнинг бир-бирига эътибори ошиб боради, айрим ходимлар енгил, айримлари оғир ишларни бажариши борасидаги ҳақсизлик ҳиссиётига барҳам берилади ва меҳнатдан қониқиш даражаси ошади ҳамда “рокировка”, яъни ўзаро жой алмашиши натижасида ходимларнинг иш вазифаси юзасидан бир-бири билан мулоқоти кучаяди, уларнинг ўзаро муносабатлари яхшиланади ва бу ҳамкорликни, кўмаклашув даражасини яхшилайдди. Умуман, ҳар қандай ротацияни ўтказишга оид тадбирлар одамлар орасидаги алоқаларни кучайтиради.

Тўртинчидан, ротация тажрибали мутахассислар ва раҳбарлар томонидан ўз тажриба ва билимларини ёш ходимларга ўргатиб боришига имкон беради. Агарда ходим ўз бўлимида барча лавозимлардан ўтиб борса, у бўлимининг олдида турган барча вазифалар бўйича, яъни лозим бўлган сифат даражасига ва меҳнат унумдорлигига эришилишида ўзини масъул деб билади. Шу билан бирга, низолар келиб чиққанида ёки ке-

либ чиқиш хавфи юзага келганида, уларни бар-тараф этиш ёки олдини олишга кадрларни кўчириб ўтказиш йўли билан эришиш мумкин.

Бешинчидан, ротация институтини қўллаш натижасида ходимлар лавозимларини ўзаро таққослаш имкониятига эга бўладилар. Ўз навбатида, маъмуриятда ҳам ходимларни касбий маҳорат ва ишчанликлари жиҳатидан таққослаш имконияти пайдо бўлади. Агарда кўчириб ўтказилиш тизимли бўлиб, тасдиқланган режа асосида амалга ошириладиган бўлса, ходимлар кўнглида меҳнатлари қадрланаётганлик ҳисси шаклланади ва ходимлар ҳамда раҳбарият орасида узоқлашув даражаси пасаяди, ташкилотда ижтимоий муҳит яхшиланади, жамоа яхлит бўлиб жипслашиб боради, ҳар бир ходим “мен нима билан ёрдам беришим мумкин?”⁶, деган тамойилни ўзида шакллантиради, ҳар ким бошқа бўлимлардаги ходимлар ва уларнинг муаммоларидан хабардор бўлади. Шунингдек, ротация ходимларни ишдан ажратмаган ҳолда ўқитишни таъминлайди ва бошқалар. Лекин шу ўринда қайд этиш лозимки, ротациянинг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда, унинг салбий жиҳатлари ҳам мавжуддир. Жумладан, уларга қуйидагиларни киритиш мумкин: кўчириб ўтказиладиган ходимларни ўқитиш, шунингдек, кўчириб ўтказиш тизимини амалга ошириш учун катта маблағлар талаб этилиши; ротация бўлмаган ҳолатдагидек ҳеч ким бевосита ўз соҳасини мукамал билмаслиги; “даромадли” лавозимларни тақсимлашда, шундай масалаларни ҳал қилишда уруғ-аймоқчиликнинг юзага келиши; кўчириб ўтказиш дастурини амалга оширишда “яхши” лавозимларни эгаллаб турган шахсларни “ёмон” лавозимларга ўтишга розилик бермаслиги каби муаммоларнинг юзага келиши ва бошқалар. Фикримизча, у ёхуд бу жойда мазкур салбий ҳолатлар келиб чиқишининг асосий сабаби ходимларнинг билимсизлиги, етарли малакага эга эмаслиги, муассасага турли сабабларга (масалан, таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик сингари) кўра тасодифан келиб қолган ходимларнинг кўплиги, бошқарув ходимларининг ўз соҳаси ва раҳбарлик бобида етарли компетенцияга эга эмаслиги сингари кўпроқ субъектив омиллар билан боғлиқ. Бироқ, ротациянинг барча ижобий ва салбий жиҳатларини инобатга олган ҳолда, пухта ишлаб чиқилган ва амалга оширилган ротация ҳар қандай корхона, ташкилот ва муассасага қатор афзалликларни олиб келади, хусусан:

- кадрлар таркибининг малакали ва тажрибали ходимлар билан тўлдирилиши ва янгиланиши;
- корхона, ташкилотдан “қимматли” кадрлар кетиб қолишининг олди олиниши;

— янги вазифа ёки лавозимга ўтказилган ходимлар шу йўналишда тажриба ва малакасини орттириши имкони юзага келиши;

— вазифаларни вақтинчалик бажариб туриш муаммосини ҳал қилишда мақбул ходимлар контингентининг яратилиши ва танлаш имкониятининг кенгайиши;

— жамоада соғлом рақобат муҳитининг яратилиши;

— ротация қилинган ходимлар учун хизмат поғоналаридан ўсишнинг янги имкониятлари очилиши ва бошқалар.

Агар ҳар қандай тузилмада кадрларни ишга олишда, аввало, уларнинг билими, муайян соҳа

бўйича етарли малакага эга эканлиги эътиборга олинишини ҳисобга олсак, ротация институтининг салбий жиҳатларидан кўра ижобий жиҳатлари кўпроқ аҳамият касб этиши равшан бўлади.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар бир ходим мутахассис сифатида бошқалардан фарқли ўлароқ маълум даражада иш тажрибасига, кўникма ва билимларга эга бўлади. Шундай экан, ходимда ўзлаштирилган билим, шакланган кўникма ва тажрибани қадрлаб, ундан оқилона фойдаланиш ва тўғри тақсимлаб, келгусида давлат ва жамият манфаатлари учун янада улкан вазифаларни амалга оширишига кўмаклашишимиз лозим.



¹ Турчинов А.И., Магомедов К.О., Кононенко Т.А. Социологический анализ проблем кадровой политики и управления персоналом в российских организациях: Монография. М., МАКС Пресс, 2011. 66-с.

² Сухарев А.Я., Зорькин В.Д., Крутских В.Е. Большой юридический словарь. М., ИНФРА-М, 1997. 601-с.

³ Дикажев И.М. Ротация кадров в органах внутренних дел: проблемы и перспективы // Вестник Владимирского юридического института. 2014. №2. 98-с.

⁴ Хусаинов У.Ш. Институт ротации в системе государственной власти: понятие и сущность // Актуальные вопросы юридических наук: мат. II междуна. науч. конф. (г. Челябинск, февраль 2015 г.) Челябинск: Два комсомольца, 2015. С. 10-13.

⁵ Дятлов В.А., Кибанов А.Я., Пихало В.Т. Управление персоналом. М., ПРИОР, 2004. 365-с.

⁶ Оучи У.Г. Методы организации производства: Японский и американский подходы / Сокр. пер. с англ. М., Экономика, 1984. 46-с.

Сурайё РАХМОНОВА,
преподаватель Высших учебных курсов
Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан,
к.ю.н., доцент

ВОСПОЛНЕНИЯ ПРОБЕЛОВ СЛЕДСТВИЯ В СУДЕБНОМ ЗАСЕДАНИИ В УСЛОВИЯХ УПРАЗДНЕНИЯ ИНСТИТУТА ВОЗВРАЩЕНИЯ ДЕЛА НА ДОПОЛНИТЕЛЬНОЕ РАССЛЕДОВАНИЕ

✦ В данной статье проведен анализ последних новелл Уголовно-процессуального законодательства Республики Узбекистан, в частности, новых норм, введенных в кодекс в связи с упразднением института возвращения дела на дополнительное расследование. Критически исследован новый подход законодателя в вопросе отказа от дополнительного расследования путем восполнения недостатков следствия в судебном заседании.

✦ Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг янги нормалари, жумладан, жиноят ишини қўшимча терговга қайтириш институтига барҳам берилиши юзасидан киритилган нормалар таҳлил қилинган. Қонун чиқарувчининг тергов нуқсонларини суд мажлисида бартараф этиш йўли билан қўшимча терговдан воз кечиш юзасидан янгича ёндашуви танқидий ўрганилган.

✦ In the article, the analysis of last amendments of the Criminal procedural legislation of the Republic of Uzbekistan, in particular, the new norms entered into the code in connection with the abolition of institute of returning of case for additional investigation is carried out. The new approach of the legislator in a question of refusal of additional investigation by addressing existing gaps of an investigation in trial is critically analyzed.

Таянч сўзлар: уголовное судопроизводство, следствие, прокурор, судья, дополнительное расследование, изменение обвинения, судебное разбирательство.

Ключевые слова: жиноят ишлари юритуви, тергов, прокурор, судья, қўшимча тергов, айблов ўзгартириш, суд мажлиси.
Key words: criminal proceedings, investigation, a prosecutor, a judge, additional investigation, change of charge, trial.

Процесс реформирования и демократизации всех сфер жизни нашей страны это не разовая, одномоментная задача. Это непрерывно продолжающийся процесс, ставящий своей конечной целью реализацию всех принципов и положений Конституции, служащий дальнейшему процветанию нашей страны, укреплению ее свободы и независимости¹.

Так, в приоритетных направлениях обеспечения верховенства закона и дальнейшего реформирования судебной системы, указанных в «Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»² особо отмечены задачи, непосредственно связанные с совершенствованием уголовно-процессуальной сферы.

Реализация всех указанных стратегических задач непосредственно связана с концептуальным реформированием национальной законодательной базы. Этот процесс ознаменован поэтап-

ным принятием ряда нормативно-правовых актов, направленных, главным образом, на дальнейшую демократизацию и либерализацию судебной системы, повышение эффективности деятельности судебных, правоохранительных и контролирующих органов, повышение доверия населения к правосудию.

В этой связи особого внимания заслуживает Указ Президента Республики Узбекистан от 21 октября 2016 года № УП-4850 «О мерах по дальнейшему реформированию судебной системы, усилению гарантий надежной защиты прав и свобод граждан»³.

В частности, пункт 3 данного указа наряду с значимыми, актуальными вопросами дальнейшего совершенствования уголовно-процессуального законодательства предусматривает, упразднение института возвращения судом уголовного дела для производства дополнительного расследования с внедрением механизмов восполнения

неполноты следствия в ходе судебного разбирательства.

Чем была обусловлена необходимость упразднения института возвращения дела на дополнительное расследование?

В соответствии с частью третьей ст. 14 Международного пакта о гражданских и политических правах, а также части третьей ст. 6 Конвенции о защите прав и основных свобод человека, право лица, обвиняемого в совершении преступления, быть судимым без неоправданной задержки представляет собой одну из основных гарантий справедливости⁴. Тогда как возвращение судом уголовного дела для производства дополнительного расследования противоречит этой гарантии.

Возврат дела на дополнительное расследование в связи с неполнотой произведенного дознания или предварительного следствия либо существенного нарушения уголовно-процессуального закона, для изменения обвинения, либо привлечения к ответственности по данному делу других лиц, несомненно, свидетельствует о том, что органы дознания или предварительного следствия основные задачи уголовного судопроизводства о быстром и полном раскрытии преступления, обеспечении правильного применения закона и о наказании виновных (ст. 2 УПК) не выполнили. Направление дела на дополнительное расследование отодвигает момент наступления уголовной ответственности от момента совершения преступления, что не способствует успешной борьбе с преступностью.

Так, 29 марта 2017 года был принят Закон Республики Узбекистан «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с принятием дополнительных мер по обеспечению гарантий надежной защиты прав и свобод граждан», которым и был упразднен институт дополнительного расследования.

Каким образом законодатель решил данную задачу? Проанализируем внесенные в законодательстве новеллы.

Изначально, следует отметить, что законодатель при решении данной задачи принял позицию усиления активности суда в процессе доказывания, и в установлении истины в целом. То есть, главной концепцией реформирования законодательства в этой части стал отказ от доследования путем восполнения недостатков следствия самим же судом, без учета наличия или неимения ходатайства сторон по этому поводу. То есть, тем самым законодатель усилил и без того активную континентальную форму судебной деятельности. Состязательная форма которой присуще пассивная позиция суда в качестве арбитра в уголовном споре теперь отодвинута на второй план.

Однако следует отметить, что основной движущей силой в инициировании упразднения доследования стал интерес законодателя в недопущении любого возврата уголовного дела в производство досудебной стадии, со всеми вытекающими из этого последствиями. Но вместе с тем, законодатель допускает кратковременную передачу дела прокурору для устранения несущественных ошибок следствия.

Так, новая статья 401¹ Передача дела прокурору для устранения недостатков технического характера предварительного следствия, указывает, что при установлении недостатков технического характера, в том числе описок, опечаток и арифметических ошибок, допущенных в ходе дознания или предварительного следствия, судья передает дело прокурору для их устранения. В течение пяти суток после устранения недостатков технического характера и возвращения дела прокурором суд решает вопросы, связанные с назначением уголовного дела к судебному разбирательству по общим правилам, установленным УПК.

Невзирая на то, что позиция прокурора при устранении недочетов следствия очевидна, норма не устанавливает каким образом он устраняет указанные ошибки, оставив это на усмотрение самого прокурора: самостоятельно или путем передачи дела производившему расследование следователю. Но в последнем случае, на наш взгляд, “де факто” наблюдается то же самое дополнительное расследование, только в случае когда дело находится в производстве суда, а не следствия.

Следующая неоднозначная, как нам представляется, новелла - это статья 415¹ «Устранение неполноты предварительного следствия или существенных нарушений норм уголовно-процессуального закона».

Следует отметить, что именно эта новелла и возлагает на суд функцию по собственной инициативе восполнять недостатки следствия в уголовном деле, тем самым судебная позиция трансформируется: из беспристрастного руководителя процесса суд переходит в категорию активных участников установления истины по уголовному делу.

Так, согласно новой статьи 415¹ УПК, неполнота предварительного следствия или существенные нарушения норм уголовно-процессуального закона устраняются судом при рассмотрении уголовного дела. При выявлении оснований для изменения обвинения подсудимому на более тяжкое или существенно отличающегося по фактическим обстоятельствам от первоначального обвинения или оснований для привлечения к участию в деле в качестве обвиняемого другого лица суд устраняет неполноту предварительного след-

ствия или существенные нарушения норм уголовно-процессуального закона в соответствии со статьями 416 и 417 УПК.

Следует оговориться, что «цель установления истины» проходит «красной нитью» по всем реформированным в связи с упразднением дополнительного расследования нормам УПК. Именно целью установления истины и объясняется возложение на суд полномочия по изменению предъявленного предварительным следствием обвинения на существенно отличающиеся или более тяжкое, а также возможность расширить пределы судебного разбирательства.

Так, к примеру, согласно дополненной части первой статьи 414 УПК, теперь разбирательство уголовного дела в суде производится не только в отношении обвиняемых, но и других лиц, не привлеченных в качестве обвиняемых к участию в деле. Следовательно, теперь пределы судебного разбирательства могут и не ограничиваться обвинительным заключением в отношении фигурирующего в деле обвиняемого.

Также откликается с этим, и часть вторая статьи 415 УПК, согласно которой теперь суд вправе изменить или дополнить предъявленное предварительным следствием обвинение в порядке, предусмотренном в статьях 416 и 417 УПК, то есть, в случае выявления оснований для привлечения подсудимого к уголовной ответственности по новому обвинению либо при установлении обстоятельств, указывающих на совершение преступления лицом, не привлеченным к уголовной ответственности.

Таким образом, предлагая новую редакцию части второй статьи 416 УПК, законодатель дополняет ее новыми положениями, устанавливая новую альтернативную доследованию процедуру.

В тех случаях, когда новое обвинение тесно связано с первоначальным обвинением и раздельное их рассмотрение не представляется возможным, порядок выявления оснований для привлечения подсудимого к уголовной ответственности по новому обвинению осуществляется по ходатайству прокурора, поддерживающего государственное обвинение, или потерпевшего, его представителя. В ходатайстве должна быть мотивирована необходимость проведения процессуальных действий, связанных с дополнением обвинения.

По заявленному ходатайству суд выносит определение об удовлетворении ходатайства либо об оставлении его без удовлетворения.

В случае удовлетворения ходатайства суд в определении указывает, какие обстоятельства подлежат выяснению для решения вопроса о дополнении обвинения, и поручает его исполнение прокурору, утвердившему обвинительное заключение, с указанием срока его исполнения

в пределах до одного месяца.

По результатам дополнительных процессуальных действий прокурор, поддерживающий государственное обвинение, представляет суду собранные доказательства, оглашает дополнение к обвинительному заключению и вручает его копию подсудимому и его защитнику.

Суд выясняет мнение сторон по представленным прокурором материалам и выносит определение о приобщении их к уголовному делу.

Суд по ходатайству подсудимого, его защитника обеспечивает их право на ознакомление с представленными прокурором дополнительными доказательствами и дополнением к обвинительному заключению, а также представление на них возражений.

Для обеспечения прав подсудимого и его защитника по вопросу нового обвинения суд объявляет перерыв в судебном заседании до десяти суток.

В случае неисполнения определения суда в установленный срок или отсутствия возможности установления доказательств для изменения или дополнения первоначального обвинения, суд продолжает судебное разбирательство на основе доказательств, имеющихся в уголовном деле.

Оценка и исследование представленных по результатам исполнения определения суда или в ходе судебного разбирательства новых доказательств производится в порядке, установленном частью второй статьи 443 УПК.

На основе собранных дополнительных доказательств и выявленных обстоятельств прокурор в прениях сторон представляет суду формулировку решения, на основе измененного или дополненного обвинения на более тяжкое или существенно отличающегося по фактическим обстоятельствам от первоначального обвинения.

Отрадно, что законодатель, усилив позицию суда по уголовно-процессуальному доказыванию, прерогативу инициирования нового обвинения все-таки закрепил за прокурором. Также суд не связан с ходатайством прокурора об изменении обвинения на более тяжкое или об привлечении к уголовной ответственности новых лиц и несомненно вправе оставить без удовлетворения ходатайство прокурора.

Весьма существенным положительным аспектом является и предоставление перерыва в судебном заседании до десяти суток для обеспечения прав подсудимого и его защитника на формирование позиции защиты ввиду нового или измененного обвинения.

Вопрос о привлечении к делу нового обвиняемого (обвиняемых) решен аналогично статье 416 УПК. Так, в соответствии с новой редакцией статьи 417 УПК, в тех случаях, когда предполагаемое преступление находится в тесной связи с

рассматриваемым делом и раздельное их рассмотрение не представляется возможным, по ходатайству прокурора, поддерживающего государственное обвинение, или потерпевшего, его представителя суд выносит определение о поручении прокурору, утвердившему обвинительное заключение по делу, проведение в срок до одного месяца соответствующих процессуальных действий по выявлению оснований для привлечения к участию в деле в качестве обвиняемого другого лица.

Процедура инициирования ходатайства, представления вновь составленного обвинительного заключения или дополнения к обвинительному заключению идентична процедуре, указанной в статье 416 УПК. Однако далее порядок судебного разбирательства существенно отличается от вышеприведенного.

Так, в случае изменения ранее предъявленно обвинение в связи с привлечением к участию в деле в качестве обвиняемого другого лица суд возобновляет рассмотрение дела по общим условиям судебного разбирательства. В этих случаях срок судебного разбирательства исчисляется с момента возобновления судебного рассмотрения дела по измененному или дополненному обвинению.

При производстве судебного следствия по делу суд, учитывая мнение сторон, разрешает вопрос о необходимости повторного проведения процессуальных действий, проведенных до приостановления производства в суде.

Также аналогично судом обеспечивается право подсудимого, его защитника на ознакомление с представленными прокурором дополнительными доказательствами и дополнением к обвинительному заключению, и на представление на них

возражений.

Далее суд выясняет мнение сторон по представленным прокурором материалам и выносит определение о приобщении их к уголовному делу.

Следующий далее порядок судебного разбирательства идентичен порядку, установленному в статье 416 УПК.

Таким образом, статья 419 Возвращение уголовного дела для производства дополнительного расследования исключена из текста Уголовно-процессуального законодательства Республики Узбекистан. Внедрив новый механизм решения данного вопроса законодатель предпринял попытку полностью отказаться от возвращения дела на дополнительное расследование, хотя некоторые элементы его все-таки присутствуют в Кодексе.

Конечно же этот процесс не лишен недостатков, в новеллах присутствуют некоторые неоднозначные спорные моменты. Однако главную задачу отказа от института дополнительного расследования путем восполнения недостатков следствия в судебном заседании законодатель решил. Теперь суд занимает такую позицию, при которой он не должен быть связан выводами следствия и по своему усмотрению может давать квалификацию по более или менее тяжкой статье, выяснять и исключать из обвинения квалифицирующие признаки, уточнять фактические обстоятельства обвинения, независимо от их существенности для дела.

В заключение следует отметить, что вся концепция нового порядка судебного разбирательства строится на идее, что для суда возможны только два принципиальных решения по делу: обвинительный или оправдательный приговор, *tertium non datur* (третьего не дано).

¹ Мирзиёев Ш.М. Обеспечение верховенства закона и интересов человека гарантия развития страны и благополучия народа. Доклад на торжественном собрании, посвященном 24-й годовщине принятия Конституции Республики Узбекистан // Народное слово. 9 декабря 2016г.

² Указ Президента Республики Узбекистан УП4947 "О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах" // Сборник законодательных актов Республики Узбекистан, 2017 г., №6, 70-ст.

³ Указ Президента Республики Узбекистан от 21 октября 2016 года № УП-4850 «О мерах по дальнейшему реформированию судебно-правовой системы, усилению гарантий надежной защиты прав и свобод граждан // Народное слово. 22.10.2016 г.

⁴ Международный пакт о гражданских и политических правах // Узбекистан и международные договоры по правам человека. Ташкент: Адолат, 1998. 64-с.

Бекзод РАШИДОВ,
ИИВ Академияси кафедра бошлиги, ю.ф.н., доцент

ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ СОҲАСИДАГИ СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ ВА ХУСУСИЙ АЙБЛОВ ИНСТИТУТИНИ КЕНГАЙТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

◆ Мақолада суд-ҳуқуқ ислоҳотлари мазмуни, йўналишлари, ислоҳотларни амалга оширишда юзага келаётган айрим масалалар, муаммолар таҳлили ва уларнинг ечимига оид таклифлар баён қилинган.

◆ В статье излагается сущность и основные направления судебно-правовых реформ, анализ осуществления этих реформ и соответствующие рекомендации по разрешению проблем возникающих при проведении реформ.

◆ The article describes the essence and the basic directions of judicial reforms, analysis of the implementation of these reforms and recommendations to resolve the problems arising from the implementation of reforms.

Таянч сўзлар: жиноят-процессуал ҳуқуқи, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, одил судлов, кафолатлар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари, хусусий айблов.

Ключевые слова: уголовно-процессуальное право, судебно-правовые реформы, правосудие, гарантии, гарантии прав и свобод граждан, частное обвинение.

Key words: criminal procedure law, reforms of judicial law, justice, guarantees, guarantees of rights and freedoms of citizens, private prosecution.

Мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислоҳотлар асосан жазоламай туриб жавобгарлик натижасидан кутиладиган мақсадларга эришиш, жиноят ишларини юритиш ва жавобгарликни белгилашда жазонинг оғирлигига эмас, жавобгарликнинг муқаррарлигини ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлигини таъминлашга, судлар мустақиллигини мустаҳкамлаш ва тарафлар тенглигини таъминлаш орқали одил судловга эришиш, халқаро ҳуқуқнинг умум-этироф этилган айрим нормаларини миллий қонунчиликда акс эттириш каби йўналишларни ўзида мужассам этди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони¹нинг қабул қилиниши ислоҳотларнинг асосий йўналишлари доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни изчил давом эттиришга хизмат қилди.

Ислоҳотлар албатта керак, чунки жамият бир жойда тўхтаб турмайди ва доим тараққий этиб боради. Шу боис тартибни сақлаш ва тараққиётнинг давомийлигини таъминлаш учун суд-ҳуқуқ тизими ҳам замон ўзгаришларига мос равишда такомиллаштириб бориш ҳар доим долзарб бўлиб келган. Бугунга қадар одил судловни таъминлашда адолатга амал қилиш, ўз вақтида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ёки

бузилган ҳуқуқларини тиклаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга йўл қўймаслик, жиноят содир этган шахсларга нисбатан жавобгарлик масаласини ҳал этишда самарадорликни таъминлаш, жиноят натижасида етказилган зарарнинг тўлиқ қопланишига эришиш, жиноятчиликка қарши курашишни амалга оширувчи органлар фаолиятида самарадор иш усулларини жорий этиш кабилар муҳим йўналишлар сифатида суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг мазмунида акс этган эди. Ушбу йўналишларга оид ўзгаришлар ва янгиликлардан кўзланган мақсадга муайян даражада эришилди деб бемалол айтиш мумкин. Аммо бошланган ишлар охиригача амалга оширилди, деб бўлмайди. Шу билан бирга, шиддат билан ўзгараётган замон ва илм-фан тараққиёти, халқ ҳўжалиги ва жаҳон иқтисодиётидаги туб ўзгаришлар, оламшумул кашфиётлар, одамлар турмуш тарзининг ўзгариши, янгича дунёқараш шаклланаётганлиги, тинчлик ва хавфсизликка янгича кўринишдаги ва турли таҳдид манбаларининг пайдо бўлаётганлиги суд-ҳуқуқ тизимида мунтазам равишда ислоҳотлар ўтказиб бориш, жиноятчиликка қарши курашишда янгича ёндашувлар ҳамда одил судловни, жиноятларнинг олдини олиш ва тергов қилиш тезкорлигини ва самарали бўлишини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларининг фаолиятини янгича ташкил этиш зарурлигини кўрсатмоқда. Фаолиятни янгича ташкил этиш нафақат суд-ҳуқуқ тизимида, балки ижтимоий ҳаётнинг барча

соҳаларида ҳам долзарб масалага айланган. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг соҳавий органлар фаолиятини, шунингдек давлатнинг муҳим функцияларини амалга оширувчи тизимларни ислоҳ қилишга қаратилган фармон ва қарорлари қабул қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони² суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларни янги босқичга кўтаришга ва ушбу тизимда туб ўзгаришларни амалга ошириш мақсадида қабул қилинди. Ушбу фармон 8 банддан иборат бўлиб, унинг аввалида замон талабларидан келиб чиққан ҳолда суд-ҳуқуқ ислохотларининг янги йўналишларини белгилаб берувчи ва уни амалга оширишдан кўзланган мақсад келтирилган. Яъни «суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш» фармоннинг мақсади ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришишда давлат сиёсатининг қуйидаги асосий уч йўналиши белгиланган:

суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш;

фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш;

одил судловга эришиш даражасини ошириш.

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш орқалигина фармонда белгиланган мақсадга ижобий тарзда эришиш мумкин бўлади, акс ҳолда қилинган ишлар бесамар кетиши мумкин.

Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлай олсакгина фуқароларимизда эртанги кунига ишончини мустаҳкамлай оламиз, шунингдек жамиятда тартиб ва хавфсизликни ўрната оламиз. Бу орқали эса, барқарорликни таъминлаш мумкин бўлади.

Қайд этилган фармоннинг кейинги банди қўйилган мақсадга эришиш учун бажариш талаб этиладиган вазифаларни акс эттиради, жумладан суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг олдидаги муҳим вазифаларга қуйидагилар киритилган:

суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий нормаларга ва одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига оғишмай амал қилинишини таъминлаш;

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қилиш ҳолатлари юзасидан зудлик билан зарур чоралар кўриш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш, мурожаатларни кўриб чиқишда сансалорлик ва бепарқ муносабатда

бўлиш ҳолатларига йўл қўйганлик учун жиноий жавобгарликкача бўлган чораларнинг қўлланилишини таъминлаш, шунингдек бузилган ҳуқуқларни тиклаш бўйича барча зарур чораларни кўриш;

фаолиятнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва аҳоли билан ҳамкорлик қилишнинг самарали механизмларини кенг қўллаш;

фаолиятни иш якунларининг комплекс таҳлили асосида режалаштириш ва ташкил этиш, бунда эътиборни аввало ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш орқали тизимли қонунбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратиш;

ходимлар ўртасида суиистеъмолчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактика қилиш ва уларга чек қўйиш бўйича идоравий назоратни кучайтириш, одоб-ахлоқ қоидаларига оғишмай риоя этилишини таъминлаш;

юксак ахлоқий-иродавий ва касбий фазилатларга эга, юклатилган вазифалар ва амалга оширилаётган ислохотларнинг самарали бажарилишини таъминлашга қодир бўлган кадрларни шаффоф танлов асосида ишга қабул қилиш тизимини такомиллаштириш;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган илғор илмий-техника воситалари ва ахборот-коммуникация технологияларини, шунингдек ишни ташкил этишнинг замонавий шакл ва усулларини жорий этиш.

Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш бугун долзарб ҳисобланади. Одил судлов орқали жамиятда қонун устуворлиги таъминланади, фуқароларда давлат ҳокимияти органларига бўлган ишонч ортади ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишга мажбур қилади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, қонуний манфаатларига тажовуз қилиш ҳолатларига зудлик билан чора кўрилсагина фуқаролар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларидан рози бўла бошлайди, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари кучли ҳимоя остида эканлигини ҳис этадилар ва хотиржам яшашлари учун зарур шарт-шароитлар яратилади. Мурожаатларга нисбатан ўз вақтида муносиб жавоб бериш демократиянинг яққол намунаси дейиш мумкин. Шу билан бирга, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида юзага келган ёки пайдо бўлаётган жиддий муаммоларга ўз вақтида адолатли ечим топишга мажбур этади, бу орқали мазкур муаммолар ҳал этилмаслиги натижасида юз бериши мумкин бўлган жиддий оқибатларнинг олдини олишга эришилади.

Фаолиятнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш барча соҳаларда қонунийлик ва соғлом рақобат бўлишини рағбатлантиради, фуқаролик

жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва аҳоли билан ҳамкорлик эса фаолиятнинг янада самарали ҳамда унумли бўлишининг гаровидир. Натижада халқаро миқёсда ҳам рақобатбардошликка эришиш мумкин бўлади. Шу билан бирга, фаолиятни тўғри режалаштириш ва ташкил этиш, уни такомиллаштиришда ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг сабаблари, уларнинг юз беришига имкон берадиган шарт-шароитларни бартараф этишга асосий эътиборни қаратишнинг муҳимлиги ҳуқуқни қўллаш амалиётида биринчи галда ҳал этиш зарур бўлган кам вақт, кам куч ва камроқ сарф-харажат талаб этадиган соҳа эканлиги билан боғлиқ. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари ходимларидан метин ирода, хушмуомалалилик ва сабр-бардош талаб этади. Суд-ҳуқуқ тизимида фаолият олиб борувчи ҳар бир ходим ўз хизмат ваколатларини суиистеъмол қилмаслиги, қонунларга риоя қилиш ва хизмат вазифаларини бажаришда бошқаларга ҳар томондан ўрнатқуч бўла олишлари талаб этилади.

Давлат органлари, хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари ходимларининг намунали фаолият олиб бориши уларнинг одоб ва ахлоқ қоидаларига оғишмай амал қилишларига чамбарчас боғлиқ. Давлат органлари тизимида қуйи бўлган ходимларининг намунали фаолият олиб бориши юқори турувчи раҳбарларнинг қўл остидагиларга шахсий ўрнатқуч кўрсата олишлари билан уйғун бўлиб, раҳбарларнинг қонунларга қанчалик амал қилиши кўйида фаолият олиб борувчи ходимларнинг шунчалик қонуний фаолият кўрсатишига ижобий таъсир этади. Шу билан бирга, ходимлар ўртасида суиистеъмолчиликларга йўл қўйилиши, айрим ҳуқуқбузарлик ва интизомсизлик содир этилишининг олдини олишда уларга юклатиладиган вазифалар рационал ва муайян меъёрлар доирасида бўлишига, кўпгина зарур бўлмаган, баъзида ортиқча вазифаларнинг юклатилмаслигига эришиш жуда муҳимдир. Қисқача айтганда, ҳар бир ходим фақат ўз хизмат мажбуриятларига тааллуқли вазифаларни, ўзининг хизмат ҳудуди доирасидагини бажаришини таъминлаш керак. Шунингдек, хизмат вазифасига киради деб бир ходимнинг имкониятлари доирасидан ташқаридаги қўшимча топшириқлар бериш ва вазифалар юклаш бизнингча тўғри эмас.

Бир нафар юқори малакали, юксак билим ва савияга эга кадр ўртача савиядаги бир нечта кадрларнинг ўрнини бемалол боса олади, шунингдек иш фаолиятида ҳам юқори самарадорликка эришади. Бу каби кадрларни жамлаш эса, ишга қабул қилиш тизимини шаффоф, холисона ва адолатли танлов асосида амалга ошириш мумкин. Бугун бу борада қилиниши керак бўлган ишлар талайгина. Кўпгина соҳаларда юқори малакали, тажрибали ва кучли мутахассисларнинг етишмаслиги ҳам бу борада жиддий муаммолар борлигидан далolatдир.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий кадрятдир. Қонуний манфаатларнинг ифода эти-

лиши суд-ҳуқуқ тизимида адолат мезонининг асосини ташкил этади дейилса, муболаға бўлмайди. Шунингдек, бунда тезкорлик ва самарадорликнинг оширилиши янада аҳамиятли. Шу боис, фаолиятда илғор илмий-техника воситалари ва ахборот технологиялари ютуқларидан унумли фойдаланиш, ишни ташкил этишнинг янги ва илмий асосга эга бўлган усул ва воситаларини кенг қўллаш айна муддаодир.

Фармондаги судьяларни лавозимга тайинлаш (сайлаш) тартибини такомиллаштириш борасидаги ўзгаришлар ҳам замон талабларига уйғун равишда қабул қилинди.

Фармонда белгиланган қонунчиликни такомиллаштириш борасидаги ташаббуслар шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, судларнинг мустақиллигини таъминлаш ва ваколатларини кенгайтириш, айрим такрорланувчи ваколатларни бекор қилиш ҳамда судлар фаолиятини моддий-техник ва молиявий жиҳатдан таъминлаш йўналишларига оид бўлса-да, ушбу ташаббуслар натижасида қонунларга киритиладиган ўзгариш ва қўшимчалар мазмуни муайян тортишувларга асос бўлиши мумкин. Жумладан, жиноятни содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга қисқартирилиши; қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашнинг, шунингдек дастлабки терговнинг энг кўп муддати 1 йилдан 7 ойга қисқартирилиши; почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эксгумация қилиш учун санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши; судларга қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад этилганда муқобил эҳтиёт чораларини қўллаш ҳуқуқи берилиши; терговнинг тўлиқ эмаслигини суд муҳокамаси жараёнида тўлдириш механизмларини жорий этиш орқали суд томонидан жиноят ишини қўшимча тергов юритишга қайтариш институти бекор қилиниши; хўжалик судлари тизимида минтақавий апелляция судлари ташкил этилиши кабилар. Ушбу ташаббусларнинг деярли барчаси бугун қонунчиликда ўз аксини топган ва суд-тергов амалиётида қўлланилмоқда. Тергов органлари фаолиятига назар ташланса, ушлаб туриш муддати қисқарганлиги терговчиларнинг масъулиятини яна бир қарра оширди.

Жиноят-процессуал кодексга киритилган почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш учун санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши ҳамда терговнинг тўлиқ эмаслигини суд муҳокамаси жараёнида тўлдириш механизмларини жорий этиш орқали суд томонидан жиноят ишини қўшимча тергов юритишга қайтариш институти бекор қилиниши билан боғлиқ ўзгариш ва қўшимчалар мазмунида ҳам айрим ўзаро номуносив нормалар мавжудлиги, ушбу қоидаларни янада такомиллаштириш зарурлигини тақозо этади.

Дастлабки терговда судларга қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад этилганда муқобил эҳтиёт чораларини қўллаш

ҳуқуқнинг берилишини ижобий таърифлаш мумкин бўлган ҳолат. Лекин муқобил эҳтиёт чорасини қўллаш механизми белгиланмаганлиги суд-тергов амалиётида субъектларда ушбу нормаларни қўллаш билан боғлиқ муаммоли масалалар вужудга келганда анчагина жавобсиз саволлар пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Шунга кўра, судларга қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад этилганда муқобил эҳтиёт чораларини қўллаш тартибига оид батафсил механизмни акс эттирувчи қоидалар жиноят-процессуал қонунчиликка киритилиши талаб этилади.

Фармонда белгиланган талаблар ижросини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар дастури муайян даражада эътиборга муносиб ва унда муайян йўналишларда амалга ошириладиган чоралар аниқ белгиланган.

Юқорида акс этганлар билан бирга, фармонда суд-прокурор ходимларининг малакасини ошириш ва раҳбар кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш вояга етмаганлар билан боғлиқ жиноят, жиноят-процессуал қонунларни либераллаштириш, ярашув институтини ва жабрланувчининг аризаси асосидагина кўзгатиладиган жиноятлар таркибини кенгайтириш, айрим ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят таркибларини жиноятлар тоифасидан чиқариш, маъмурий судларни ташкил қилиш, иш юритишда электрон ва бошқа илғор шаклларни жорий этиш борасида таклифлар тайёрланиши ва киритилиши ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, Адлия вазирликлари ва вазифалар белгилашни келгусида суд-ҳуқуқ тизимида жиддий ўзгаришлар амалга оширилишини тақозо этади. Ушбу ўзгаришлар замон талабларига мос бўлиб, суд-ҳуқуқ тизимининг янада самарали, адолатли ва инсонпарвар бўлишига хизмат қилади.

Фармонда акс этган йўналишлар ва амалга оширилиши белгиланган ўзгаришлар ҳақида кўпгина ижобий фикрларни айтиш мумкин, аммо суд-ҳуқуқ тизимида бугун ўз ечимини қутаётган муаммолар анча-мунча топилади. Қонунларга киритилаётган охириги ўзгартиш ва қўшимчалар мазмунида ҳам номукамалликлар кўзга ташланмоқда. Мазкур номукамалликлар самарали ечимни талаб этмоқда. Муаммо ва камчиликлар суд-ҳуқуқ тизимининг барча соҳаларида кўзга ташланиши мумкин. Албатта, тизимни такомиллаштиришга комплекс ёндашиш мақсадга мувофиқ ва шундай бўлса-да, аввало муаммоларни алоҳида таҳлил қилиш унинг мақбул ечимларини топишда ижобий натижага эришиш имконини беради.

Жиноят-процессуал ҳуқуқдаги долзарб масалалардан бири жиноят процессининг функциялари ва уларни амалга ошириш механизми ҳисобланади. Жумладан, айблов, ҳимоя ва одил судловни амалга ошириш ушбу функцияларни амалга оширувчи жиноят процессининг иштирокчилари ваколатлари доирасига кўра бир-биридан мустақил, ўзаро тенг ва ўз фаолиятида жиноят процесси-

нинг вазифалари тўла ижро этилишига ва якуний мақсад одил судловга, адолатли қарор қабул қилишга йўналтирилган бўлиши даркор. Амалдаги жиноят-процессуал қонунга кўра қайд этилган функциялардан айбловни амалга оширувчи жиноят процессининг иштирокчиларига кенг ваколатлар белгиланган, шу боис, бугунги суд-тергов амалиётида айблов мазмунидаги ҳал қилув қарорларининг салмоғи жуда юқори. Бир қарашда бу тўғри ва ҳаққонийдек кўринади. Аммо ҳолатга чуқурроқ эътибор қаратилса, айрим жиддий масалалар ҳам мавжудлигини англаш мумкин. Оддийгина ҳолат, яшаб турган жамиятимизда, умуман ер юзидаги барча давлатларда ҳар қандай инсон хато қилиши мумкинлиги барчага аён. Амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигимизда эса айбловни амалга оширувчи давлат органларининг хато қилиши умуман кечириб бўлмайдиган ҳолат саналади. Оқибатда эса, хато қилмаслик ёки хатони яшириш янги хатога йўл қўйиш ёки ноқонуний ҳаракатлар қилишга ундаши мумкин. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятида кўрсаткичларга қараб фаолиятга баҳо бериш кўрсаткичларни сунъий шакллантиришга олиб келмоқда.

Чор Россияси ва собиқ Иттифоқ даври қонунлари, жиной-ҳуқуқий сиёсатида репрессивлик устунлиги кўзга ташланади. Жиноят содир этганларни шафқатсизлик билан жазога тортишга асосий урғу берилганлиги сабабидан айбловнинг оммавийлиги, яъни давлат органлари томонидан амалга оширилиши ва бунда ушбу органларга кенг ҳуқуқлар берилганлигини кўриш мумкин. Бундай номуаносиблик одил судловни таъминлаш имконини чеклаши аниқ. Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадида турли ислохотлар амалга оширилаётган экан, аввало мақсадга эришиш имконини берадиган механизмларни жорий этиш, мавжуд қонунларни такомиллаштиришда одил судловни таъминлайдиган принцип ва мезонларни инobatга олиш мақсадга мувофиқ.

Биз тараққиётнинг инқилобий эмас, босқичма-босқич амалга ошадиган йўлини танлаганмиз. Шу боис, янги қонунларни қабул қилишда эски қонунлар асос сифатида олинган.

Жиноят процессида муайян муаммолар мавжуд бўлишига олиб келаётган омиллардан бири деярли барча муносабатларга оид қонун бузилишларида айбловни давлат қўллаб-қувватлаши ҳисобланади. Шу билан бирга, қуйидагилар:

жиноят процессида иш юритиш тартиби ва шаклларининг мураккаблиги, процессуал ҳаракатларни такрорий ўтказиш ҳолатларининг кўплиги;

жиноят-процессуал фаолият давомида процесс иштирокчиларига таъсир қилиш усули сифатида тақиқловчи нормаларнинг устунлиги, рағбатлантирувчи нормаларнинг йўқлиги;

жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти-

ни баҳолашнинг холисона мезонлари йўқлиги, фақат кўрсаткичларга асосланиш ва бир томонлама ёндашиш;

жиноят-процессуал фаолиятда жиноятларнинг олдини олиш ва уларнинг келгусида такроран содир этилишига йўл қўймаслик чораларини кўришга етарлича эътибор берилмаслиги;

айрим процессуал ҳаракатларни ўтказиш, процессуал чораларни қўллаш тартибининг ўта мураккаблиги, масалан, дастлабки терговда айрим процессуал мажбурлов чораларини қўллаш учун суддан санкция олиш тартиби;

жиноят ишини юритишга масъул бўлган субъектларнинг холислигини таъминлаш механизмига амал қилинмаганлиги;

жиноят натижасида етказилган моддий зарарнинг қопланишини таъминлашга хизмат қиладиган процессуал механизмларнинг йўқлиги ёки ишламаслиги;

исботлаш жараёнига қўйиладиган айрим талабларнинг бугунги давр талабларига номувофиқлиги;

Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслардаги айрим қоидаларнинг эскирганлиги боис уларнинг мазмуни янги қабул қилинаётган қонун нормалари билан ўзаро мос келмаслиги, шу сабабли қонунларнинг қўлланилмасдан қолаётганлиги ёки суд-тергов амалиётида нотўғри талқин этилишига ва қўлланилишига олиб келаётганлиги;

жиноят процессида илғор илмий-техника воқиталари, ишни илмий ташкил этиш усул ва шаклларида фойдаланишдаги оқсоқликлар;

жиноят процессида суд назоратини амалга ошириш механизми тўлиқ белгиланмаганлиги суд-ҳуқуқ тизимидаги, хусусан, жиноят процессидаги асосий муаммолардан ҳисобланади.

Суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган сўнги ислохотлардан келиб чиқиб, қонунчиликка киритилган судлар томонидан жиноят ишларини қўшимча тергов юритишга қайтариш тартибининг бекор қилиниши жиноят ишларини юритиш ва ҳал этишда ҳақиқатни ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаш, қонуний, асослантирилган ва адолатли қарор қабул қилиш борасидаги ваколатли мансабдор шахсларнинг масъулиятини оширишга имкон бермоқда. 2017 йилнинг 10 ойи давомида судлар томонидан 191 нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукми чиқа-

рилди, дастлабки тергов органлари томонидан реабилитация ва бошқа асослар бўйича 3 511 та жиноят иши тугатилган³.

Юқорида келтирилган муаммоларга амалий ечим топиш мақсадида 2017 йил 30 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Мазкур фармонда акс этган масалалар алоҳида тадқиқот мавзуси ҳисобланса-да, унда кўтарилган масалалар ҳақида қисқача тўхталиш ўринли. Унга кўра, суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш борасида қуйидаги қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилиши белгиланган:

1. Жиноят ишларини юритишда қонунийликни мустаҳкамлаш;

2. Айблов ва ҳукм қилишда номақбул далиллардан фойдаланишга йўл қўймаслик;

3. Жиноят ишларини тергов қилиш ва судда кўришда ошкоралик ва шаффофликни таъминлаш;

4. Жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоясини кучайтиришга оид кафолатлар белгиланиши;

5. Тергов, суд жараёнлари, ушланган, қамоққа олинган ва озодликдан маҳрум қилинганлар сақланадиган муассасаларда қонунийликка риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш ҳамда суд-тергов фаолиятида инновацион шакл ва услублардан, шунингдек замонавий ахборот-коммуникация технологияларида фойдаланишни кенгайтириш.

Албатта, қайд этилган чора-тадбирлар олдимиздаги мақсадга эришишимизда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, жиноят процессида айбловни амалга ошириш тартибининг соддалаштирилиши, жумладан, хусусий айблов институтининг янада кенгайтирилиши суд-тергов фаолиятининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шу боис, жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштиришда хусусий айблов институтини кенгайтириш, хусусий айбловни амалга ошириш, айбловдан воз кечиш тартиби ва уни расмийлаштириш хусусиятлари қонунчиликда белгиланиши зарур. Хусусий айблов институтининг кенгайтирилиши ва унинг механизми батафсил тартибга солиниши суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари мустаҳкам кафолатланишини таъминлайди.

¹ //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.12.2017 й., 06/17/5268/0341-сон.

² //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 йил, 43-сон, 497-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5268-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 01.12.2017 й., 06/17/5268/0341-сон.



Саломат НИЁЗОВА,
Тошкент давлат юридик университетининг
Хуқуқий тадқиқотлар маркази катта илмий ходими,
ю.ф.н., доцент

ШАХСГА ҚАРШИ ЗЎРЛИК ИШЛАТИБ СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАР ВИКТИМЛИГИНИНГ МАХСУС ОЛДИНИ ОЛИШ

- ◆ Мазкур мақолада шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимлигининг махсус олдини олишга доир масалалар баён этилган.
- ◆ В статье освещены вопросы предупреждения виктимности насильственных преступлений против личности.
- ◆ In the article issues of prevention of victimology of crimes against human and practice of foreign countries are analyzed.

Таянч сўзлар: шахсга қарши, зўрлик ишлатиб, махсус, олдини олиш, виктимлик, жабрланувчи, жиноят, зарурий муҳофаа.
Ключевые слова: против личности, насильственные, специальный, предупреждение, виктимность, потерпевший, преступление, необходимая оборона.

Key words: against human, special, prevention, victimology, victim, crime, needed protection.

Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимлигининг махсус олдини олиш чоралари ҳам ўзига хос хусусият ва аҳамиятга эга бўлиб, виктимологик профилактиканинг бу тури зўрлик билан содир этиладиган жиноятлардан муҳофаани таъминлаш мақсадида фуқароларнинг криминалогик онг ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган тарғибот ва ташвиқот ишларини кўпайтиришни тақозо этади. Бу аввало, ҳар бир потенциал жабрланувчи криминалогик вазиятнинг салбий оқибатларининг олдини олиш учун зарур чораларни кўриш принципага асосланади.

Сўнгги йилларда бу йўналишда муайян ишлар олиб борилди бошланди. Илмий-оммабоп нашрлар ва оммавий ахборот воситаларида у ёки бу фаолият хавфсизлигини таъминлаш бўйича маслаҳатлар берилган материаллар пайдо бўла бошлади.

Телевизор экрани, газеталар ёки радиоэфир орқали берилган ахборотни идрок этиш ва ўзлаштириш осонроқ ва қулайроқ эканлигини ҳисобга олиб, бундай йўсиндаги тавсияларни осонгина эслаб қолиш имконини берадиган тавсиялар ишлаб чиқилди. Бунда одамнинг ҳаёт тарзига хос бўлган турли вазиятлар ва шароитларда унга ҳужум қилишининг эҳтимол тутилган вариантларини таҳлил қилиш учун самарали ва мақбул

бўлган ҳимоя усулларини ишлаб чиқиш таклиф этилади. Айниқса, виктимоген вазиятларда ҳаракат қилиш тажрибасига эга бўлган кишиларнинг маслаҳатлари фойдали ва ишончга сазовор бўлиши лозим. Бунинг учун оммавий ахборот воситалари ёрдамида ихтисослаштирилган конференциялар ўтказиш ёки вақтли матбуот саҳифаларида тажриба алмашиш керак.

Узоқ хориж мамлакатларида аллақачон амалиёт синовидан ўтган бундай чора-тадбирларнинг ижобий самараси шу билан белгиланадики, эҳтимол тутилган виктимоген вазиятда ўз хулқ-атворини олдиндан ишлаб чиқиш жараёнида инсон онгига ҳаракатларнинг муайян алгоритми кириб ўрнашади ва реал ҳаётда бу шахс билан шунга ўхшаш бирон-бир воқеа юз бергудек бўлса, бу тажовузнинг дастлабки шикастли таъсирига нисбатан енгилроқ кечади. Бундан ташқари, эҳтимол тутилган криминал вазиятларга реал баҳо бериш одамларда эҳтиёткорликни кучайтирадики, бу баъзан юқорида кўрсатилган вазиятларнинг юзага келишининг олдини олади.

Аксарият ҳолларда зўрлик ишлатиб содир этиладиган оғир тажовузкор жиноятлар шахслараро зиддиятлар махсули ҳисобланишини эътиборга олиб, уларнинг келиб чиқишига сабаб бўладиган вазиятлар ва уларни четлаб ўтиш имкониятлари ҳақида фуқароларга ахборот бериш фойдали

бўлади деб ўйлаймиз. Бунда зиддиятларга мойил шахсларнинг белгиларига эътиборни қаратиш муҳимдир.

Бу борада ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини кўрадиган бўлсак, шахсларнинг жабрланувчи бўлиб қолишларининг олдини олиш борасида махсус виктимологик журналлар чоп этилиб, радиоэшиттириш, телекўрсатувлар орқали жабрланувчи ва жиноят гувоҳларининг ҳимоя қилингани ва унга доир масалаларни ҳал этишда давлат дастурлари юзага келганини кўришимиз мумкин. Бир қатор шаҳарларда баъзи жиноятлардан (номусга тегиш, зўравонликнинг жабрланувчиси бўлиш ва фирибгарлик) жабрланганларни ҳимоя қилиш ассоциацияси ва виктимологик жамиятлар шаклланди. Масалан, 1979 йилда халқаро конгрессда виктимологларнинг Умумжаҳон Жамияти таъсис этилди. Жамиятнинг вазифаси турли давлат олимларининг жиноятларнинг виктимологик профилактикаси чораларини ишлаб чиқиш фаолиятини умумлаштиришдан иборат бўлиб, бу виктимизацияни таҳлил қилиш ва маълум миқдордаги латент жиноятларни аниқлаш ҳисобига жиноятчилик статистикасини аниқлаштиришга хизмат қилган.

Бунда улар виктимлашув жараёнларини таҳлил қилиб, виктимологик профилактика чораларини ишлаб чиқадилар. Бундай тадқиқотларни амалга ошириш чоғида аҳоли ўртасида сўровлар ўтказиш орқали латент жиноятларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратилади. Мазкур сўровларда шахснинг бирон-бир жиноятдан жабр кўрган-кўрмаганини аниқлаш назарда тутилади. Аниқ жиноятдан жабрланиш эҳтимоли бўлган ва жабрланганлардан мунтазам сўров ўтказиш кўпчилик давлатлар амалиётига кириб борди. АҚШда, масалан, 1972 йилдан буён доимий асосда 132 миллион шахслардан иборат гуруҳларда йилда икки марта сўров ўтказилган¹.

Бунда расмий статистика маълумотлари ва виктимлашув жараёнини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар бир-бирини тўлдирди².

Шуни қайд этиш лозимки, жиноятчиликнинг расмий статистикасидан ташқари, аҳоли ўртасида аноним тарзида ўтказиладиган сўровлар жиноятчиликнинг миқёси, тақсимланиши ва ривожланишини аниқлаш имконини беради; турли жиноятлар бўйича виктимлашув даражасини намоён этиши; жиноятчи билан жабрланувчи ўртасидаги муносабатларни ва уларнинг ижтимоий-демографик белгиларини кўрсатади; виктимлашув амалда етказган зиёнга баҳо бериш; унинг хавфлилик даражасини аниқлаш; айрим жабрланувчилар ўзларига нисбатан содир этилган жиноят ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга арз қилишдан бош тортганининг сабабларини тушунтириш; жиноий адлия органларининг ишига баҳо беришга кўмаклашади. Албатта, бундай ижтимо-

ий тадқиқотларни ўтказиш муайян куч-ғайрат сарфлашни талаб қилади. Лекин уларни ўтказиш натижасида олинган ахборот криминология фани ва жиноятчилик виктимлигига қарши кураш амалиёти учун жуда муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, у ёки бу архитектура қурилмаларининг виктимоген хусусиятларини ҳисобга олишга қаратилган архитектуравий криминологиянинг ривожланиши диққатга сазовордир. Масалан, кўп қаватли турар жой биноларида жиноятлар кам қаватли турар жойларга қараганда етти баравар камроқ рўйхатдан ўтказилади. Қизиғи шундаки, қаватлар сони қанча кўп бўлса, жиноят содир этилиш эҳтимоли шунча катта. Етти қаватдан баландроқ уйларда босқинчилик ва талончилик кам қаватли уйлардагидан тўрт баравар кўпроқ содир этилади. Бундай уйларда барча босқинчилик ҳужумларининг 32 фоизи лифтларда содир этилади³.

Меъморлар турар жойларни лойиҳалашда бу жиҳатларни ҳисобга оладилар. Бунда улар кам қаватли уйларни афзал кўрадилар. Бундан ташқари, турар жой мавзеларини лойиҳалаш чоғида хавфсизлик чораларининг муайян тизимини ҳисобга олиш таклиф қилинади. Бундан кўзланадиган асосий мақсад, ёвуз ниятли кишиларнинг ҳовлилар ва турар жой биноларига кириши учун қийинчиликлар туғдиришдир. Бунинг учун янада мустаҳкам қулфлар ўрнатиш, эшик ва ромларни мустаҳкамлаш, уйларни домофонлар билан жиҳозлаш, ҳовлиларни кузатиш учун кенг имконият яратиш, кузатилмайдиган жойларни истисно этиш, уйларда яшовчиларнинг кучи билан навбатчиликлар ташкил этиш, хавфсизлик чораларини ҳисобга олиб бинолар ва хоналарни қайта режалаштириш, реконструкция қилиш, ёндош ҳудудлардаги вазиятни ўрганиш, ёшлар учун дам олиш жойларини ташкил этиш ва жиҳозлаш, турар жой биноларини техник жиҳозлаш, уларга шартнома асосида бириктирилган махсус ходимлар томонидан хизматлар кўрсатилишини яхшилаш таклиф қилинади.

Бундай хавфсизлик чоралари тизими бир қарашда анча содда бўлиб кўринса-да, лекин бизнинг шароитларда мутлақо ўринлидир. Албатта, уларни амалга ошириш муайян харажатларни талаб этади. Аммо, давлат, маҳаллий ҳокимият органлари, уйларнинг эгалари маблағларни тежашдан кўриладиган бир лаҳзалик фойдани хавфсизлик манфаатларидан устун қўймасликлари керак.

Руҳшунослар қайд этишича, ҳозирги турар жой қурилиши андозалари бир уйда жуда кўп одамларни жамлаб, уларнинг эмоционал тарқоқлигига замин ҳозирлайди ва совуқ муносабатлар ривожланишига имконият яратади. Инсон бундай муҳитда яшар экан, унинг гавжумлигига қарамай ўзини ёлғиз ва ҳимоясиз, демак виктим жиҳатдан

ожиз ҳис қила бошлайди. Бундай ҳолатга қўшниларнинг бирлашуви йўли билан чек қўйиш мумкин. Ушбу бирлашув, биринчидан, виктимологик профилактика вазифаларини ҳал қилиш имконини беради. Чунки, уйни ва унга ёндош ҳудудни навбатма-навбат кузатишни назарда тутаяди, иккинчидан, одамларни яқинлаштиради, уларни умумий манфаатлар асосида мулоқот қилишга мажбур этади. Бу вазифаларни ҳозирги вақтда иш олиб бораётган уй-жой мулкдорлари ширкатлари амалга оширишлари лозимдир. Масалан, ГФРда қўшнилари бундай уюшмалари шу даражада самарали ишлайдики, бегона ҳовлилар ёки уйларга яқинлашишни истамаслик мумкин эмас. Бу ижтимоий руҳий элементга айланган. Чунки, бегона кишининг пайдо бўлиши кузатувчини дарҳол полиция чақиришга ундайди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қай даражада профессионал ва кўп сонли бўлмасин, жиноятчиликка қарши фақат уларнинг кучи билан кураш олиб бориш мумкин эмаслиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Мазкур органлар фаолияти жиноятчиликка таъсир ўтказиш жараёнида жамоатчилик (турли-туман шаклларда) иштирок этган тақдирдагина самарали бўлиши мумкин.

Жиноятчиликка қарши курашишда бир-бирини қўллаб-қувватлаш кишиларнинг бирлашувидан ташқари, амалий виктимологиядан таълим курсларини ташкил қилишда ўз самарасини бериши мумкин. Чет эл тажрибаси бу мавзудаги маърузалар бугунги кунда деярли барча ўқув юртларида ўқитилишидан далолат беради. Ҳатто, мактабгача тарбия муассасаларида ҳам болалар содда, ўзлари тушунишга қодир бўлган даражада турли-туман хавф-хатарлардан қутулиб қолиш ҳақида фойдали ахборотлар оладилар.

Назарий курсдан ташқари, мактаб ўқувчилари ва талабаларда махсус тренинглар ўтказиш: ўзини-ўзи ҳимоя қилиш усуллари ўзлаштириш, турли ҳимоя воситаларини қўллаш усулини маромига етказиш имконияти мавжуд. Жиноятларнинг олдини олишда жамоатчилик иштирокининг зарурлиги ва самарадорлиги ҳақидаги мулоҳазалар бизни бир пайтлар анча кенг тарқалган “кўнгиллиларнинг халқ дружиналари” ҳақида эслашга мажбур қилди. Расмиятчилик, “мажбурийлик”, бюрократик ёндашувлар, ҳеч шубҳасиз, бу ҳаракатни унга юкланган ижобий мазмундан маҳрум этиб, гоёнинг ўзини қадрсизлантиради. Аммо, кўпгина мамлакатлар тажрибасидан кўриш мумкинки, ҳамма учун муҳим бўлган умумий мақсадлар ва вазифаларни аниқ белгилаш ва ҳатто, турли рағбатлантириш чораларидан фойдаланиш бундай жамоатчилик ҳаракатига бутунлай ўзгача тус беради. Масалан, АҚШда ҳуқуқий тартибни қўриқлаш ва жиноятларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятда аҳоли иштирокини рағбатлантириш учун турли-туман усуллар қўлланила-

ди: чиройли бичимли ёки нуфузли андозадаги униформа текинга берилади; мукофот тариқасида ёдгорлик нишонлари топширилади; бепул овқатланиш, хайрия кечалари ташкил этилади; оммавий ахборот воситаларида давлатнинг мансабдор шахслари бундай ташкилотларнинг аъзоларига номма-ном миннатдорчилик эълон қилади ва ҳоказолар⁴. Булар барча кўрсатилган фаолият иштирокчиларига ўзининг муҳимлигини ҳис қилиш ва ўз фаолиятининг зарурлигини тушуниш имконини беради.

Жанубий Африка Республикасида жамоатчилик томонидан ташкил этиладиган патруллаш ишига маълум ҳақ эвазига ишсизлар жалб қилинади. Бир томондан, бу муҳтожларнинг моддий аҳволини маълум даражада яхшилаш ва шу тариқа ижтимоий кескинликни юмшатиш, бошқа томондан эса, улар бундай фаол аксилкриминал ролни бажариши ҳисобига криминоген ижтимоий гуруҳлардан бирини нейтраллаштириш имконини беради. Мазкур ижобий тажриба бошқа мамлакатларда ҳам ўрганилмоқда.

Шуни тан олиш керакки, жиноятчиликнинг олдини олиш соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги дастурлари Ўзбекистонда ҳозирча бу даражада кенг ривожлангани йўқ. Аммо бундай алоқаларни йўлга қўйиш ва жиноятлар виктимлигига қарши курашда бутун жамиятнинг куч-ғайратини бирлаштиришга уринишларни ҳозирги вақтда ҳам кузатиш мумкин. Бунга фуқаролар жиноятларни тўхтатиш ёки фош қилишга кўмаклашувчи маълумотларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга аноним тарзда хабар қилишлари учун ўрнатилган “Ишонч телефонлари”; томошабинларни хавфсизликни таъминлаш усуллари билан таништиришга бағишланган “Суд ҳоқимияти” ёки “Бир жиноят изидан” каби махсус телевизион кўрсатувларнинг тайёрланиши ва намойиш этилиши; виктимоген вазиятларни четлаб ўтиш йўллари ва виктимликнинг олдини олишга доир матбуотда эълон қилинаётган мақолалар; жиноятдан ҳимояланишга бўлган ҳуқуқнинг мазмуни ва уни рўёбга чиқариш йўллари тушунтирувчи илмий-оммабоп рисоаларнинг нашр этилиши ва ҳоказолар мисол бўлиши мумкин. Бизнингча, бундай тадбирларнинг бош мақсади аҳолида жиноятлар виктимлигига қарши курашиш тажрибаси, ўз кучига ва давлат мададига ишонч пайдо бўлишига, бинобарин, жиноятчилик олдидаги қўрқув сезиларли даражада пасайишига эришишдан иборатдир.

Аксарият мамлакатларда вояга етмаганларга ёрдам кўрсатувчи ишонч телефонлари мавжуд бўлиб, улар жабрланганларни фавқулодда ҳолларда қўллаб-қувватлайди ва ёрдам кўрсатувчи хизматлар билан боғлайди, деб таъкидлайди М.Қ.Ўразалиев. Ва у ўз фикрини давом эттириб,

мамлакатимизда ҳам хорижий давлатларнинг вояга етмаганларни қўллаб-қувватлаш, уларга руҳий, ҳуқуқий ёрдам кўрсатувчи хизматлар фаолияти ўрганилиб, ижтимоий хизматлар тизими орқали реабилитация ва профилактика билан шуғулланувчи маҳкамалараро гуруҳлар ташкил этилиши, улар таркибига турли касбдаги мутахассисларнинг киритилиши⁵ни таклиф этади.

Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларда виктимлашувнинг олдини олиш бўйича зарурий чоралар қаторига жамоат жойларида бундай жиноятларни содир этиш имкониятини мумкин қадар қийинлаштирувчи чораларга: жойнинг яхши ёритилишини таъминлаш; ертўлалар, чордоқлар ва бошқа шунга ўхшаш жойларни қулфлаш ва вақти-вақти билан текшириш; девиант хулқ-атворга мойил бўлган шахслар йиғиладиган жойларни аниқлаб, бундай жойларни участка назорати бўлинмалари томонидан назорат қилишни киритиш лозим.

Жиноий тажовуз содир этилиш хавфи туғилган ҳолда назорат ходимларини шошилиш чакориш имкониятлари ҳақида аҳолига ахборот бериш, бизнингча, энг содда, лекин шак-шубҳасиз зарур

ва самарали чоралардан биридир. Бунинг учун профилактика инспекторлари хизмати ўз назорати остидаги ҳудудда яшовчи аҳолига алоқа боғлаш учун телефон рақамларини маълум қилиши лозим (тегишли хабарномалар юбориш ёки шахсан айланиб чиқиш ва танишиш йўли билан).

Хулоса қиладиган бўлсак, бундай чоралар улкан аҳамият касб этиб, аҳолига зўравонлик жиноятларининг содир этилишига имконият яратувчи ҳолатлар ёки вазиятлар ҳақида тегишли органларга ўз вақтида хабар бериш ва шу тариқа уларнинг олдини олишга йўл кўрсатиш имконини беради. Бунда таълим ва тарбия муассасалари ҳам муҳим роль ўйнаши мумкин. Хусусан, улар ўз тарбияланувчиларининг феъл-атвори ва ўзини тутишига қараб, оиладаги беқарорлик аломатларини пайқашга қодирлар. Бундай криминоген оилалар ҳақида ИИБ профилактика органлари ва участка нозирларига ўз вақтида хабар бериш мазкур органлар ва ходимлар бундай хабарлар бўйича дарҳол тегишли чора кўриши натижасида оиладаги зиддиятли муносабатларга (маълум даражада) тузатиш киритиш ва шу тариқа виктимлашувнинг олдини олиш мумкин.



¹ Эрделевский А. О расчетах по аккредитиву // Хозяйство и право. 1997. № 7 .67-с.

² Ушбу иқтибос Л.О.Новоселовнинг “О некоторых вопросах ответственности банков при расчетах аккредитивами” номли мақоласидан олинди // Хозяйство и право. 1995. – № 1. 136-с.

Носиржон АСҚАРОВ,
Давлат бошқаруви академияси тингловчиси,
Боғдод туман прокурори ўринбосари

НОМЛАНМАГАН ШАРТНОМАЛАР: ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

2017 йил давомида мамлакатимизда “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” доирасида тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида улкан ишлар амалга оширилди. Ушбу ўзгаришлар асосан мавжуд қонунчиликни либераллаштириш ҳамда тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларга иқтисодий фаол бўлишлари учун қўшимча имкониятлар яратишдан иборат бўлди. Мисол учун, хорижий валюта конвертациясининг соддалаштирилиши ёки маҳсулотларни экспорт қилишдаги сунъий тўсиқлар олиб ташланиши иқтисодий сектор иштирокчиларига қўшимча имкониятлар яратиб берди. Қўшимча имкониятларнинг яратилиши эса, қўшимча мажбуриятлар ва янги турдаги, олдин қонунчиликда тартибга солинмаган муносабатлар вужудга келишини тақозо этмоқда.

Замонавий фуқаролик ҳуқуқи мажбурият вужудга келишининг ҳеч бўлмаганда тўртта асосини ажратади: биринчидан, мажбуриятнинг энг классиги ҳисобланмиш файриқонуний ҳаракатлар, иккинчидан, чексиз хилма-хилликдаги шартномалар (битимлар), учинчидан, бир тарафлама ҳара-

катлар натижасидаги мажбуриятлар ва тўртинчидан, асоссиз бойлик орттириш. Масалан, файриқонуний ҳаракатлар у ёки бу қоида (қонун, шартнома, одат каби)ни бузаётган шахсларнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлигидан келиб чиқади. Шартноманинг, хусусан, номланмаган шартноманинг пайдо бўлиши асосида нима ётибди?

Ҳуқуқий адабиётларда “шартнома ҳуқуқни қўллаш ҳодисаси”, деган фикрлар учрайди. Шунинг учун қонун шартномага нисбатан манба ва унинг пайдо бўлиши асоси нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши лозим. Масалан, тарафлар шартнома тузаётганда ҳуқуқий қоиданинг “прокруст тўшаги”га ўзларининг талабларига мувофиқ шаклини ўзгартирган ҳолда, шахсий манфаатларини “ётқизишади”, — деб ёзган эди А.Д.Корецкий¹.

Шартнома пайдо бўлишининг ирода (шахсга оид) назариясини ва қонун ўз-ўзидан шартнома яратмаслигини асослаш учун Б.И.Пугинский қуйидагиларни таъкидлайди: “Шартномалар мазмунини тўлдириш тарафларнинг мақбул ҳуқуқ қоидаларини танлаш ҳисобига эмас, балки ўзаро боғланган фаолият ва уларга ўзаро ҳуқуқ ҳамда мажбурият маъносини бериш учун аниқ талаб-

ларни мустақил ишлаб чиқиш натижасида рўй беради. Шартнома асосида бажариш лозим бўлган қонуннинг қондаси эмас, балки келишилган хоҳиш-ирода ётади”. У шунингдек шахсларнинг иродали ҳаракати билан ўзаро ҳуқуқлар пайдо бўлиши ва шу тарзда жисмоний ҳамда юридик шахслар ордидан “қонун чиқарувчи — қонун ижодкори” мақоми тан олиниши ҳақидаги олимларнинг хавотирларини рад этади. Ўз нуқтаи назарини ушбу қондан ҳали рим ҳуқуқи томонидан “шартнома бу икки киши учун қонун” ифодасида исботлаб, яъни шартлашувчи тарафлар бир-бирига нисбатан “қонун чиқарувчи қонун ижодкори” бўлиб бошқа шахслар учун эмас, балки фақатгина ўзлари учун ҳисобланади².

Ушбу муаммо бўйича XIX асрнинг ўзидаяк машҳур рус фуқаролик ҳуқуқи мутахассиси Ю.С.Гамбаров ўз нуқтаи назарини билдириб, шундай деб ёзган эди, модомики “объектив ҳуқуқ кўпинча ва айниқса, мажбуриятни назарда тутувчи муносабатларда, манфаатдор шахсларга битимлар тузишда, уларнинг шаклига нисбатан ҳам, шунингдек, тузиш мазмунига нисбатан ҳам деярли тўлиқ эркинликни тақдим этади ва ўз-ўзидан келиб чиқадики, ўз хоҳиш-истагини ўзи танлаши битимнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Умуман олганда, фақатгина шуни таъкидлаш мумкинки, шахсий хоҳиш-истак ҳуқуқ соҳасида мутлақо эркин ёки мутлақо қонун билан боғланган деб ҳам ҳисоблаш мумкин эмас. Унинг чегаралари ҳуқуқнинг турли соҳаларида турлича белгиланган нисбий эркинликдан фойдаланади. Умумий қоида бўлиб ҳеч бўлмаганда, фуқаролик ҳуқуқида, ҳеч бир қонунчиликда шаклланманган ва кўпинча давлат идоралари ҳуқуқшунослари томонидан танқид қилинадиган, аммо шунга қарамасдан амалда бўлган ва “табиий ҳуқуқ” мактаби томонидан аллақачон ўрнатилган қоида қолмоқда. Унинг мазмунига кўра, барча қонун билан тақиқланмаган нарсаларга ижозат берилади. Эркинлик умумий қоида ҳисобланади, унинг чекловлари эса ҳар бир алоҳида ҳолатда исботланиши лозим; фуқаролик ҳуқуқи соҳасида ўзига хос ирода уни қонун томонидан чеклаш пайтигача эркин ҳисобланади”³.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, шартнома фақатгина ҳуқуқ меъёрларини амалга ошириш усули сифатида кўриб чиқилиши мумкин эмас, аксинча, битим мустақил манба бўлиб ажралиб туришини таъкидлаш зарур. Шартнома шартлари шартлашувчи тарафларнинг ихтиёри билан ишлаб чиқилади, қонун эса ўзининг ўзгармас қоидалари билан хоҳиш-истак эркинлиги ўзгача, тарафлар учун қўтилмаган мазмунга эга бўлмаслиги ва бир вақтнинг ўзида, қонун чиқарувчининг

қоидаларига мувофиқ келадиган тарзда тузатиб, тарафлар учун қандайдир чегарани юзага келтиради.

Назаримизда, ҳуқуқий қоидалар билан тартибга солинадиган шартномалар (аниқ мажбуриятлар назарда тутиляпти) ва номланмаган шартномаларнинг вужудга келиши учун дастлабки шарт ва асос сифатида фақатгина тегишли мажбурият олишга киришаётган шахсларнинг иродасини ҳисоблаш зарур. Бунинг далилларидан бири сифатида қонунга маълум бўлган шартноманинг, қонунчиликнинг ҳуқуқий меъёрларида ўхшаши бўлмаган ҳудди ўша тарафлар билан кўшимча битимлар, иловалар, ажралмас қисмлар ва тузиш воситасида шартнома конструкциясининг ўзгариш “қобилияти” ҳисобланади. Улар билан, ўз навбатида, дастлабки шартнома шартлари бекор қилинади, ўзгартириладики тўлдирилади. Ёхуд аслида дастлабки шартномани ўзгартирмай, унинг иловалари (кўшимчалари) “номланмаган” аломатларига эга бўлиши мумкин. Бундай кўриниш қачон юзага келади, масалан, қачонки асосий шартномада тарафлар (тараф) учун, асосий шартномани бажариш мақсадида унинг ажралмас қисми ҳисобланган ва номланмаган аралаш шартнома деб топишга имкон берадиган кўшимча битим тузиш мажбурияти ўрнатилса. Асосий шартномани номсизга такомиллаштириш ёхуд кўшимча, қонунда номланмаган битимларни тузиш фуқаролик муносабатлари субъектларининг тадбиркорлик ёки бошқа иқтисодий фаолиятида анча кенг тарқалган ва бу мамлакатимиз фуқаролик судлари амалиёти билан тасдиқланади. Шу тарзда, айнан шартлашувчи тарафнинг айрим мақсадларга эришиш истаги уларга шартнома конструкцияларини мураккаблаштириш ёхуд ҳатто турини қайта кўриб чиқиш имконини беради.

Агар шартнома ҳақида аниқ мажбурият сифатида гапирилса, унда унинг манбаи деб, ҳуқуқий механизм йўли билан, яъни ушбу ҳолатда шартнома воситасида натижага эришишдаги айнан тарафларнинг истагини тушуниш лозим. Ўз-ўзидан, истак йўқ нарсадан пайдо бўлмайди. Истак, интилиш бўла туриб, масалан, ақл-идрокдан, яъни мантикий операциялар ва тафаккур усуллари мажмуидан пайдо бўлган, у тафаккур натижаси сифатида бизга айрим билимларни беради. Хоҳиш-истак ҳаракатининг бошланғич бўғини сифатида мақсад кўйиш ва уни англаш, кейинчалик ҳаракат қилиш ҳақида қарор қабул қилиш, ҳаракатни амалга оширишнинг энг қулай мақсадга мувофиқ усулларини танлаш ҳисобланади.

Ҳали ҳаётда объектлаштирилмаган шартнома (битим) моҳиятан тарафлар хоҳиш-истагининг тар-

кибий қисми ҳисобланади. У қўйилган ва англаб етилган ҳуқуқий мақсадни амалга ошириш учун танлаб олинган ҳаракатни амалга ошириш усули ҳамдир. Айнан хоҳиш тарафларнинг ҳуқуқий муносабатларга киришиш истаги, шартлашувчи тарафларнинг маълум бир шаклга келтирилган ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) алгоритмини келтириб чиқаради.

Тарафларнинг хоҳиш-истаги тўлалигича ҳуқуқий қучга эга бўлиши учун шартноманинг пайдо бўлиши ва унинг қонун мезони орқали ўтиши лозим. Номланган шартномалар учун бундай мезон бўлиб у ёки бу шартномани тартибга келтирувчи аниқ қоидалар ҳисобланади. Модомики, фуқаролик муносабатларини тартибга солувчи фуқаролик қонунлари ва бошқа ҳуқуқий меъёрлар, ўрнатилган қоидалар ва фуқаролик қонунчилиги барча талаблари қонун чиқарувчи томонидан ҳисобга олинган ҳолда қайта ишлаб чиқилганлиги тахмин қилинар экан, унда тарафларнинг қонун билан тартибга солинган хоҳиш-истагига зарур ва етарли талаб деб фақатгина қонуннинг императив қоидаларига ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиш, шунингдек, тарафлар тартибга солмаган саволлар бўйича диспозитив қоидалар деб айтиш мумкин.

Номланмаган шартномаларни қандайдир ҳуқуқий тартибга солишнинг мавжуд эмаслиги сабабли, уларнинг ҳуқуқий тан олиниши уларни қонунга мувофиқ келишининг янада мураккаб тартибига тобе қилиб қўяди.

Модомики, тарафларнинг хоҳиш-истаги мақсад ва унга эришиш йўлидаги ҳаракат алгоритмини белгилаб берар экан, шартлашувчи тарафлар ўз муносабатлари ҳуқуқий регламент формуласи лойиҳасини ниманинг асосида тузишини аниқлаш лозим. Шубҳасиз, номланмаган шартномаларни яратиш манбаи сифатида у ёки бу шартнома мустақамланган исталган ҳуқуқий ҳужжатлар бўлиши мумкин. Номланмаган шартномалар учун белгиловчи, айтишлик, намунавий асос (аммо манба эмас) бўлиб нима ҳисобланади?

Қонунчиликнинг кўп асрлик тарихи фуқаролик ҳуқуқий шартномаларнинг маълум бир тўпламини тузди, бу билан, зарур моделни тақдим этиб, мажбурият муносабатларига киришни истаган тарафларнинг меҳнат фаолиятини қулай қилди. Акс ҳолда, қонунлар тўпламининг мавжуд эмаслиги “алоҳида шартнома шартларининг таркиби ва мазмунини келишиш учун жуда кўп вақтни сарфлашга, шартнома муносабатларини расмийлаштиришнинг узокқа чўзилишига сабаб бўларди”. Бундан ташқари, “шартнома камчиликлардан холи деган ҳеч қандай ишонч бўлмасди, на шартлашувчи томонларга — қабул қилинган маж-

буриятларни бажариш жараёнида, на судга тарафлар ўртасида пайдо бўлган баҳсни ҳал қилишда уларни тўлдириш осон кечмасди”⁴.

Тахмин қилиш мумкинки, номланмаган шартнома ёхуд мавжуд бўлган тажриба, одат (тадбиркорлик муносабатлари қоидалари) асосида пайдо бўлади ёхуд хоҳиш-иродани амалга ошириш учун қонунда назарда тутилмаган энг мақбул ҳуқуқий модель сифатида муомалага киритилади.

Ҳуқуқий одат шартнома муносабатларида, қолаверса, худди қонунда назарда тутилмаган, аммо кенг ва ўзгармас, доимо бир хил қўлланиладиган тадбиркорлик муносабатлари қоидалари сингари мазмуни билан ўз функцияларини очади. Бу эса, шартнома предмети ва унинг муҳим шартлари қисмида уларнинг номланмаган шартномалар учун намуна бўла олишга шубҳа туғдиради. Ҳуқуқий одат ва тадбиркорлик муносабатлари қоидаларининг функцияси кўп ҳолларда мажбуриятларнинг тегишли тарзда бажарилишини қўшимча равишда тартибга солишдан иборат.

Шартномаларни бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш тартибини тадбиркорлик муносабатлари одатлари томонидан тартибга солишнинг умумий тенденциядан истисно сифатида тадбиркорлик муносабатлари тажрибасининг қонунда назарда тутилмаган муносабатлар учун ҳуқуқий шакл қолип бўлишга қодирлигини таъкидлаш жоиз. ФК биринчи ва иккинчи қисмларида мустақамланган тадбиркорлик муносабатлари тажрибасига тўғридан-тўғри йигирма саккизта ҳаволадан, тадбиркорликнинг аниқ бир йўналишида юзага келган ва кенг қўлланилаётган қонунда назарда тутилмаган муносабат қоидаларидан (тадбиркорлик муносабатлари тажрибаси) фойдаланишга имкон берадиган фақатгина иккита меъёр мавжуд. Шу билан бирга, иккита меъёр ҳам банк амалиётида юзага келган тадбиркорлик муносабатлари тажрибасига ҳавола қилади (ФК 771-моддаси “Банк ҳисобварағи шартномаси”).

Мазкур нормага мувофиқ, бир тараф банк ёки бошқа кредит муассасаси иккинчи тарафнинг мижознинг (ҳисобварақ эгасининг) ҳисобварағига тушаётган пул маблағларини қабул қилиш ва киритиб қўйиш, мижознинг ҳисобварақдан тегишли суммаларини ўтказиш ва тўлаш ҳамда ҳисобварақ бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш ҳақидаги фармойишларини бажариш мажбуриятини олади. Қоидага кўра, банк амалиётларни ўтказишга мажбур, қачонки ушбу турдаги ҳисоб-китоб учун қонун билан назарда тутилган ва унга мувофиқ банк қоидалари билан ўрнатил-

ган ва банк амалиётида қўлланилаётган тадбиркорлик муносабатлари тажрибасига кўра ўтказилса, агар банк ҳисоб-китоб шартномаси билан бошқа тартиб назарда тутилмаган бўлса. Умумий ҳуқуқий тартибдаги ҳисоблар учун амалиётлар доираси қонун билан фақатгина таҳминан белгиланган, тарафлар аниқ ҳисоб учун тақлиф этилган амалиётлар рўйхатини танлаб олишлари мумкин. Шундай амалиётларнинг вариантларидан бири сифатида, айнан банк амалиётида тадбиркорлик муносабатлари тажрибаси қўлланилиши, мумкиндир. Бундай ҳолатда ушбу шартномани илгари кўрсатилган таснифлаш бўйича турга киритиб, ҳисоб-касса хизматининг номланмаган шартномаси тўғрисида гапириш мумкин (тип деб хизмат кўрсатиш шартномасини, хил деб банк ҳисоби шартномасини, тур деб мавзуси қонунчилик билан назарда тутилмаган, ҳисоб бўйича амалиётларни ўз ичига олган банк ҳисобининг номланмаган шартномасини аташ лозим).

Тадбиркорлик муомаласи қоидаларининг ҳуқуқий аҳамияти аниқ ҳуқуқий муносабатда тарафларнинг хоҳиш-истагини мазмунан тўлдиришдан иборат. Тадбиркорлик муносабатлари ҳуқуқий восита ролини ўйнаши мумкин, шартномадаги камчиликлар эса уни изоҳлаш йўли билан тўлдирилади. Таъкидлаш жоизки, ФКнинг 363-моддага кўра, шартномаларни шарҳлашда қўлланиладиган манбалардан бири “тарафларнинг ўзаро муносабатларида ўрнатилган амалиёт” ҳисобланади. Ҳуқуқий тажриба, тадбиркорлик муносабатлари тажрибаси ва тадбиркорлик муомала қоидалари фақатгина турли тартиб билан фарқландиган, у ёки бу муомала қоидаларини шакллантириш учун ҳаёт, амалиёт билан пайдо бўлган намуналар, янги шартномаларни пайдо қилиш масаласида кўрсатилган ҳуқуқий ҳодисалар турлича нисбатга эга.

Қонундаги тажрибага қилинган ҳеч бир ҳавола тажрибанинг янги номланмаган шартнома учун формула бўлишга қодирлиги тўғрисида ҳулоса чиқаришга имкон бермайди. Тарафлар шартномада ундан фойдаланиш хоҳиш-истагини очиқдан-очиқ намоён этганда иштирок этувчи “Инкотермс қоидалари” (шартнома атамалари изоҳининг машҳур қоидалари) шартнома камчиликларини тўлдирувчи восита ролини ўйнайди. Шунга қарамаздан, қандайдир янги ҳуқуқ пайдо қилувчи шартларни маълум шартнома матнига қўшиш йўли билан шартномани янги шартнома таснифи даражасига қўшиш имконини берадиган, номланмаган шартномаларни ҳосил қилишга қодир эмас. Ҳуқуқий муносабатлардан ва тадбиркорлик муомала қоидаларидан фарқли ўларок, ФКнинг ол-

динги моддаларида акс эттирилган, яъни ҳеч бўлмаганда, банк амалиётининг иккита ҳолатида тарафлар тадбиркорлик муносабатлари тажрибаси асосида қулай шартнома шартларини шакллантиришга ҳақли эканлигини қонун яққол намоён этади. Улар ўз моҳияти бўйича қонунда ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда ноъмалум бўлган тарафлар битимини, яъни номланмаган шартномани янгилайди, ҳосил қилади. Шунингдек, шартноманинг намунавий шартлари асосида юзага келган янги шартнома ҳосиласи тўғрисида гапиришга нечоғлиқ имкон бўлса, ФКнинг 366-моддаси ўзига шу даражада эътиборни тортади (“Шартноманинг шакли”). Бир қарашда ФКнинг ушбу нормаси шартномаларнинг аниқ шаклини белгилаб бергандек кўринади. Бироқ, модданинг биринчи қисмида “Агар қонунда муайян турдаги шартномалар учун маълум бир шакл белгилаб қўйилган бўлмаса, шартнома битимлар тузиш учун назарда тутилган ҳар қандай шаклда тузилиши мумкин” деб белгиланган норма мазкур моддага ўзгача назар солишга мажбур қилади.

Шу тарзда “намунавий шартномалар” кўринишидаги типиклаштирилган шартнома шакллари, номланмаган шартномаларни тузишда андоза бўлиб хизмат қилиши мумкин. Мустаҳкамлаш манбаси ёки типик номланмаган шартномалар прототиби сифатида шартлашувчи тарафларнинг ўзаро муносабатларининг у ёки бу соҳасида юзага келган амалиёт ҳам ҳисобланади ва шунингдек, матбуотда эълон қилинган, сунъий тарзда ҳосил қилинган, ўйлаб топилган шартнома муносабатларини куриш модели ҳамдир.

Айрим ҳолларда изоҳлаш янги муомала тартибини юзага келтириши мумкин, деган фикр мавжуд. Аммо тахминимизча, изоҳлаш қандайдир янги нарсани пайдо қилмайди, балки мавжуд ҳолатни тушунтиради.

Постулатини “шартноманинг манбаси қонун ҳисобланади” деган сўз билан ифодалаш лозим бўлган шартномалар пайдо бўлишининг ижобий назариясидан фойдаланиш бизни ноанъанавий шартнома моделлари моҳиятини фуқаролик қонунчилиги меъёрлари юзага келтиради деган фикрга олиб келади. Улар, биринчидан, қонун билан назарда тутилмаган шартномалар шахслар томонидан тузилишига имкон беради (ФК 353-м.), иккинчидан, фуқаролик ҳуқуқининг асосий қонунларини (тамойилларини) белгилайди, улар исталган фуқаролик ҳуқуқий, шу жумладан шартнома муносабатлари учун ҳам қонунийликнинг тартибга солувчи омили ҳисобланади. Бундан ташқари, номсиз контрактларнинг “қонуний” манбаси деб “позитивчилар” ФК ва бошқа қонунларнинг номланмаган аралаш контрактларнинг

алоҳида таркибий қисмларини тартибга солувчи меъёрларни, шунингдек, маъно ва мазмуни меъёр билан очиб берилмайдиган маълум бир турдаги шартномани тузиш имкониятига қаратилган меъёрларни айтган бўлар эдилар⁵.

Аммо, шартноманинг энг асоси деб қонун эмас, тарафларнинг хоҳиш-истаги деб айтишимизни ҳисобга олган ҳолда, олдинги хатбошида баён этилган, шартнома пайдо бўлишининг хоҳиш-истак назариясига қарши бўлганларнинг тахминий далилларини эркин хоҳиш-иродага асосланган шартнома алоқалари моҳиятига қарши деб ҳисоблаш лозим.

Тадбиркорлик муносабатлари тажрибаси, “намунавий шартномалар”, ҳуқуқий амалиёт (тадбиркорлик аломатига эга бўлмаган) ўртасидаги ўзаро нисбат шартномалар шаклланиши масаласида бирламчи бўлиши учун шартномани “сунъий” юзага келтириш тадбиркорлик муносабатлари тажрибасини, намунавий шартларни, ҳуқуқий амалиётни, уларнинг ёрдамчи вазифасини ҳисобга олган ҳолда, иккинчи даражага туширишга имкон беради: улар эҳтимолдаги шартлашувчи тарафларга у ёки бу ҳуқуқий муносабатлар қуриш усули (уларнинг мазмуний томони) бундан аввал аниқ ҳолатларда амалий татбиққа эга бўлганлигини, ҳуқуқий формула шунга ўхшаш ҳолатларда фойдаланиб бўлинганлигини эслатади. Шу маънода, кўрсатилган хоҳиш-истакни амалга ошириш усуллари қонун сингари (аммо ўзгармаслик аломатларисиз), қай тарзда маълум бир натижага эришиш намуналарини намоеън этади, масалан, мулкдор ёки хизматдан фойдаланувчи бўлишми, яъни муомала алгоритминини танлашда у ёки бу даражада маълум бўлган ва хоҳиш-истак белгиланган мақсадга эришиш усулига тарафлар таянишига ёрдам беради. Аммо шунга ўхшаш расмиятчилик, уларнинг нисбатан ёшлиги ёки кенг тарқалмаган машҳурлиги ва кам миқдорда қўлланилиши сабабли умуммажбурийлик даражасига етишмади. Бу уларни янги шартнома конструкцияларини топиш, тарқатиш ва қонун тусини беришдаги катта аҳамиятидан маҳрум этмайди. Мос келадиган шартнома расмиятчилигини сунъий ёки ҳиссиётга асосланиб қидириш шартноманинг юзага келиши манбаси, қидирув натижаси эса олдин номаълум бўлган шартнома ҳуқуқий муносабатларига шахснинг киришиш истаги бўлиши мумкин. Бироқ, номланмаган шартноманинг пайдо бўлиши аниқ мажбурият (мажбуриятлар гуруҳи) ва шартнома модели сифатида шартнома тушунчасини фарқлашни ҳисобга олмасдан ҳал этилиши мумкин эмас.

Тахмин қилинадикки, одамлар ўзаро муносабатларда амал қиладиган қоида ёки меъёрлар

маълум, ҳақиқатда мавжуд булган муносабатлардан юзага келади. Моҳиятан бўнинг акси, яъни одамларнинг биргаликдаги ҳаёти маҳсулларидан ташқарида уларнинг пайдо бўлиши мумкин эмас.

Д.Гримм қайд этган эди, яъни “биз бир-биримиз ва бизни ўраб турган ташқи дунё предметлари билан бирга яшаш муносабатларининг кўпчилиги ва ноъмалум муомалада намоеън бўладиган манфаатдор шахсларнинг маълум фаолияти бизнинг эҳтиёжларимиз бирхиллигининг кўплиги ёки камлиги ва уларни қондириш воситалари таъсирида — оммавий, такрорий хусусиятга эга бўлади. Бирхиллик ҳолатларига нисбатан қўллаш шурдан маълум муомала доимийлиги, маълум доимий *modus vivendi* келиб чиқади. У маълум қоидаларга, маълум меъёрларга эркин, онгли ёки эркин бўлмаган, ғайриихтиёрий равишда риоя этишга олиб келиши мумкин”. У давом этиб шундай дейди: “... кўпчилик бирга яшаш аниқ муносабатлари, маълум бир доимий комбинацияларни ҳосил қилиб, олдин ёки кейин оммавий хусусиятни олади ва вақти-вақти билан такрорланади... Онгли равишда ёки ғайриихтиёрий равишда кўпчилик манфаатдор шахслар томонидан лозим бўлган ҳолатларда риоя этиладиган қоидалар ва меъёрларнинг маълум бир тизими пайдо бўлади”. “Ҳуқуқий институтлар ва аниқ муносабатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тугамайди: агар аниқ муносабатлар тегишли институтларни ифодалашга сабаб бўлса, ҳуқуқий институтлар эса, бир марта юзага келиб, ўз навбатида, алоҳида, доимий такроран пайдо бўлувчи аниқ муносабатларни таснифлаш учун омил бўлиб, хусусан, ушбу аниқ субъектларнинг маълум бир муомаласида, ушбу аниқ объектларга нисбатан маълум бир уларнинг таъсирида ифодаланган у ёки бу амалий натижага олиб келган (масалан, аниқ шартнома тузишга), ушбу муносабат қандай меъёрда ҳуқуқий жиҳатдан тўғри, қонунга мувофиқ бўлади ёки аксинча, ноқонуний, қонунни ёки бошқа тан олинган ҳуқуқий меъёрни бузувчи деган саволни ҳал этиш учун хизмат қилади”⁶.

Бошқача айтганда, у ёки бу ҳуқуқий муносабатлар, вақти-вақти билан такрорланиб, аниқ ҳуқуқий институтга айланади, яъни қўллаш учун мажбурий бўлган ҳуқуқий меъёрлар мажмуи, қоида бўлиб, у ўз навбатида, шартлашувчи тарафларнинг ҳуқуқий муносабатларига таъсир этиб, уларнинг муомаласида чегаралар ўрнатади. Бизни қизиқтирган муаммога нисбатан қўллашдан олдин, ҳуқуқий муносабатларнинг ва ҳуқуқий меъёрнинг бундайин яққол яқинлашишидан узоқроқ бўлишимиз ва шартнома ҳуқуқий модель ва шартнома ҳаётда ўз ўрнига эга мажбурият (уларнинг гуруҳи) — тушунчасини ажратиш зарур, мо-

домики шартноманинг пайдо бўлиш саволи ушбу тоифа учун бир хил бўлмаган хулоса келтириб чиқарар экан.

Аниқлаганимиздек, “шартнома мажбурияти”-нинг туғилишини хоҳиш-истак юзага келтирган. Шахснинг у ёки бу ҳуқуқий усул ёрдамида маълум бир мақсадга эришиш хоҳиш-истаги билан ҳуқуқий ҳужжатларга маълум ёки ноъмалум бўлган исталган шартнома моделини ажратиш мумкин. Аммо номланмаган “шартнома-мажбуриятлар” пайдо бўлиши масаласида ёки хоҳиш-ирода, ёхуд мутлақ “позитивчилар” тарафдорлари нуқтаи назарини эгаллаган зид қарашлар юзага келиши тенденцияси пайдо бўлиши мумкин. Модомики, анъанавий, номланган шартномалар пайдо бўлиш асосларидан фарқли равишда, номланмаган контрактлар пайдо бўлишининг алоҳида, ўзига хос асосларини ажратиш имкони йўқлиги туфайли номланмаган шартномалар пайдо бўлиши назарияси (аниқ ҳуқуқий муносабатлар маъносида) ўз-ўзидан бўлиши мумкин эмас.

Шартнома учун манба бўлиб, уни қонунчилик институти тушунчасида (яъни доимо номланган шартнома) шубҳасиз, қонун ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Номланмаган шартнома, масалан, қонунчиликда ўз ўрнига эга бўлмаган, аммо тўпламларда мавжуд бўлган ёки умуммаълум бўлган шартнома учун манба сифатида тажрибани айтиш лозим. Бироқ, қонун чиқарувчи ўз тушунчасини сингдирган маънода эмас, балки амалда қўллаш тажрибаси сифатида. Шу тарзда номланмаган шартнома намунасининг манбаи деб тадбиркорлик муносабатлари тажрибаси билан бирга тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий фаолиятни мустасно этувчи соҳада шахслар ўртасида юзага келувчи тажрибани ҳам тушуниш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг ўтган чорак аср вақт давомида фуқаролик ҳуқуқининг шартномавий муносабатларни тартибга солувчи қисми муайян тизим бўйича ривожланган бўлса, сўнгги 2017 йил давомида эса, ушбу тизим тубдан ўзгариши ва тезлашиши натижасида янги муносабатлар, имкониятлар ва ўз-ўзидан бир қатор мажбуриятларни вужудга келтирди. Ушбу ҳолатда қонунчиликка маълум бўлмаган, муқаддам тартибга солинмаган шартномаларни ўрганиш ва уларнинг ҳуқуқий таснифини аниқлаш долзарб бўлган масалалардан бирига айланади.



- ¹ Корецкий А.Д. Теоретико-правовые основы учения о договоре. СПб., 2001. 17-с.
- ² Пугинский Б.И. Гражданское право // Вестник Московского университета. 2012. №4. 26-с.
- ³ Гамбаров Ю.Б. Гражданское право. Общая часть. М., 2003. С. 688-689.
- ⁴ Витрянский В.В. Договорное право: Общие положения. М., Статут, 1997. 323-с.
- ⁵ **Аль Шабути Новаль Саив Мухаммед.** Свобода договора по гражданскому законодательству Йеменской Республики: Дисс. ...канд. юрид. наук. М., 2002.
- ⁶ Гримм Д. Соотношение между юридическими институтами и конкретными отношениями. Сборник статей по гражданскому и торговому праву. Памяти профессора Габриэля Феликсовича Шершеневича. М., Статут, 2005. С.304-311.

Бобомурод ЯРАШЕВ,
Тошкент Ҳарбий-техник институти ўқитувчиси

ЯРАШУВ ИНСТИТУТИНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ТУТГАН ЎРНИ

- ◆ Мақолада ярашув институти ва бу институтнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги асосий йўналишлари кўриб чиқилган. Шунингдек, сўнги йилларда қонунчилигимизда жиноий жавобгарликнинг либераллашуви босқичларидан бири сифатида ярашув институтига ҳуқуқий баҳо берилди.
- ◆ В статье рассмотрены основные направления института примирения в сфере защиты прав человека а также дана правовая оценка институту примирения, как важному этапу либерализации в уголовном законодательстве страны.
- ◆ In the article, the basic principles of reconciliation institute and human rights protection of this institute are discussed. Moreover, in recent years, our legislation has offered legal evaluation for the reconciliation institution as one of the stages of the criminal justice liberalization.

Таянч сўзлар: ярашув институти, ҳуқуқ, суд, жазо, жавобгарлик, либераллаштириш, озодликдан маҳрум қилиш.

Ключевые слова: Институт примирения, право, суд, наказание, ответственность, либерализация, лишение свободы.

Key words: The institute of reconciliation, law, jurisdiction, punishment, liability, liberalization, deprivation of liberty.

Мамлакатимизда кейинги йилларда қабул қилинаётган қонунлар ва қонуности ҳужжатлари турли ижтимоий муносабатларни тартибга солиш билан бирга маълум бир ҳуқуқларни ҳимоя қилиш борасида тегишли процессуал мажбурлов чораларини ҳам белгилайди. Бугунги кунда ана шу қонунларимизнинг “ишлаши”ни таъминлаш ва ҳаётга татбиқ этилиши муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Республикаимизнинг Биринчи Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, “...ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам, ҳимояси ҳам, кўзи ҳам, сўзи ҳам қонундир”¹.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён суд-ҳуқуқ соҳасида жуда кўплаб ўзгаришлар амалга оширилди. Биринчи Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида жазо тизимини либераллаштириш бўйича амалга оширилган ҳуқуқий ислохотларга асосланган комплекс чоратадбирларнинг амалга оширилганлиги нақадар тўғри бўлганлигини бугунги ривожланиш даври ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Ўтган давр мобайнида судлар ихтисослаштирилди, кассация институти ислоҳ этилди, қамоққа олишга, лавозимдан четлатиш ва тиббий муасасага жойлаштиришга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди, ишларни қайта кўриб чиқишнинг апелляция тартиби, шунингдек ярашув инс-

титути жорий этилди, ўлим жазоси жиноий жазо тизимидан чиқариб ташланди, суднинг барча босқичларида томонлар тенглиги таъминланди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб мустаҳкамланганлик асосида кенг қамровли суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар фуқароларнинг эркинликларини ҳимоя қилиш имкониятларини жамиятда юқори босқичга кўтарди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 29 августда бўлиб ўтган иккинчи чақирқ 6-сессиясида Биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг ташабуси билан “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун қабул қилиниб, янги ҳуқуқий институт “жабрланувчи билан ярашув” тўғрисидаги алоҳида иш юритиш тартиби жорий этилди. Бу ўз навбатида, жиноий жазоларни либераллаштириш ва суд-ҳуқуқ тизимини ҳамда жиноят-процессуал қонунчилигини янада такомиллаштириш сари қўйилган муҳим ва жиддий қадам бўлди. Ярашув институтининг моҳияти шундаки, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятни содир этган шахс, агар муқаддам судланмаган бўлса, ўз айбига тўла иқроор бўлса, жиноят оқибатида

етказилган зарарни қопласа ва жабрланувчи билан ярашса, жиноят иши томонларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилади. Бу ҳолда жиноят содир этган шахс судланган деб ҳисобланмайди. Муҳими, дастлабки тергов ишларини олиб бориш ва судда кўриш муддатлари қисқаради².

Шу нуқтаи назардан *ярашув* шахсларнинг жамиятда тугган ўрнини сақлаб қолиш, оиласидаги муҳитга салбий таъсир кўрсатмаслик, яъни инсонларни, фарзандини маънавиятида ижобий ҳисни уйғотиш, эркин ва фаровон ҳаёт нақадар олий қадрият эканлигини тушуниш, пушаймонликни ҳис этиш, томонлар ўртасидаги кечиримлилик, бағрикенглик, ишонч, тотувлик, адолатпарварлик ва қонунга ҳурмат руҳини таъминлаб, жамиятдан, оиладан ажралмаган ҳолда тузалишга, ахлоқан поклянишга имкон беради.

Ярашув институти Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддаси ва Жиноят-процессуал кодексининг 582-586-моддаларини ўз ичига олувчи 62-бобда ўз ифодасини топган. Мазкур институт суд-ҳуқуқ ислоҳотининг энг муҳим йўналишлари инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этиш механизмининг такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган. Бизга маълумки, ярашув институтининг самардорлиги бугунги кунда тобора кенгайиб бормоқда. Бинобарин, ҳозирги кунда Жиноят кодексининг 61 та жиноят таркиби бўйича 45 та моддасида ярашув институтини қўллаш имконияти назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 582-моддасига биноан ярашилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишларни киритиш мумкин.

Ярашув тўғрисидаги ариза жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёхуд унинг қонуний вакили томонидан *суриштирув* ва *дастлабки терговнинг*, шунингдек *суд муҳокамасининг исталган босқичида*, аммо суд маслаҳатхонага киришидан олдин берилиши мумкин.

Аризада етказилган зиён бартараф этилгани, шунингдек ярашилганлиги муносабати билан жиноят иши бўйича иш юритилишини тугатиш тўғрисидаги илтимос кўрсатилган бўлиши шарт.

Агар ярашув тўғрисидаги ариза иш биринчи инстанция судида суд муҳокамасидан ўтказилганда берилган бўлса, суд уни дарҳол кўриб чиқишга киришади.

Агар иш бўйича бир неча жабрланувчи бўлса, фақат барча жабрланувчилар билан ярашувга эришилган тақдирда, ярашув тўғрисидаги ишни юритиш мумкин.

Аризани қабул қилиш пайтида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жабрланувчига ёки

унинг қонуний вакилига суд ярашувни тасдиқласа, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтириши шарт³.

Кейинги йиллардаги суд амалиётига оид статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур институт жорий этилган кундан бошлаб, яъни 2001 йилдан 2012 йилнинг 1 январига қадар 125 минг 718 нафар шахсга нисбатан жиноят иши тарафларнинг ўзаро ярашганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатилган бўлса, 2016 йилнинг 1 январига қадар эса 177 минг 492 нафар шахсга нисбатан 163 минг 759 та жиноят иши тарафларнинг ўзаро ярашганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатилди⁴. Ушбу статистик маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, судлар томонидан жиноят содир этган шахсларга нисбатан ярашув институтини татбиқ этиш ҳоллари йилдан-йилга ошиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Ушбу институт қонунчилигимизнинг инсонпарварлик ва меҳр-мурувват билан йўғрилганлигини яққол намоён этиш баробарида, одамлар онгда суд тизими инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг кафолати эканлиги ҳақидаги ишончнинг шаклланишига, уларнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончи тобора ортишига мустаҳкам ҳуқуқий замин яратди. Бунинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, бундан ўн беш йил илгари қонунчиликда акс эттирилган, амалда ўз самарасини берган ярашув институтини Ўзбекистондан кейин бошқа давлатлар ҳам қўллаш бошлади. Масалан, ярашув институтининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги адолатли тамойиллари ҳозирда Россия, Қозоғистон ва бошқа давлатлар қонунчилигида ҳам ўз аксини топди.

Тергов органлари томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилаётган даврда жиноятни содир этган шахсга нисбатан ярашув институтини қўллашда жабрланувчининг тергов органига ихтиёрий равишда тақдим этган аризаси ва етказилган моддий зарарни ихтиёрий равишда жиноятни содир этган шахс томонидан қопланганлиги муҳим аҳамият касб этади ва ярашув институтини унга нисбатан қўллашга асос бўлади.

Зеро, ҳар қандай ислоҳотнинг энг муҳим самараси, аввало, халқнинг маънавий-руҳий қарашларидаги янгиланиш жараёнлари, унинг онгу тафаккурининг юксалиши, мамлакатда юз бераётган ўзгаришлар унинг ҳаётига, тақдирига дахлдор бўлганини чуқур ҳис қилиши ва шундан хулоса чиқариши билан белгиланади. Биз амалга оширилаётган ислоҳотларимизда ана шундай натижаларга эришиш учун барча ўзгариш ва янгиланишларнинг марказига инсон ва унинг манфаатларини қўйдик. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ана шу жараёнларнинг моҳиятида **ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак.**

деган мақсад мужассам эканини ва унинг амалий ифодасини барча соҳаларда кўриш, кузатиш қийин эмас⁵.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида: “Конституциямизда олий қадрият сифатида белгилаб қўйилган инсон ҳуқуқларини таъминлаш масаласи бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади”, деган сўзлари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги яна бир муҳим қадамдир.

Амалга оширилаётган ислохотлар марказига инсон ва унинг манфаатлари қўйилганлиги сўзимиз тасдиғидир. Бинобарин, *эндиликда инсон, унинг ҳаёти, озодлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан қоплатилган*⁶.

Республикамизда жиноий жазоларнинг либе-

раллаштирилиши натижасида “мамлакатимизда сўнги ўн йилда озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган маҳбуслар сони икки баробардан кўпроқ камайганининг ўзи ҳам ана шу соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг ижобий натижалар бераётганлигидан далолатдир”⁷.

Хулоса ўрнида таъкидлаб ўтиш жоизки, жиноят қонунчилигида ярашув институтининг жорий этилганлиги ҳамда Жиноят кодексининг 66¹-моддасига киритиб борилаётган кўплаб ўзгартиш ва қўшимчалар демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти талабларига тўлиқ ўй-ғун бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ярашув институтини жорий этиш деб номланган суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги ушбу ислохот ҳам халқнинг маънавий-руҳий қарашларидаги янгилашниш жараёнларини ривожлантириш, унинг онгу тафаккурини юксалтириш ва шундан хулоса чиқаришига хизмат қилади десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.



¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи. 2012 йил 17 март.

² Қаримов И.А.Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Тошкент: Ўзбекистон. 2002. 40-б.

³ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 583-м.

⁴ Юлдашев М.Ярашув институти: такомил ва самара // Постда. 2016 йил 25 октябрь.

⁵ Қаримов И.А.Юксак маънавият — енгилмас куч. Тошкент: 2008. 105-б.

⁶ Мирзиёев Ш.М.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2016 йил 8 декабрь.

⁷ Қаримов И.А.Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2010.

ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ЖАБРАНУВЧИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ

✦ Мақолада жиноят ишлари юритувида жабранувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш амалиёти таҳлил қилинган, жиноят процессида жабранувчининг ҳуқуқий мақоми, жиноят процессида жабранувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш механизмининг такомиллаштиришга оид таклифлар илгари сурилган.

✦ В статье проведен анализ практики защиты прав и законных интересов потерпевшего в уголовном судопроизводстве, а также правового статуса потерпевшего в уголовном процессе, выдвинуты предложения касательно проблем по эффективной защите прав потерпевших и совершенствованию механизма охраны прав и интересов потерпевшего в уголовном процессе.

✦ In article the legal status of the victim in criminal trial, the analysis of practice of protection of the rights and legitimate interests of the victim in manufacture is analyzed. On criminal cases, pre-judicial manufacture, opinions concerning resolution of problems on effective protection of the rights of victims and perfection of the mechanism of protection of the rights and interests of the victim in criminal trial are offered.

Таянч сўзлар: жиноят процесси, жиноят, жабранувчи, муҳофаза қилиш механизми, дастлабки тергов, ишни судга қадар юритиш, жабранувчи, ҳуқуқ ва ҳимоя, жиноят натижасида етказилган зарар.

Ключевые слова: уголовный процесс, потерпевший, предварительное следствие, досудебное производство, обеспечение безопасности потерпевшего в уголовном процессе, право на защиту, вред, нанесенный преступлением.

Key words: the criminal trial which has suffered, preliminary investigation, pre-judicial manufacture, maintenance of safety of the victim in criminal trial the right to protection, harm put by a crime.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари доирасида жиноят орқали етказилган моддий, жисмоний ёки маънавий зарарни ундириш орқали жабранувчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари муҳофаза қилинишини такомиллаштириш масалалари “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”нинг мантиқий давоми бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонида ҳам ўз аксини топган. Айтилишича шуни ҳам таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850-сон Фармонида ҳам давлат сиёсати доирасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича вазифалар алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Дастлабки терговда жабранувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишнинг ўзига хос қоидалар тизими мавжуд бўлиб, у ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади:

1. Шахснинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш (ЖПК, 17-м.). Унинг талабларига асосан жабранувчиларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситадиган, унинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотлар тарқалиб кетишига олиб келадиган, соғлиғини хавф остига қўядиган асоссиз равишда уларга жисмоний ва маънавий зарар етказадиган ҳаракатлар қилиш ёки қарорлар чиқариш мумкин эмас.

2. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш (ЖПК, 18-м.). Бунда жабранувчиларнинг шахсий ҳаёти, турар жой дахлсизлиги, ўзаро ёзишмалари, телеграф жўнатмалари ва телефон орқали сўзлашувларининг сир сақланиши қонун билан қўриқланиши белгиланади. Жабранувчиларнинг турар жойида тинтув ўтказиш, олиб қўйиш, кўздан кечириш, алоқа муассасалари, почта, телеграф жўнатмаларини хатлаш ва олиб қўйиш, телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилаётган сўзлашув-

ларни олиб бориш фақат ЖПКда белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

3. Процессуал қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи (ЖПК, 27-м.). Жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари етарли даражада қўриқланмаса улар ЖПКнинг 27-моддасига кўра белгиланган тартиб ва муддатда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг процессуал ҳаракати ёки қарори устидан шикоят беришга ҳақли бўлиб, шикоят бериш ҳуқуқи жабрланувчи ва гувоҳнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишнинг кафолати сифатида хизмат қилади ва бу кафолат ЖПКнинг 11, 17-20, 22, 25-26-моддалари билан мустаҳкамланган.

4. Жабрланувчининг ҳуқуқий-процессуал мақоми (ЖПК, 53-54-м.) ва қонуний манфаатлари муҳофазасини амалга оширишда ЖПКнинг 64-моддасида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг зиммасига тегишли процессуал мажбурият юклатилган ва унга асосан суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жабрланувчига берилган ҳуқуқларни тушунтириб бериши ва бу ҳуқуқларни амалга ошириш имкониятларини таъминлаши шарт. Шу билан бирга, жабрланувчига юкланган мажбуриятлар ва уларни бажармаслик оқибатлари тушунтирилиши лозим.

5. Жабрланувчиларга уларнинг сарф-харажатлари қопланиши (ЖПК, 318-м.). Мазкур норма билан ҳам жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш белгиланган. Аммо амалиётда кўпгина ҳолларда жабрланувчининг чақирилиши муносабати билан қилинган сарф-харажатларни ундириш масаласи тўлақонли ҳал этилмаслиги ҳолатлари мавжуд.

6. Жабрланувчилар ҳуқуқ ва манфаатларининг муҳофаза қилиниши масаласи ЖПКнинг 54-моддаси билан тартибга солинган процессуал ҳуқуқларнинг тўлақонли амалга оширилишига боғлиқ. Бу талаб жабрланувчиларнинг кўрсатув бериш ҳуқуқини, далиллар тақдим қилишини амалга оширишни таъминлаш, илтимоснома беришни, ўз она тилида кўрсатувлар бериши ёки таржимон хизматидан фойдаланиши, вакил олиши, суриштирувчи, терговчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида қатнашиш, дастлабки тергов тамом бўлгандан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиш ва улардан ёзиб олиш, ҳужжатлардан ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки маълумотларни қайд этиш, қонунда назарда тутилган ҳолларда ярашув тўғрисида аризалар бериш ҳамда ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича биринчи инстанция, апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судининг мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришни таъминлаш билан ҳал этилади.

Т.В.Кленованинг фикрича, жиноятларни тергов қилишда жабрланувчининг иштироки унинг жиноят иши бўйича иш юритувига таъсир этиши ва ўз

ҳуқуқларини ҳимоя қилишида асосий воситалардан бири ҳисобланади. Жабрланувчи, айниқса жиноят шахсга нисбатан содир этилганда, дастлабки тергов босқичининг асосий иштирокчиларидан бирига айланади. Шу сабабли жабрланувчига нисбатан муносабатни ўзгартириб, уни жиноят процессининг мустақил ва тенг ҳуқуқли иштирокичиси сифатида баҳолаш лозим¹.

Шу билан бирга, ЖПК нормаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, жабрланувчи дастлабки тергов босқичида ҳамма ҳам фаол иштирок этиш имконига эга бўлавермайди. Жумладан, жиноят процессида шахсни жабрланувчи деб эътироф этиш вақтини аниқлаш назария ва амалиётда мунозарали масалалардан бири ҳисобланади. Чунки бундай вақт қонунда белгилаб қўйилмаган, фақатгина жиноят, шунингдек, ақли норасо шахснинг ижтимоий хавfli қилмиши шахсга маънавий, жисмоний ёки мулкый зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлган тақдирда, шахс жабрланувчи деб эътироф этилиши таъкидланган. Жабрланувчи деб эътироф этиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради².

Шахсни жабрланувчи деб эътироф этиш муддати қонунда аниқ белгиланмагани боис, у баъзан дастлабки терговнинг охириги босқичларида жиноят иши қўзғатилиб, тергов ўтказиб бўлинган, унга етказилган зарар аниқлангандан сўнг анча вақт ўтиб жабрланувчи деб эътироф этилади. Айрим ҳолатларда бу дастлабки терговнинг тамомланиши билан бир вақтда амалга оширилади.

Бундай ҳолат жабрланувчи ҳуқуқларининг сезиларли даражада чекланишига олиб келиши мумкин. Чунки жабрланувчи жиноят иши бўйича дастлабки терговни олиб боришда қанча эрта-роқ иштирок этса, унда ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш учун кўпроқ имконият пайдо бўлади.

Жиноят ишини қўзғатиш пайтида жиноят, ақли норасо шахснинг ижтимоий хавfli қилмиши шахсга маънавий, жисмоний ёки мулкый зарар етказган деб ҳисоблаш учун етарли асослар бўлган тақдирда, терговчи уни жабрланувчи деб эътироф этиш тўғрисида дарҳол қарор чиқариши мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, ЖПКда жабрланувчининг шахсни айбланувчи тариқасида жалб қилиш тўғрисидаги қарор нусхасини олиш ҳуқуқини таъминловчи нормалар мавжуд эмас. Жабрланувчи ушбу ҳужжатга эга бўлса, иш бўйича расмий айбловни билиш ҳамда *"...айбловга розилик билдириб, ўз нуқтаи назарини шакллантириш ва қўшимча маълумотларни текшириш бўйича илтимоснома киритиш имконига эга бўлади"*, деган сўзлар билан тўлдирилиши лозим.

ЖПКда жабрланувчининг дастлабки терговда жиноят ишини тўхтатиш тўғрисида қабул қилин-

ган қарор ва иш материаллари билан танишиш ҳуқуқи белгиланмаган. Бунда жабрланувчи ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имконига эга бўлмайди. Шунини ҳам таъкидлаш жоизки, кўп ҳолатларда айбли ижтимоий хавфли қилмиш оқибатида жабрланган шахснинг мулки суғурталанган бўлиши мумкин ва суғурта тўловларини олиш учун тўхта-тилган жиноят иши юзасидан маълумотнома тақ-дим этиш зарур бўлади.

Дастлабки терговда жиноят иши тўхтатилган ҳолатларда терговчи ЖПКнинг 369-моддаси ик-кинчи қисмига мувофиқ, бу ҳақда бошқа ишти-рокчилар каби жабрланувчини ҳам хабардор қилади. Яъни тегишли қарор нусхасини олиш учун жабрланувчи дастлабки терговни олиб борувчи мансабдор шахсга илтимоснома билан мурожа-ат қилиши ва фақат шундан сўнгина уни олиши мумкин.

Шу сабабли жабрланувчининг ҳуқуқлари ка-фолатларини таъминлаш мақсадида, терговчи бошқа иштирокчилар каби жабрланувчини фа-қатгина хабардор қилиб қолмасдан, унга тегиш-ли қарор нусхаларини юборишини мажбурий қилиб белгилувчи нормаларни ЖПКга киритиш-ни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари, суд мажлисида амнистия ак-тини қўллаш ҳақидаги масала ҳал қилинаётганда ҳам жабрланувчининг иштироки ҳисобга олинма-ган. Хусусан, ЖПКнинг 590-моддаси тўртинчи қис-мида белгиланишича, суд мажлисида амнистия ак-тини қўллаш ҳақидаги масала қайси шахсга нисбатан қўйилаётган бўлса, ўша шахс, гумон қилинувчи, айбланувчи, шунингдек, агар ишда қатнашаётган бўлса, уларнинг ҳимоячилари ва қонуний вакиллари иштирок этади. Кўриниб ту-рибдики, ушбу моддада жабрланувчи ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Фақатгина Ўзбекистон Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги “Жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш масаласига доир суд амалиёти тўғрисида”ги 21-сон Қарорининг 6-бандида агар амнистия акти қўлланиши туфайли суд ажрими билан жиноий жавобгарликдан озод этилган шахсларга нисба-тан фуқаровий даъво кўрмай қолдирилганда, манфаатдор шахсларга фуқаровий ишларни юритиш тартибида даъво билан судга мурожаат этиш ҳуқуқларини тушунтириш лозимлиги белги-ланган. Амнистия актини қўллаш ҳақидаги маса-лани кўриб чиқишда жабрланувчи иштирок эти-ши лозим, чунки жиноят ишини тугатиш натижа-сида унинг мулкӣ ҳуқуқлари бузилган бўлиши ва уларни тиклаш бўйича фуқаролик судига муро-жаат қилиш ва суд ажримидан норози бўлган тақдирда юқори турувчи суд инстанциясига ши-коят қилиш ҳуқуқлари билан таништирилиши ло-зим.

Шу билан бирга, ЖПКнинг 388-моддаси ик-кинчи қисмига мувофиқ, прокурор ёки унинг ўрин-босари айбланувчи ва ҳимоячига айблов ҳуло-саси ва унга қилинган иловаларнинг тасдиқлан-ган нусхаларини юборади, жабрланувчига эса айблов ҳулосасининг нусхаси фақатгина унинг илтимосномасига асосан берилиши мумкин. Жабрланувчи жиноят процесси ҳақида умумий та-саввурга эга бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бизнингча, жабрланувчига ҳам айблов ҳулосаси-ни иловалари билан тақдим этишни мажбурий қилиб белгилаш тўғрисида ЖПКга қўшимча кири-тилиши керак.

Ҳулоса қилиб айтганда, юқорида билдирилган фикрларнинг рўёбга чиқарилиши жабрланувчи-нинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазаси кучайти-рилишига хизмат қилади.



¹ Кленова Т.В. Уголовно-процессуальные гарантии прав потерпевшего // РС, 2001. №2. С. 15-17.

² Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Тошкент: Адолат, 2017. 736-б.

Динара АТАЖАНОВА,
ТДЮУ катта ўқитувчиси

ҚИШЛОҚ АЁЛЛАРИ БАНДЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

- ✦ Мақолада қишлоқ жойларида ишловчи аёлларнинг мавсумий меҳнат бандлигига оид норматив-ҳуқуқий асослар таҳлил қилинган ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар илгари сурилган.
- ✦ В настоящей статье проанализированы нормативно-правовые основы занятости женщин в сельской местности и сезонных работах, также выдвинуты предложения по совершенствованию законодательства.
- ✦ This article analyzes normative-legal sources of women working in the rural zone and seasonal works, proposals for improving legislation.

Таянч сўзлар: Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар, ҳомиладор аёллар, қишлоқ жойларида ишловчи аёллар, қишлоқ хўжалиги саноати, мавсумий меҳнат, касаначи.

Ключевые слова: женщины и лица, занятые исполнением семейных обязанностей, беременные женщины, женщины, работающие в сельской местности, сельскохозяйственное производство, сезонные работы, надомник.

Key words: Women and persons engaged in performance of family duties, pregnant women, the women working in the rural zone, agricultural industry, seasonal work, home-worker.

Республикада барчага тенг ҳуқуқ ва имкониятлар таъминлангани ҳолда мамлакатимиз барча ҳудудларидаги аҳолининг жамиятда ўзларини тўла намоён қилишлари учун шароитни бир хилда, деб бўлмайди.

Маълумотларга қараганда, халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТнинг Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро фонди (ФИДА) дунё ҳамжамиятини озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи асосий тармоқ — қишлоқ хўжалигига ёрдамни кўпайтиришга чақирмоқда. Зеро, дунёдаги 800 миллион энг камбағал инсонларнинг 80 фоизи қишлоқ ҳудудларида яшайди. Уларнинг 65 фоизи қишлоқ хўжалигида меҳнат қилади.¹ Қишлоқ жойларда яшовчи аёлларнинг алоҳида эътибор ва ижтимоий муҳофазага муҳтож эканлигини инобатга олган ҳолда 15 октябрь БМТ томонидан Бутунжаҳон Қишлоқ аёллари куни сифатида кенг нишонланади.

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг 51 фоизи қишлоқларда истиқомат қилади. Бу албатта салмоқли қисми ташкил этади. Шу тўғрисида қишлоқларда бандлик билан боғлиқ инфраструктура кўриб чиқиш ва бунда аҳолини ижтимоий муҳофазага муҳтож алоҳида қатламга қулайликлар яратиш масаласи ҳозирги вақтда ҳар қачонгидан ҳам долзарб саналади.

Мамлакатимизда қишлоқ жойларни обод қилиш, қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини яхшилаш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан 9 декабрнинг **Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари куни**, деб эълон қилинганлиги ва мазкур соҳа вакиллари билан учрашувда 12

мингдан зиёд фермер хўжалиги раҳбарларини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этгани ҳолда, 6 мингдан ортиқ фермер хўжалигига хотин-қизларимиз раҳбарлик қилганликларини мамнуният билан эътироф этганликлари² мазкур йўналишнинг таг-замири бўлган қишлоқ жойлардаги шарт-шароитларни кўриб чиқишни тақозо этади.

Қишлоқ жойларда аҳолини иш билан таъминлаш деганда аввало, мазкур жойларда янги корхоналар очиш орқали иш жойларини яратиш тушунилади. Бунга хусусий секторни кенгайтиришга эътибор қаратиш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш шароитларини яратиш орқали эришилади.

Иқтисодчи олима Ж.Бобоназарованинг фикрига кўра, қишлоқ жойларда замон талабларига тўлақонли жавоб бера оладиган кичик корхоналарни ташкил этириш давр талаби саналади. Бу билан ижтимоий-иқтисодий соҳада биринчидан, меҳнатга яроқли хотин-қизларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилишга ва шу тариқа қишлоқ жойларида ишсизликнинг авж олиш хавфини барҳам топтиришга эришилади. Иккинчидан, бу қишлоқ аҳли реал даромадларининг ошишига олиб келади. Учинчидан эса, айрим маҳсулот турларини четдан келтиришдаги қарамликни камайитириш учун зарур шарт-шароит яратилиб, ижтимоий-иқтисодий қарамликка маълум маънода чек қўйилади.

Бундан ташқари, ижтимоий-сиёсий соҳада қишлоқ аҳолининг ўз корхонасини янада ривожлантириш йўлида фаол қатнашиши, оиласининг манфаатларини кўзлаб ижтимоий-фойдали меҳнат билан банд бўлишини оширади.³

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий

Мажлисга Мурожаатномасида аҳолининг муаммоларини тизимли ўрганиш, уларни аниқ ҳал этиш, айниқса, ижтимоий шароити оғир аёлларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни иш билан таъминлашда жамоат ташкилотларининг иштирокини кенгайтириш масаласига жиддий аҳамият берилди.⁴ Хотин-қизлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг бирламчи сабабларидан бири сифатида кам таъминланганлик ва ишсизликни мисол сифатида келтирадиган бўлсак, мазкур масалани аёллар бандлиги бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш орқали ечиш мумкинлиги кун тартибига чиқади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, қишлоқ аёллари меҳнатини тартибга солишда алоҳида нормаларни жорий қилиш лозим. Миллий меҳнат қонунчилигимиз аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга оид умумий нормаларни кафолатлайди. Бироқ, меҳнат қонунчилигида қишлоқ жойлардаги аёлларга оид жиҳатлар алоҳида таснифланмайди. Қишлоқ жойлардаги аёлларга тааллуқли нормалар сирасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқ жойлардаги умумтаълим мактабларида, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ва болалар-ўсмирлар спорт мактабларида жисмоний тарбия ўқитувчиси ҳамда спорт устози бўлиб ишлаётган аёлларнинг тариф ставкаларига ҳар ойда 15 фоиз миқдорда устама ҳақ белгилаш масаласини илгари сурган биргина 2010 йил 1 апрелдаги “Қишлоқ жойлардаги болалар спорти объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1315-сон Қарорини мисол қилиб келтириш мумкин⁵. Қишлоқ аёлларининг аксарият қисмини касаначилар ташкил этгани ҳолда, 2006 йил 5 январдаги “Ириқ саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3706-сон Фармонни ҳам мавзуга билвосита оид бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида мисол тариқасида келтириш мумкин⁶. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига қишлоқларда ишлайдиган аёлларга алоҳида кафолатларни назарда тутувчи нормаларни учратмаймиз.

Қишлоқ жойларда меҳнат қилаётган аёллар масаласида бошқа давлатлар қонунчилигида махсус нормалар мавжуд бўлиб, улар биздан бирмунча илгарилаб кетганини кўришимиз мумкин. Масалан, **Россия Федерацияси Меҳнат кодекси 262-моддасининг иккинчи қисмида қишлоқ жойларда яшовчи аёлларга уларнинг ёзма аризасига мувофиқ, иш ҳақи сақланмагани ҳолда ойига бир марта қўшимча дам олиш куни берилиши кафолатланган.**⁷

Беларусь Республикаси Меҳнат кодекси 156-моддасига кўра эса йиллик узайтирилган таътил-

лар қишлоқ жойларда ишлайдиган аёлларга 28 календарь кундан кам бўлмагани ҳолда тақдим этилиши белгиланган.

Озарбайжон Республикаси Меҳнат кодексининг 125-моддасига кўра, қишлоқ хўжалиги саноатида машғул бўлган аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш билан боғлиқ таътиллари: а) нормал туғруқда 140 календарь кун (туққунга қадар 70 ва туғруқдан кейин 70 календарь кун); б) туғруқ қийин кечгани ҳолда 156 календарь кун (туққунга қадар 70 ва туғруқдан кейин 86 календарь кун); в) икки ёки ундан ортиқ бола туғилгани тақдирда 180 календарь кун (туққунга қадар 70 ва туғруқдан кейин 110 календарь кун) берилади⁸.

Юқоридаги давлатлар қонунчилик тажрибасидан келиб чиққан ҳолда бизнингча миллий меҳнат қонунчилигимизга ҳам шу каби нормаларни киритиш лозим. Зеро, қишлоқдаги турмуш шароитини шаҳарники билан солиштириб бўлмайди. Шу тўғрисида қишлоқ жойларда ишлайдиган аёлларга қўшимча кафолатлар яратиш, уларнинг меҳнат билан машғул бўлишлари репродуктив саломатликларига салбий таъсир қилиши мумкинлигининг олдини олиш кун тартибидеги муҳим жиҳатлардандир.

Қишлоқ аёллари кундалик ҳаётда аксарият ҳолда юқори малака талаб қилмайдиган ишларда ишлайди. Булар жумласига касаначилик ва мавсумий ишлар киради. Мазкур турдаги ишларнинг ҳуқуқий жиҳатдан мукамал тартибга солиниши қишлоқ жойларда яшайдиган аёллар меҳнатининг тўлақонли муҳофаза этилишини таъминлайди.

Юқорида ҳам таъкидлаб ўтганимиздек, касаначилар билан боғлиқ алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бор⁹. Касаначилар билан тузиладиган меҳнат шартномасининг қонунчиликда алоҳида белгиланган шакли бор.¹⁰ Бироқ шунга қарамадан, касаначилар ва касаначилик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига бирон-бир нормани учратмаймиз. Ваҳоланки, касаначилар меҳнат қилаётган ходимларнинг кўпчилигини ташкил этади. Ҳар йили республикамизнинг барча вилоятларида талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда, мавжудларидан ташқари яна кўплаб касаначилик иш ўринлари яратилмоқда. Маълумотларга кўра, 2017 йилда биргина Навоий вилоятидаги 25 та корхонада 315 та касаначилик иш ўрни яратилди¹¹. Бизнингча, касаначиларнинг меҳнат бозоридаги салмоқли кўламини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг тегишли институтларидаги моддаларга хусусиятига кўра, касаначиларга тааллуқли нормаларни киритиш лозим.

Қишлоқда яшайдиган аёллар машғул бўладиган меҳнат турларидан бири мавсумий ишлардир. Мавсумий ишлар муддатли меҳнат шартномасининг амалда бирмунча кенг тарқалган кўринишларидан бири ҳисобланади. Фермер хўжаликларида меҳнат қилаётган аёллар асосан мавсумий ходим сифатида ёлланадилар. Фермер хўжалиги

ходимларини ёллаш тўғрисидаги намунавий меҳнат шартномаси норматив ҳужжат билан тасдиқланган¹² бўлса-да, уни мавсумий ишдаги ходимлар учун классик намуна, деб бўлмайди. **2017 йилнинг 11 августида** Ўзбекистон касабалари Федерацияси томонидан Халқаро Меҳнат Ташкилоти ҳамда Жаҳон банки билан ҳамкорликда “Қайта алоқа механизмини 2017 йилда янада такомиллаштириш масалалари” мавзусидаги семинар-тренингда қишлоқ хўжалигида мавсумий меҳнатни ҳуқуқий тартибга солиш масаласи муҳим масалалар қаторида атрофлича таҳлил қилинди¹³. Мавсумий ишлар билан боғлиқ муаммолар ҳуқуқни қўллаш амалиётида кўп учратилишига қарамадан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида ҳам, меҳнатга оид бошқа қонун ҳужжатларида ҳам мазкур масаланинг деярли назарда тутилмаганлигини кузатиш мумкин. Шу муносабат билан меҳнат ҳуқуқи соҳасида “мавсумий ишлар”, “мавсумий ходимлар”, “мавсумий ишларда тузиладиган меҳнат шартномаси”, “мавсумий ишлар билан боғлиқ меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг хусусиятлари” каби тушунчаларнинг юридик таърифи ишлаб чиқилиши, миллий менталитетимиз, табиий-иқлим шароитимиз ва бошқа омиллар ҳисобга олингани ҳолда, назарий ва амалий талқин этилиши объектив зарурат сифатида майдонга чиқмоқда.

Мавсумий ишлар ва уларни тартибга солишга оид норматив базага эътибор берилса, бу соҳада ханузгача собиқ иттифоқ даврида қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар амал қилаётганлигини, улар эса ўз навбатида, маънавий кадр-қимматига кўра ҳам, бозор муносабатларига асосланган Ўзбекис-

тон шароити ҳисобга олиниши жиҳатидан ҳам, бугунги кунда эришган иқтисодий-ижтимоий натижаларимиз ва ҳаётимизда содир бўлган туб ўзгаришлар нуқтаи назаридан ҳам жавоб бермаслигини кузатиш мумкин¹⁴.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 252-сон Қарорида назарда тутилган “Тўлиқ бир мавсум ишлаш пенсия тайинлаш учун бир йил меҳнат стажига ўтадиган мавсумий ишлар ва саноатнинг мавсумий тармоқлари рўйхати” (5-илова)¹⁵ назарда тутилган бўлса-да, бу рўйхат пенсия тайинлаш мақсадларига хизмат қилишга мўлжаллаб ишлаб чиқилган (Пахта тозалаш саноати корхоналаридаги ишлар; Саноатнинг қанд-шакар ва консерва ишлаб чиқариш тармоқлари корхоналаридаги ишлар; Ипакчилик тармоғи корхоналаридаги ишлар) ва унда меҳнат муносабатларини тартибга солиш, мавсумий ишларда меҳнат шартномаси тузиш, унинг мазмуни билан боғлиқ бўлган масалалар акс эттирилмаган. Бизнингча, шу каби қонунчиликдаги “бўшлиқ”ларни инobatга олиб, қонунчиликни такомиллаштириш масаласи актуал масаладир.

Қишлоқда яшайдиган аёллар муаммоларини ўрганиш ҳамда уларга қулай шароитлар яратилишини таъминлаш воситасида уларнинг муносиб меҳнат қилиш орқали жамиятда фаол фуқароларга айланишига кўмаклашиш демократик давлатга хос жиҳатлардандир. Зеро, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард мақсади халқ фаровонлигига қаратилгандир.



¹ http://www.uza.uz/oz/world/dunye-kamba-allarining-80-foizi-ishlo-da-yashaydi-19-12-2017?month=11&year=2017&ELEMENT_CODE=dunye-kamba-allarining-80-foizi-ishlo-da-yashaydi-19-12-2017&SECTION_CODE=world

² <http://www.press-service.uz/uz/lists/view/1331>

³ <http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/46631-qishloq-joylarida-xotin-qizlar-uchun-yangi-ish-joylarini-tashkil-etishni-takomillashtirish>

⁴ <http://www.press-service.uz/uz/lists/view/1371>

⁵ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 13-сон, 95-модда.

⁶ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 1-сон, 1-модда.

⁷ http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34683/66167366e75c9c27b0549e3a2d9ed00c123a4dbc/

⁸ http://www.caa.gov.az/index.php?option=com_k2&view=item&id=123:labour-code-of-the-republic-of-azerbaijan&Itemid=173&lang=ru

⁹ // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 1-сон, 1-модда.

¹⁰ // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 2-сон, 9-модда.

¹¹ <https://kasaba.uz/kasanachilar-etiborda/>

¹² // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 йил, 20-сон, 200-модда.

¹³ Батафсил қаранг: <https://kasaba.uz/atroflicha-tahlil/>

¹⁴ Бугунги кунда мавсумий ишлар билан боғлиқ меҳнат-ҳуқуқий муносабатлар собиқ иттифоқ Олий Совети Президиумининг 1974 йил 24 сентябрдаги “Мавсумий ишларда банд бўлган ишчи ва хизматчилар меҳнат шароитлари тўғрисида”ги Фармони (СССР Олий Советининг Ведомостлари, 1974 йил, 40-сон, 661-модда) ва собиқ СССР Меҳнат халқ комиссариятининг 1932 йил 31 октябрдаги “Мавсумий ишлар рўйхати (Известия НКТ, 1932 йил, 28-29-сон, собиқ СССР Олий Совети Президиумининг 1974 йил 24 сентябрдаги “Вақтинчалик ишчи ва хизматчилар меҳнат шароитлари тўғрисида”ги Фармони ва бошқа ҳужжатлар билан тартибга солиб келинмоқда.

¹⁵ // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 йил, 37-сон, 377-модда.

Гулмира ТАИРОВА,
Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари
бош мутахассиси Прокурорлик текшируви

ҚИШЛОҚ АЁЛЛАРИ БАНДЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

- ◆ Мақолада прокурорлик текширувларини ташкил этишнинг ҳуқуқий, илмий ва амалий асослари таҳлил қилинган.
- ◆ В статье проведен анализ правовой, научной и практической организации прокурорских проверок.
- ◆ The article analyzes the legal, scientific and practical organization of prosecutorial inspections.

Таянч сўзлар: прокурорлик текшируви, прокурорлик текшируви учун ҳуқуқий асослар, прокурорлик текширувининг турлари, прокурорлик текширувининг босқичлари, прокурор назорати ҳужжатлари, прокурорлик текширувининг тамойиллари.

Ключевые слова: прокурорская проверка, правовые основы прокурорской проверки, виды прокурорских проверок, этапы прокурорской проверки, акты прокурорского надзора, принципы прокурорской проверки.

Key words: prosecutorial inspection, the legal bases of prosecutorial inspection, the types of prosecutorial inspection, the stages of prosecutorial inspection, the acts of prosecutorial supervision, the principles of prosecutorial supervision.

Мамлакатимизда барча соҳалар қатори суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар прокуратура идоралари зиммасига улкан вазифаларни юкламоқда.

Давлатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг таъбири билан айтганда, прокуратура органлари ходимларидан катта масъулия, фидойилик ва ҳалоллик талаб этилади. Жамиятда адолат барқарор бўлишида прокуратура органларининг ўрни катта бўлмоғи керак¹.

Шу аснода, бугунги давр прокуратура фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда прокурорлик фаолиятини ташкил этишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Мазкур мақолада прокурорлик фаолиятини амалга оширишнинг алоҳида бир механизми (асосий усул ва воситаларидан бири) бўлган прокурорлик текширувлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим деб билдик.

Маълумки, ҳуқуқий амалиётда текширувларнинг қуйидаги кўринишлари мавжуд:

— хўжалик юритувчи субъект томонидан ўз фаолиятини текширишга доир ички текширувлар (аудиторлик, тафтиш, хизмат текшируви ва бошқа);

— назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектларда ўтказиладиган назорат текширувлари;

— муайян давлат идораси тизимида тармоқ ва ҳудудлар кесимида ўтказиладиган бошқарув-идоравий текширувлар;

— жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари юзасидан ўтказиладиган текширувлар;

— тафтиш ва процессуал қонунчилик доирасида ўтказиладиган текширувлар ҳамда бошқалар.

Прокурорлик текширувлари юқорида номлари келтирилган текширувлардан бирмунча фарқ қилади.

Прокурорлик текширувлари, бир томондан, прокурорнинг қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этилишини назорат қилишга доир конституциявий функциясини амалга оширишдаги ваколатларидан бири бўлса, иккинчидан, у прокуратура ходимлари томонидан қонун бузилиши ҳолатларини фош этишнинг асосий ва бирламчи усули ҳисобланади.

Прокуратура органлари фаолиятида текширувлар муҳим рол ўйнайди, сабаби, прокурор-

лик текширувларини тўғри ва самарали ташкил этиш орқали мавжуд қонун бузилиши ҳолатлари ҳамда ҳуқуқий тартибга солиниши лозим бўлган реал ҳолат аниқланади.

Айтиш мумкинки, прокурорлик текширувлари бошқа соҳалар ва ташкилотлар фаолиятидаги текширувлардан қуйидаги ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради:

прокурорлик текширувлари прокуратура олдидagi вазифалар бажарилишини таъминлашга қаратилади;

прокурорлик текширувини амалга ошириш Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни ва Бош прокурорнинг ташкилий-бошқарув йўналишидаги ҳужжатлари билан тартибга солинади;

прокурорлик текшируви жараёнида аниқланган ҳар бир ҳолатга ҳуқуқий баҳо берилади ҳамда прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилади;

текширув жараёни прокуратура фаолиятдан келиб чиқувчи бир неча босқичдан иборат бўлган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Прокурорлик текширувининг ҳуқуқий асослари, аввало, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 21-моддасида акс эттирилган бўлиб, унга кўра, прокуратура томонидан “қонунлар ижросини текшириш қонунларининг бузилаётганлиги тўғрисидаги аризалар ва бошқа маълумотлар асосида, шунингдек қонунийлик прокурор томонидан чоралар кўрилишини талаб қиладиган ҳолатда эканлигидан келиб чиққан ҳолда қонунда белгиланган тартибда ўтказилади”².

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 5 декабрдаги 172-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Регламенти”нинг IV қисми ҳамда “Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий ва Транспорт прокуратураларининг Намунавий Регламенти”нинг IV қисмида прокуратура органлари фаолиятида текширишлар ўтказиш тартиби, текшириш натижаларини расмийлаштириш ва прокурор назорати ҳужжатларини тайёрлашга оид умумий қоидалар белгиланган.

Шунингдек, прокуратура фаолиятининг алоҳида соҳалари фаолиятида текширувлар ўтказишга оид меъёр ва талаблар Бош прокурорнинг қатор соҳавий буйруқларида ўз ифодасини топган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 24 ноябрдаги “Ижтимоий ва иқтисодий қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 166-сонли буйруғининг 14 та бандида қонунлар ижроси устидан назорат йўналишида

ўтказиладиган текширувларга оид кўрсатмалар қайд этилган. Хусусан, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини самарали таъминлаш мақсадида текшириш ўтказиладиган корхоналар тўғрисидаги маълумотларни тизимли таҳлил қилиб, ноқонуний текширув ёки фаолиятга асоссиз аралашувларни бартараф этишга оид (4.2.-банди), текширишлар давомида тадбиркорларнинг иқтисодий эркинлиги ва мулкый ҳуқуқларини чеклайдиган, уларга қонунда белгиланмаган мажбурият юклайдиган ёки бошқача тарзда манфаатларига зиён етказадиган норматив ва идоравий ҳужжатларни аниқлаш ҳамда уларни бекор қилишга оид (4.6.-банди) ҳамда қонунчилик ижросини текшириш услублари тизимли равишда такомиллаштирилиши, назорат ҳужжатларининг сифати ва уларнинг қонунийликни мустаҳкамлашга таъсири, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдаги профилактик роли ошириб борилишига оид (11.4.-банди) талаблар шулар жумласидандир³.

Худди шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2016 йил 22 февралдаги “Жинойятчиликка қарши кураш, суриштирув, дастлабки тергов ва тезкор-қидирув фаолиятида қонун устуворлигини ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини самарали таъминлаш тўғрисида”ги 129-сонли буйруғи терговга қадар текширув, хизмат текшируви ҳамда соҳада прокурор томонидан ўтказиладиган текширувларга оид бир қатор қоидаларни ўз ичига олган.

Айни вақтда, прокуратура органлари фаолиятида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари юзасидан текширувлар ўтказишда Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни нормаларига ҳам асосланилади.

“Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунинг 21-моддасида прокуратура томонидан қонунлар ижросини текширишнинг асоси сифатида икки ҳолат назарда тутилган, яъни:

қонунларнинг бузилаётганлиги тўғрисидаги аризалар ва бошқа маълумотлар,

қонунийлик прокурор томонидан чоралар кўрилишини талаб қиладиган ҳолатда эканлиги.

Прокурорлик амалиётидан келиб чиқиб, прокурорлик текшируви учун асосларни қуйидагича кенгроқ талқин қилиш мумкин. Мазкур асослар: фуқаролар, юридик шахслар ва мансабдор шахсларнинг мурожаатлари;

ОАВ хабарлари;

прокуратура органларининг иш режалари, раҳбарият топшириқлари;

суд ишлари материаллари;

прокурорлик фаолияти ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш натижалари;

статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари;

қонун бузилиши ҳолатларига доир бошқа маълумотлар.

Прокурорлик текширувларини таснифлаш ва уларни муайян турларга ажратиш прокурорлик текширувлари моҳиятини янада очиб беради. Чунончи, прокурорлик текширувларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Фаолият йўналишидан келиб чиқиб:

§ прокурорнинг назорат фаолияти билан боғлиқ текширувлар;

§ прокурорнинг назорат фаолияти билан боғлиқ бўлмаган текширувлар (масалан, суд қарорлари қонунийлигини ўрганиш юзасидан текширув ҳаракатлари);

§ аралаш тартибдаги текширувлар (масалан, судда ишни кўриш жараёнида олинган маълумотлар асосида назорат текширувларини ўтказиш).

2.Ташкиллаштирилишига кўра:

§ режа асосидаги (режавий) ва жорий текширувлар.

3. Текширув предметиға кўра:

§ бир предмет доирасидаги ёки комплекс текширувлар.

4.Текширувни амалга оширувчи шахслар доирасига кўра:

§ якка прокуратура ходими томонидан ўтказиладиган текширув;

§ прокуратура ходимларининг бир гуруҳи томонидан ўтказиладиган текширув;

§ прокуратура ходими ва мутахассис иштирокидаги текширув⁴.

Шубҳасиз, прокуратура ходимларининг бир гуруҳи томонидан ўтказиладиган текширувлар текширув гуруҳини тузиш ва унинг иштирокчилари ўртасида вазифаларни тақсимлаш, шунингдек, мутахассис иштирокида ўтказиладиган текширувлар тегишли мутахассисни жалб қилиш ҳамда мутахассис олдига у аниқлаши ва ҳулоса берилиши лозим бўлган саволларни қўйишга доир жараёнларни ўз ичига олади.

5. Текширув мақсадига кўра:

§ аниқ мақсадли (предмети конкрет), комплекс (кенг қамровли), қўшма (идоралараро), назорат тартибида қайта текшириш.

Ҳуқуқий амалиётда, қўшма, яъни идоралараро текширувларнинг одатий кўринишлари сифатида прокуратура ва бир нечта назорат органлари иштирокида ўтказиладиган текширувларни айтиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, юртимизда айни даврда кечаётган маъмурий ислохотлар

жараёнида давлат назорат органларининг рўйхати, ваколатлари ва улар фаолиятини мувофиқлаштиришга оид меъёрлар такомиллаштирилмоқда.

Прокурорлик текшируви қуйидаги 3 та босқични ўз ичига олади. Булар:

1) текширув ўтказишга тайёргарлик;

2) текширув тадбирларини ўтказиш;

3) текширув натижалари (олинган ахборотлар)ни баҳолаш, натижаларини расмийлаштириш ва тегишли прокурор назорати ҳужжатларини қўллаш⁵.

Прокурор текширувининг натижадор бўлиши, албатта, унга тайёргарлик жараёнининг қай даражада пухта ва малакали амалга оширилиши билан бевосита боғлиқ. Ҳуқуқшунос олим Б.Х.Пўлатов таъкидлаганидек, текширишларнинг самарадорлиги уни ўтказиш бўйича амалга оширилган ишларнинг ташкилий даражасига, текширишга тегишли бўлган масалаларни ҳуқуқий тартибга солувчи актларни билиш даражасига, текширувга оид методик адабиётлар ҳақида тўлиқ ва ҳар томонлама тасаввурга эга бўлишга боғлиқдир⁶. Ҳусусан, прокурорлик текширувини ўтказишга тайёргарлик босқичида қуйидаги ҳаракатларни ўтказиш тавсия этилади:

текширув ўтказиш зарурати ва асосини аниқлаш;

текширув объект(лар)ини танлаш;

текширув мақсади ва текшириладиган масалаларни (предметни) аниқ белгилаб олиш;

объект фаолияти билан боғлиқ қонунчиликни ўрганиш ва таҳлил қилиш;

объект фаолиятига доир статистика, ҳисоботлар, ахборотлар ва қонунчилик аҳволини таҳлил қилиш;

объектда ўтказилган аввалги текширишлар натижалари, прокурор, суд ва тергов амалиётидаги объект фаолияти билан боғлиқ материалларни ўрганиш;

объект фаолиятига хос (одатда йўл қўйилиши мумкин) бўлган қонун бузилиши ҳолатлари аниқлаб олиш⁷;

текширув жараёнида ахборотларни қайд этиш ёки текширувда аниқланган ҳолатлар бўйича ҳулоса бериши мумкин бўлган тегишли мутахассисларни танлаш ва жалб этиш;

текширув тактикасини ишлаб чиқиш ва режасини тузиш.

Прокурорлик текшируви учун тайёргарлик жараёни текширув режасини тузиш билан яқунланади.

Текширув режасида қуйидагиларнинг кўрсатилиши мақсадга мувофиқдир:

текшириладиган объектнинг номи, манзили ва

асосий фаолият йўналиши;
 текшириш муддати (бошланиш ва тугатиш вақти);

ижроси текшириладиган қонун ҳужжатлари;
 аниқланиши керак бўлган асосий саволлар рўйхати;

текширув вақтида талаб қилиб олинadиган ҳужжатлар рўйхати;

бевосита текширув жараёнидаги ҳаракатлар (қадамма-қадам);

текширувчилар доираси ва улар ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши;

текширувни амалга ошириш усул ва воситалари;

олинган ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилиш тартиби.

Текширув режаси текширувчи прокурор ходим (текширув гуруҳи раҳбари) томонидан тузилади ҳамда унинг фаолиятига ташкилий раҳбарликни амалга оширувчи прокуратура органининг раҳбари томонидан тасдиқланади.

Прокурорлик текширувининг яна бир муҳим босқичи текширувни бевосита амалга ошириш жараёни бўлиб, у одатда, бошқа шахслар (текшириладиган объектга алоқадор ёки учинчи шахслар) кўз ўнгида рўй бериши боис, юқори малака ҳамда прокурор ходимга хос тактик маҳоратни талаб этади.

Бевосита текширув тадбирларини ўтказиш текширув объектга алоқадор ахборотларни олиш ва тўплашга қаратилган ҳаракатларни ўз ичига олади.

Олиниши лозим бўлган ахборотлар қуйидаги ҳаракатлар асосида тўпланади:

а) ҳужжат (объектнинг ташкилий-ҳуқуқий ҳужжатлари устав, таъсис шартномаси, мансаб йўриқномалари, инструкциялар ва бошқалар; фаолият жараёнини акс эттирувчи ҳужжатлар ҳамкорлар ва мижозлар билан тузилган битимлар, уларнинг ижроси, лойиҳа-смета ҳужжатлари ижроси, молия, бухгалтерия ва ҳисобот ҳужжатлари; ички ва ташқи текширув ҳужжатлари аудиторлик, тафтиш, хизмат текширувлари, юқори турувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилган текширув ҳужжатлари ва бошқа)ларни олиш ва ўрганиш;

б) шахсларнинг оғзаки ва ёзма ахборотлари, тушунтиришларини олиш;

в) ахборот ташувчи предмет (компьютер техникаси, рақамли воситалар, моддий ва ашёвий буюмлар, моддий қимматликлар каби)ларни олиш.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Регламенти (25-банди) талабига мувофиқ, прокурорлик текшируви жараёнида текширишнинг йўналишидан қатъий назар, текшириладиган

объектда қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг ҳал қилиниши ҳамда юридик хизмат фаолияти самарадорлигини ўрганишга комплекс ёндашиш талаб қилинади⁸.

Текширувнинг якуний босқичи тўпланган ахборотларни ҳуқуқий баҳолаш ва прокурор назорати ҳужжатини қўллаш ҳақида қарор қабул қилишдан иборат.

Тўпланган ахборотларни баҳолашда ахборотлар ҳар тарафлама ва чуқур таҳлил қилинади, улардаги қарама-қаршиликлар бартараф қилинади ва ҳақиқий ҳолат аниқланади.

Текширув натижаларига ҳуқуқий баҳо беришда асосий эътибор қуйидагиларга қаратилади:

— қонун бузилиши ҳолатларининг мавжудлиги;

— уни кимлар, қандай содир этганлиги;

— қонун бузилишига сабаб бўлган ҳолат ва шарт-шароитлар нималардан иборат эканлиги;

— ушбу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чоралари қандай бўлиши лозимлиги ва бошқалар.

Текширув натижалари ҳақида маълумотнома тузилади. Унда текширув асоси ва муддатлари, текширув объекти ва предмети, текширув жараёнида бажарилган ишлар ҳажми ва доираси, аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари (аниқ қонун нормаларига ҳавола қилган ҳолда), қонун бузилишига йўл қўйган (мансабдор) шахслар, қонун бузилиши ҳолати юзасидан қабул қилиниши лозим бўлган прокурор назорати ҳужжатлари кўрсатилади.

Текширув предмети бўлган қонун ҳужжати ўта мукамал бўлиши, айтилиши вақтда текширув жараёни ҳам кенг қамровли бўлиб, унда ҳақиқий ҳолатга доир маълумотлар аниқланиши ва қатор қонун бузилиши ҳолатлари фош этилиши мумкин. Бироқ, прокуратура ходимининг ҳақиқий маҳорати прокурор назорати ҳужжатларини “ўрни”да ва қонун бузилиши ҳолатига “мос” тарзда қўллаш орқалигина намоён бўлади.

Прокурор назорати ҳужжатларининг ҳақиқий ҳолатга тўғри келишлиги прокуратуранинг халқ кўз ўнгидаги нуфузини ошириш билан бир вақтда, жамиятда адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

Текширув натижаларига кўра қўлланилиши лозим бўлган прокурор назорати ҳужжатларини танлашда қонун бузилиши ҳолатларининг оғирроқ кўринишидан енгилроғи томон борилади, яъни:

жиноий қилмиш аломатлари мавжуд бўлган тақдирда жиноят иши қўзғатилади ёки материал-

лар тегишлилиги бўйича тергов (суриштирув) органига юборилади;

маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатлари юзасидан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилади ва чора кўриш учун ваколатли органга юборилади;

шахслар (жисмоний ва юридик), тадбиркорлар, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш учун судларга (даъво) аризалар киритилади;

қонун талабларига зид ҳуқуқий ҳужжатларга протест киритилади ёки уни ғайриқонуний деб топиш ҳақида судга ариза берилади;

қонун бузилиши ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритилади, шунингдек, муайян мансабдор шахсларга огоҳлантирув эълон қилинади;

ўз хизмат вазифасини лозим даражада бажармай, қонун бузилиши ҳолатларига имкон яратган мансабдор шахсларга нисбатан интизомий жавобгарликка оид иш қўзғатилади.

Прокурорлик текширувларини қонунийлик, натияждорлик, илмий, ҳуқуқий, амалий асосланганлик, прокурор этикасига мувофиқлик, пўхта режалаштирилганлик, тежамкорлик, текширув объекти, предмети ва тактикаси бўйича тўғри танловни амалга оширганлик ҳамда тезкорлик ва қутилмаганлик² каби тамойилларга таяниб ўтказиш қўзланган мақсадларга эришишга олиб келади.

Баён этилганларга мувофиқ, прокурорлик текширувлари прокуратура органлари фаолиятининг муҳим ва эътиборга лойиқ таркибий қисми бўлиб ҳисобланади.

Айни вақтда, прокурорлик текширувларини амалга оширишга оид хорижий тажрибага назар ташлаш фойдадан холи бўлмайди. Жумладан, Россия Федерациясининг прокуратура органлари фаолиятида текширувларнинг режалаштирилиши ва самарадорлигига алоҳида эътибор қаратилиб, прокурорлик текширувларини ўтказиш усул ва тактикасини такомиллаштириш чоралари кўриб келинмоқда.

Эътиборлиси, Россия Федерациясида назорат қилувчи давлат органларининг маҳаллий бошқарув органлари (субъектлар)да ўтказиладиган текширувларни режалаштириш ва амалга ошириш фаолияти прокуратура органлари томонидан мувофиқлаштирилади. Хусусан, назорат қилувчи орган томонидан келгуси йил учун тузилган йиллик текширувлар режаси лойиҳаси жорий йилнинг 01 сентябрига қадар тегишли прокуратура органига тақдим этилади. Прокуратура органи текширув ўтказиладиган объектларни режага киритилиши қонунийлигини кўриб чиқиб, муносабат

билдиради, шунингдек, лозим топган тақдирда, назорат қилувчи орган раҳбарига қўшма текширувлар ўтказиш ҳақида таклифлар киритади. Шу тариқа, йилнинг 01 октябрига қадар келгуси йил учун текширувлар режаси шакллантирилиб, бу ҳақдаги маълумотлар прокуратура ҳамда назорат қилувчи органнинг “Интернет” тармоғидаги сайтга жойлаштирилади.

Шунингдек, Россия Федерациясида назорат қилувчи органлар томонидан мазкур орган раҳбарининг буйруғи асосида ўтказиладиган режадан ташқари текширувлар ҳам тегишли прокуратура органи билан келишилади. Режадан ташқари текширувларни ўтказиш учун шахсларнинг қонун бузилиши ҳолатларига оид мурожаатлари, Россия Федерацияси Президенти ёки Ҳукумати топшириғи, Бош прокурор ёки ҳудудий прокурорнинг прокуратура органига келиб тушган ҳужжатлар асосидаги талаби асос бўлади. Айни вақтда, текширув натижалари, жумладан, аниқланган камчиликлар, уларни бартараф этишга доир кўрсатмалар ва муддатлар текширув тамомлангач, бир ойлик муддатда назорат қилувчи органнинг сайтга жойлаштирилиши талаб этилади.

Бу каби қоида ва талаблар ўз навбатида, текширувларни қонуний ва тизимли режалаштирилиши, самарали бўлиши, давлат органлари фаолиятида ошкораликни таъминланишига хизмат қилади.

Қозоғистон Республикасида эса, Бош прокуратура тизимида Ҳуқуқий статистика ва махсус ҳисоблар бўйича Қўмита ташкил этилиб, унинг ваколатлари қаторига давлат органлари томонидан ўтказиладиган текширувларни мувофиқлаштириш вазифаси ҳам киритилган. Ушбу мувофиқлаштириш давлат назоратини амалга оширишдаги умумий мақсадларга эришиш учун давлат органларининг ҳамкорликда ҳаракат қилишини назарда тутди. Қайд этилган Қўмита томонидан давлат назоратини амалга ошириш жараёнини оптималлаштириш мақсадида текшириш субъектлари ва объектларини Ягона реестри электрон лойиҳаси ишлаб чиқилиб, 2015 йилдан ишга туширилган. Мазкур электрон лойиҳа ташкилотлардаги ҳуқуқ бузилиши ҳолатларига доир хабарлар ва ташкилот рейтинг кўрсаткичларидан келиб чиқиб, автоматик тарзда текшириш объектларини белгилайди ва “Текширувлар картаси”ни тузиб беради. Шу тариқа, жамоатчилик назорати институтининг воситаларидан фойдаланган ҳолда текширувлар ташкиллаштирилади. Шубҳасиз, бу тизим хўжалик юритувчи субъектларда асосли текширувларни ўтказиш, қонунларга иттиқор тадбиркорларни ошиқча текширувлардан

химоялашга замин яратади.

Кенг қамровли маъмурий ислохотлар жараёнини бошидан кечираётган Ўзбекистонда ҳам давлат идоралари томонидан барча (давлат ва нодавлат) хўжалик юритувчи субъектларда ўтказиладиган текширувларни мувофиқлаштириш вазифасини прокуратура органлари зиммасига юклаш масаласини илмий-ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан ўрганиш мақсадга мувофиқ саналади.

Ҳолбуки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида

ҳам, айнан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш, текширишлар ўтказишга рухсат беришнинг махсус электрон ахборот тизимига ўтиш ва унинг назоратини Бош прокуратурага юклаш мақсадга мувофиқлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди¹⁰.

Зеро, ҳуқуқий давлатда барча маъмурий тартиб-тамоийиллар, хусусан, давлат органлари фаолиятида назорат функциясини амалга оширишнинг муҳим кўриниши бўлган назорат текширувлари ҳам адолат ва қонунийлик тамойилларига тўлиқ жавоб бериши муҳимдир.



¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 07.01.2017 йилги “Қонун устуворлиги инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим омилidir” номли маърузаси.

² // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 2001 йил, 9-10-сон, 168-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 24.11.2017 йилги “Ижтимоий ва иқтисодий қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 166-сон буйруғи.

⁴ Бобров В.К. Прокурорский надзор. Учебник. Базовый курс. Юрайт.

⁵ Коршунова О.Н. Методика и тактика проведения прокурорской проверки. Учебное пособие. Санкт-Петербург: 2014.

⁶ Б.Х.Пўлатов. Прокурор назорати. Тошкент: Ўзбекистон, 2009.

⁷ Проверка прокурором исполнения законов. Пособие. Академия Генеральной прокуратуры РФ.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 05.12.2017 йилги “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ишини ташкил этиш Регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги 172-сон буйруғи.

⁹ https://studme.org/64871/pravo/ponyatie_vidy_prokurorskih_proverok.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 22.12.2017 йилда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси // Халқ сўзи. 2017 йил 23 декабрь.

Луқмонжон ИСОҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси тингловчиси

МАҒРИБ МАМЛАКАТЛАРИДА НОҚОНУНИЙ МИГРАЦИЯ ВА ОДАМ САВДОСИ

◆ Мақолада Жазоир, Марокаш, Тунис каби Мағриб мамлакатларида ноқонуний миграция ва одам савдоси каби муаммолар, шунингдек, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, ҳозирги кундаги аҳволи, шунингдек, ушбу муаммоларнинг пайдо бўлиш тарихи ҳамда мигрантларни қабул қилувчи мамлакатларга ўтказётган салбий таъсири таҳлил этилган. Хусусан, Мағриб мамлакатлари миграциясининг Францияга таъсирининг ўзига хос хусусиятларига оид масалалар кўриб чиқилган.

◆ В данной статье рассмотрены проблемы незаконной миграции и торговли людьми, о возникновения их причин, а также о настоящих положениях данного вопроса в странах Магриба, таких как Алжир, Марокко и Тунис. Кроме того, в статье анализируются миграция и торговля людьми, а также история происхождения данной проблемы и отрицательные последствия миграции для стран-реципиентов. В частности, рассмотрены особенности влияния миграции стран Магриба на Францию.

◆ This article is about the problems of irregular migration and human trafficking, the emergence of their causes and the actual situations of this issue in Maghreb countries like Algeria, Morocco and Tunisia. In addition, in this article analyzed not only irregular migration and human trafficking, but also history of origin of the problem and negative consequences of migration for recipient countries. In particular, analyzed characteristics of the impact of migration of Maghreb countries on France.

Таянч сўзлар: жиноят, мамлакат, Мағриб, миграцион жараён, ноқонуний миграция, одам, савдоси, сиёсат, таъсир, трансмиллий, Франция, ҳуқуқ.

Ключевые слова: влияние, люди, Мағриб, миграционный процесс, незаконная миграция, политика, последствие, право, преступление, страна, торговля, транснациональный, Франция.

Key words: consequence, country, crime, France, human, impact, Maghreb, irregular migration, migration process, politics, rights, trafficking, transnational.

Мигрантлар савдоси муайян бир давлатнинг миграцион қонунчилигининг бузилиши ҳисобланади. Ушбу савдонинг ўзи қурбонлар ҳуқуқларининг бузилиши саналади. Бироқ ноқонуний мигрантлар ҳам ўзларининг заиф хусусиятлари туфайли кўпинча одам савдосининг қурбонига айланишларида эҳтимоллий кўпчиликни ташкил қилади¹.

2017 йил 15 мартда Франциянинг Оила, Болалик ва аёллар ҳуқуқлари бўйича вазири Лоранс Россиньол зиддиятли вазиятлардаги одам савдоси ва замонавий қулдорлик ҳақида жамоат мунозарасида қатнашиб, Яқин Шарқда “Ислол давлати” ва Африкадаги “Боко Ҳарам” томонидан содир этилаётган жиноятларнинг энг асосий ва ачинарли жиҳати одам савдоси эканини таъкидлаб ўтди. Унинг тақдим этган маълумотларига қараганда, одам савдосидан жабр кўраётганларнинг ушбу ҳолатда 80 фоизини аёллар ва болалар ташкил этаётганлиги барчани хавотирга солиши табиийдир².

Бундан ташқари, одам савдоси жинояти бевожуда ноқонуний миграция билан чамбарчас боғлиқлиги, мазкур жиноятчиликка қарши курашишда аввало унинг келиб чиқиш сабабларидан бири

ҳисобланган ноқонуний миграция жараёнига катта эътибор қаратиш лозимлиги кенг илм-фан жамоатчилиги томонидан ҳам қайта ва қайта тарғиб этилмоқда³.

Жаҳон миқёсида одам савдосига қарши курашишнинг тарихига назар ташлайдиган бўлсак, одам савдосига зид дастлабки уринишлар XVIII асрдаёқ бошланган бўлиб, инсоният ушбу иллатга азалдан қарши курашиб келган.

Буюк Британияда қулфурушликни бекор қилиш гоёси биринчилардан бўлиб, машҳур инглиз инсонпарвар сиёсатчиси, Британия парламенти аъзоси **Уильям Уилберфорс**⁴ томонидан илгари сурилган ва унинг бошчилигида 1791 йилда биринчи қонун лойиҳаси тақлиф этилган. Гарчи ушбу лойиҳа кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланмаган бўлса-да, бироқ қулфурушликка қаршиларнинг сиёсий ҳаракати вужудга келган. Ўшаш ҳолатлар кўшни мамлакатларда эртароқ ёки кечроқ бўлса ҳам юзага келган. Масалан, Франция мустамлакаларида қора танли қулларнинг аҳволи бироз яхшилаш мақсадида 1685 ва 1724 йилларда **“Қора кодекс”** жорий этилган. Қора кодекс (фр. Code noir) Франция қироли Людовик

XIV томонидан 1685 йилнинг март ойида эълон қилинган 60 моддадан иборат, фуқаролик ва жиной мақомга эга бўлган фармон асосидаги француз оролларидаги қора танли қуллар ҳаётини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар тўпламидир.

Ғарбий Европада эса одам савдосига қарши курашишнинг дастлабки ҳуқуқий пойдевори XVIII асрнинг охирида шакллана бошланган⁵. Хусусан, мустамлакалардаги қуллар қўзғолон қилмасликлари учун Франция Миллий Мажлиси 1790 йилда илк бор **декрет**⁶ қабул қилган. Бироқ мустамлакалардаги қора танлилар қулдорлигини тугатиш тўғрисидаги декрет 1794 йилдагина кучга кирган, холос. Мазкур декрет **Наполеон Бонапарт** ҳукмронлиги остида 1802 йил 20 майда ўз кучини йўқотган. Шундай қилиб, 1789 йилдаги француз инқилобидан олдинги қонун-қоидаларга амал қилган ҳолда, қулфурушлик яна давом этаверган.

Қулдорликни тугатиш тўғрисидаги иккинчи декрет 1848 йил 27 апрелда Франция Иккинчи Республикасининг муваққат ҳукумати томонидан имзоланган.

1848 йилдаги инқилобдан сўнг қулдорлик тамомила тугатилган бўлса-да, бироқ амалда француз мустамлакаларида, айниқса, Шарқий Африка мамлакатларида қулфурушлик давом этаверган. Бошқа йирик давлатлар қаторида, Франция мустамлакачилиги ҳам ёш мустақил бўлган мамлакатларнинг ўн йилликлар ва ҳатто юз йилликлар давомида талон-торож қилиниши оқибатида қолақ аҳволга тушиб қолишида тарихан жавобгар ҳамда масъул бўлиб қолган.

Ва ниҳоят, британияликлар 1848 йилда Шарқий Африканинг айрим ҳукмдорларини **“Қулфурушликни ман этиш тўғрисида”**ги шартномани имзолашга мажбур қилишга эришган. Худди шу каби шартномани дастлаб Маскат амири, сўнг Форс кўрфазида яшовчи бошқа қабилалар сардорлари ҳам имзолаганлар.

Африка минтақасида қулфурушликни бутунлай тугатиш бўйича чора-тадбирлар кўришнинг биринчи маротаба халқаро тизимини ишлаб чиқиш мақсадида 1890 йилда Бельгияда конференция ўтказилган ва **“Брюссель конвенцияси”** қабул қилинган. Брюссель конвенцияси (фр. Convention de Bruxelles) бу борада қабул қилинган халқаро-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Мазкур халқаро шартнома 1890 йил 2 июлда Франция, Германия империяси, Австрия-Венгрия, Бельгия Қироллиги, Дания, Испания Қироллиги, Конго мустақил давлати, АҚШ, Буюк Британия, Италия Қироллиги, Голландия Қироллиги, Эрон, Португалия Қироллиги, Россия империяси, Швеция ва Норвегия Бирлашган Қироллиги, Усмонли Турклар империяси, Занзибар султонлиги томонидан имзоланган ва 1892 йил 2 апрелда кучга кирган. Конвенциянинг асосий мақсади африкалик қуллар савдоси-

ни тугатиш ва Африка маҳаллий аҳолисини ҳимоя қилишдан иборат бўлган.

Мазкур анжумандан 9 йил ўтгач, яъни 1899 йилда аёллар савдосига қарши курашиш бўйича Лондонда конференция бўлиб ўтган ва юқори минбарлардан туриб кўптомонлама битимлар ҳамда тегишли миллий кўмиталар тузишга даъват этилган.

Шу аснода, XX асрнинг биринчи ярмида одам савдосига қарши курашиш бўйича дастлабки халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси шакллана бошланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, глобаллашув жараёни тобора ривожланган сари, янгидан-янги таҳдидларни келтириб чиқармоқда. Аввало, замонавий ахборот технологиялари ўзининг ижобий жиҳатлари билан биргаликда салбий таъсирини ҳам ўтказмоқда. Жинойт олами янги шаклларни ўзлаштириб, замонавий қулдорликни пайдо қилди. Зеро, жаҳон ҳамжамияти ахборот асридаги бу янги хавф-хатарларга нисбатан халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг янги авлодини яратишга киришди⁷.

Бинобарин, **“Палермо Конвенцияси”** номи билан машҳур бўлган 2000 йил 15 ноябрдаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг **“Трансмиллий уюшган жинойтчиликка қарши конвенцияси ва уни тўлдирувчи одам савдоси ва айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ва тақиқлаш ҳамда бундай хатти-ҳаракатларга нисбатан жазо қўллаш тўғрисида”**ги кўшимча Протокол одам савдосига қарши курашишнинг умумэтироф этилган ягона ҳуқуқий инструменти ҳисобланади. Ушбу ҳужжат **“одам савдоси”** тусунчасига энг кенг таъриф берган биринчи халқаро конвенциядир. Конвенциянинг асосий мақсади ҳам бу соҳадаги жинойтчиликларнинг нафақат олдини олиш ёки жабрдийдаларни ҳимоя қилиш, балки бундай хатти-ҳаракатларга нисбатан жазо қўллаш жабҳасида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборатдир⁸.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг **“Трансмиллий уюшган жинойтчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи одам савдоси ва айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ва тақиқлаш ҳамда бундай хатти-ҳаракатларга нисбатан жазо қўллаш тўғрисида”**ги кўшимча Протокоliga мувофиқ, қўшмачилик (фоҳишалардан фойдаланган ҳолда даромад кўриш) шахвоний эксплуатация мақсадида содир этиладиган одам савдоси жинойтининг кўринишларидан бири ҳисобланади.

Ушбу ҳужжат уни имзолаган мамлакатлар зиммасига одам савдосига қарши курашиш, айбдорларни жазолаш ва қурбонларни ҳимоялаш каби мажбуриятларни юклайди.

БМТнинг маълумотларига кўра, дунёдаги уюшган жинойтчиликка оид ноқонуний бойиш иерар-

хиясида мигрантлар савдоси гиёҳвандлик модалар савдосидан кейин иккинчи ўринда туради.

Ўз навбатида, ноқонуний иммиграция соҳаси шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар, меҳнат қилиш ҳуқуқини берувчи рухсатномаларни сохталаштиришга, шунингдек, мажбурий меҳнатга (қўшмачилик, номақбул шароитлардаги меҳнат, тиламчилик, замонавий қулдорлик) йўл очиб беради⁹.

Европадаги миграцион сиёсатнинг нисбатан каттиқлашишидан буён Ўртаер денгизининг Жанубий қирғоқларидан меҳнаткаш-мигрантлар ҳар қандай тўсиқларни ва тақиқларни кесиб ўтишга интиломқда. Ушбу мотив жазоирликлар ҳолатида мустасно эмас. Мамлакатдан турли воситалар орқали чиқиб кетишнинг иккинчи сабаби 90-йилларда давом этган зўравон сиёсий можароларга бориб тақалади. Айниқса, сиёсий сабабларга кўра қочиб чиқаётган эркалар ва аёллар очиқ денгиз орқали кемаларда Европанинг соҳилларигача узоқ даҳшатли йўлни босиб ўтиб, у ерда имкон қадар қочоқ мақомини олиб бўлса ҳам, юртларига қайтмасликка ҳаракат қиладилар.

Шу ўринда, ноқонуний миграция аҳволини Мағриб мамлакатлари кесимида ўрганиб чиқиш мумкин. Масалан, Жазоирни олиб кўрсак, у ерда хорижий фуқаролар ҳам сероб, улар мамлакатда яшовчи жами аҳолининг 0,26 фоизни ташкил қилади. Улардан 49,2 фоиз эркалар ва 50,8 фоиз аёллардир. Шу боис, хорижийларнинг Жазоирдаги ноқонуний миграцияси деярли кўринмас ва сезилмас миқдорда. Бироқ унинг ижтимоий кўлами Жазоир учун жиддий муаммо бўлиши мумкин. Чунки Саҳрои Кабирнинг Жанубий қисмидаги қўшни мамлакатлар Мали ва Нигериядан келувчи мигрантлар тобора жадаллашмоқда. Жумладан, Жазоирнинг Жанубий вилоятидаги оғир табиий иқлим туфайли маҳаллий аҳоли Шимолга ҳаракат қилиши ва натижада саноат зоналари бўшаб қолиши хорижий мигрантларга қўл келади. Дастлаб ушбу миграция тебранувчи ва мавсумий бўлган бўлса, эндиликда у доимий хусусият тусини олмоқда.

Бошқа тоифадаги мигрантлар, яъни таваккал қилиб бўлса-да, узоқроқ Шимолий мамлакатларга интилувчилар Жазоирга транзит ҳудуд сифатида қарайдилар. Буларнинг барчаси ноқонуний миграция ва одам савдосининг ривожланишига олиб келади. Албатта, қонуний ва тартибли тарзда кириш учун тўсиқлар деярли йўқ, бироқ мамлакат ҳудудида муддатидан зиёд қолиб кетиш эҳтимолининг юқорилиги сабабли яширин йўллارни излашга ундайди.

Жазоир жандармериясининг ҳисоботларига кўра, ноқонуний хорижий мигрантлар асосан Жанубдан Шимолга қараб юрадиган траектория бўйлаб, қуйидаги шаҳарлар орқали ҳаракатланадилар: Таманрасет, Ин-Салаҳ, Гардаиа, Оран,

Ужда, Танжер. Бу хорижий мигрантлар турли мамлакат фуқаролари, яъни Мали, Кот д'Ивуар, Буркина Фасо, Гана, Сенегал, Нигерия ва Камерун. Йилига тахминан 5000 нафарга яқин ноқонуний мигрантлар Жазоир жандармерияси томонидан қўлга олинади.

Ноқонуний миграцияга шароит яратиб берувчи асосий сабаблардан бири Жазоирнинг Саҳрои Кабир бўйлаб Жанубий назорати табиий жиҳатдан мушкул бўлган бепоён чегаралари ҳисобланади. Ноқонуний йўл билан келган мигрантларнинг ишчи кучи нисбатан арзон бўлганлиги боис, улардан аввало чегара ҳудудларда яшовчи маҳаллий аҳолининг ўзи манфаатдордир. Шунинг учун уларнинг ўзлари ҳам бевосита ноқонуний миграциянинг келиб чиқишида иштирок этади. Хусусан, ноқонуний мигрантларни шахсий уй хўжалигидаги ишларга жалб этиш ҳолатлари тез-тез учраб туради. Бундан ташқари, чегара зоналарида жойлашган турли завод ва фабрикалар, кичик корхоналарда ҳам солиқ тўлашдан бўйин товлаб, ноқонуний мигрантларнинг арзон ишчи кучидан унумли фойдаланиш афзал кўрилади. Мазкур ҳолатларнинг барчаси Жазоирнинг миллий иқтисодиётига салбий таъсир ўтказиши.

Марокашда рухсат этилмаган ҳар қандай миграцияга қарши курашиш ва жазолашга қаратилган қонунчилик 2003 йил 11 ноябрдаги 02-03-сонли янги қонун билан ислоҳ қилинди. Мазкур қонун жазолаш жиҳатига янада кўпроқ урғу берди ва ҳар қандай ноқонуний ёки яширин миграцияга қарши муҳим ҳамда турли аниқ жазоларни кўзда тутди. Миграция қоидаларига риоя қилмаслик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилиш мумкин.

Ноқонуний миграцияга нисбатан Тунисда жазоловчи сиёсатга кўпроқ урғу берилади. Яширин миграциянинг олдини олиш мақсадида бир қатор икки томонлама келишувлар тузилган бўлиб, бунга Тунис ва Италия ўртасидаги битимни мисол қилиш мумкин. Тунис "Палермо Конвенцияси" номи билан машҳур бўлган 2000 йил 15 ноябрдаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси ва уни тўлдирувчи мигрантларни қуруқлик, ҳаво ва денгизда ноқонуний тарзда олиб ўтишга қарши қўшимча Протоколини 2003 йил 31 мартда махсус қарор билан ратификация қилган.

Ўтган асрнинг 80 ва 90-йилларида ноқонуний иммиграция бутун Европага салбий таъсирини ўтказиб келган ҳодисага айланиб улгурди. Дастлаб, ҳар бир мамлакат ушбу муаммога нисбатан ўзига хос ечимларни ишлаб чиқишга ҳаракат қилди. Европа интеграциялашув жараёни маҳсули сифатидаги Шенген зонаси турли қулайликлар билан бир қаторда, трансмиллий уюшган жиноятчиликка замин яратиб берди.

Мағриб мамлакатларининг ўтмишдаги мустам-

лакачиси Франция тарихидаги аччиқ воқеалар, хусусан, собиқ мустамлакачилик (замонавий қиёфа олган **неоколониализм**¹⁰) сиёсатининг салбий оқибатлари **бумеранг қонунияти**¹¹ каби француз жамиятида ўз аксини топмоқда. Масалан, иқтисодий заиф ҳолатга келиб қолган Мағриб минтақасидаги собиқ француз мустамлака давлатларидан арзон ишчи кучининг ҳаракатланиши ноқонуний иммиграциянинг оқимини жадаллаштирамоқда. Ўз навбатида, бу ҳодиса нафақат меҳнат ва иқтисодий муносабатларга, балки Ғарбий Европа халқларининг миллий ўзлиги, ижтимоий ва маданий ҳаётига улкан таъсир ўтказмоқда¹².

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, гарчи Мағриб мамлакатлари ноқонуний миграцияга қарши курашишда бой тажрибага ва етарли даражада механизмларга эга бўлса-да,

ушбу жиноятга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари фақат халқаро ҳужжатлар ва миллий қонунчилигидаги бир неча нормалар билан чекланиб қолган. Мазкур феноменни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи, атамаларга тўлиқ таъриф ва изоҳ берувчи алоҳида ҳуқуқий механизм мавжуд эмаслиги ноқонуний миграция ва одам савдосига қарши курашувчи идораларнинг фаолиятига ўз таъсирини ўтказиши табиийдир. Бу эса айрим бартараф этилиши лозим бўлган тўсиқларни кескин тус олишига замин бўлмоқда. Жаҳон амалиётида намуна бўлишга арзигулик кўпгина мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда¹³ ҳам, одам савдосига қарши курашиш тўғрисида алоҳида қонунлар қабул қилинганлиги шахснинг шаъни ва кадр-қимматини жинойий тажовузлардан ҳимоя қилишнинг самарали воситаси бўлиб хизмат қилмоқда.



¹ La lutte contre la traite et l'exploitation des ktres humains. Rapport de la Commission nationale consultative des droits de l'homme. Paris: La documentation Franzaise, 2016. P.123.

² Dibat public sur la traite des ktres humains et l'esclavage moderne en situation de conflits. Intervention de Mme Laurence Rossignol, Ministre des Familles, de l'Enfance et des Droits des femmes au Conseil de sйcuritй, Reprйsentation permanente de la France aupris des Nations Unies a New York, le 15 mars 2017. <https://onu.delegfrance.org/80-des-victimes-de-la-traite-d-etres-humains-sont-des-femmes-des-enfants>

³ Milena Jakлiж, La traite des ktres humains en France. De la victime idйale a la victime coupable. Paris, CNRS Editions, 2016. 304 pages.

⁴ **Уильям Уилберфорс** (William Wilberforce; 1759-1833) сиёсатчи ва инсонпарвар, Британия парламенти аъзоси. У қулдорлик ва қулфурушликка қарши курашиш бўйича фаол ҳаракат қилган ва 1789 йил 12 майдаги Инглиз парламентининг қуйи палатасида қулфурушликка қарши сўзлаган нутқи билан машҳур.

⁵ La Rйvolution franzaise et l'abolition de l'esclavage, E.D.H.I.S., Paris, 1968, 12 volumes.

⁶ **Декрет** (фр. *Decret*) давлат ёки ҳукумат бошлиғи чиқарган норматив ёки ҳуқуқий ҳужжат; қонун кучига эга бўлган қарор, фармойиш. Франция Республикасининг Конституцияси // Конституция ва парламентаризм ҳақида. Конституциявий ҳуқуқ бўйича биринчи Ўзбекистон ва Франция семинари материаллари (2011 йил 6 май, Тошкент шаҳри) / Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2012. 234-б.

⁷ Laurence Alliaume, Jocelyne Kan. La traite des ktres humains, un dйfi mondial. INHES, 2009. 220 pages.

⁸ Kristine Plouffe-Malette. Protection des victimes de traite des ktres humains. Approches internationales et europйennes. Prйface de Olivier Delas. Paris: Bruylant, 2013. 224 pages.

⁹ Jean-Michel Deveau. Le retour de l'esclavage au XXIe siacle. Karthala Editions, 2010. 240 pages.

¹⁰ **Неоколониализм** (лот. *neocolonialisme*) Жаҳоннинг саноати ривожланган мамлакатлари томонидан Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги ривожланаётган мустақил мамлакатларга нисбатан қўлланаётган, ҳуқуқий жиҳатдан тенг бўлмаган иқтисодий ва сиёсий муносабатлар тизими, янгича мустамлакачилик сиёсати. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли // А.Мадвалиев таҳрири остида. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006-2008. Ж.3. Н-Тартибли. 2007. 688-б.

¹¹ **Бумеранг қонунияти** тесқари таъсир этувчи куч тўғрисидаги қоида.

¹² Именитова И. Три этапа трансформации французской национальной идентичности [Электронный ресурс] // Россия и Запад: диалог культур. 2014. №5. С. 1-10.

¹³ Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, 4-сон, 180-модда.

Феруза МИРУКТАМОВА,
ЖИДУ МУСТАКИЛ ИЗЛАНУВЧИСИ

ЮВЕНАЛ ҲУҚУҚ ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ

✦ Мақолада ювенал ҳуқуқ тушунчаси ҳуқуқнинг мустақил соҳаси сифатида кўриб чиқилган, шунингдек муаллиф томонидан ювенал ҳуқуқнинг тушунчаси, предмети, институти ва нормаси тушунчаларига таъриф берилган, ювенал ҳуқуқ фани юридик фанларнинг бир қисми сифатида ёритилган.

✦ В статье разъясняется понятие ювенального права как самостоятельной отрасли права. Также, автором даны авторские понятия сущности, предмета, института и нормы ювенального права, освещены вопросы науки ювенального права как части юридической науки.

✦ In this article studied the concept of a "juvenile law" as an independent branch of a law. The author also interprets the concept, subject, institution and the standard of a "juvenile law". Besides the article considers some issues of a science of a "juvenile law" as a part of legal science.

Таянч сўзлар: ювенал ҳуқуқ, ювенал ҳуқуқ предмети, ювенал ҳуқуқий муносабатлар, ювенал ҳуқуқ институти, ювенал ҳуқуқ нормаси, ювенал ҳуқуқ фани.

Ключевые слова: ювенальное право, предмет ювенального права, ювенально-правовые отношения, институт ювенального права, норма ювенального права, наука ювенального права.

Key words: juvenile law, the subject of a juvenile law, relations governed by a juvenile law, the institution of a juvenile law, the standards of a juvenile law, the science of a juvenile law.

Ҳозирги кунда бола ҳуқуқларини таъминлаш глобал муаммолардан бирига айланди ва уни ҳал этиш билан боғлиқ масалалар жаҳон ҳамжамиятининг доимий диққат-этиборида турибди. Бу бежиз эмас. Чунки ёш авлод жамият тараққиёти ва истиқболлини таъминловчи етакчи куч ҳисобланади.

Болалар ҳуқуқларини халқаро миқёсда ҳимоя қилиш давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг бола ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган ўзаро ҳамжиҳатликдаги сўй-ҳаракатлари тизимидан иборат. Бу соҳадаги халқаро стандартларни шакллантириш мақсадида декларациялар, резолюциялар, конвенциялар ишлаб чиқиш, бола ҳуқуқлари ҳимояси бўйича махсус назорат органи тузиш, давлатларнинг миллий қонунчилигини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, БМТ Болалар жамғармаси ЮНИСЕФ орқали халқаро кўмак бериш шулар жумласидандир.

Шу нуқтаи назардан, халқаро ҳуқуқ тизимида жисмоний ва ақлий жиҳатдан камолотга етмаган, алоҳида эйтибор ва ғамхўрликка, бинобарин, туғилгунча ва туғилгандан кейин ҳам ҳимояга муҳтож болаларга тақдим этилаётган ҳуқуқ, имтиёз ва кафолатларни қамраб олувчи «бола ҳуқуқлари» соҳаси юзага келди. Вояга етмаганлар ҳуқуқлари инсон ҳуқуқлари концепциясининг ажралмас қисми бўлиб, ўзига хос тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Вояга етмаган шахснинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи юридик нормалар амалда кўп сонли ҳуқуқ тармоқлари таркибига киради. Мазкур вазият вояга етмаганлар иштирокидаги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда ўз-ўзидан ҳам коллизиялар, ҳам бўшлиқлар пайдо бўлишига олиб келади. Айни шу сабабли вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш муаммоларига нисбатан кенг кўламли ҳуқуқий ёндашувни ҳамда вояга етмаганлар иштирокидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун махсус органлар (ювенал адлия органлари) тизимини яратиш талаб этилади. Шу туфайли ҳам ҳозирги вақтда вояга етмаган шахснинг ҳуқуқий мақомини белгилаш учун миллий ҳуқуқ ва қонунчиликнинг янги тармоғи ювенал адлияни шакллантириш зарурияти пайдо бўлди. Ўз навбатида, мазкур тармоқ доирасида юқорида зикр этилган махсус органлар фаолиятини тартибга солиш амалга оширилади.

“Ювенал” сўзи этимологик жиҳатдан латинча *juvenis* (junior) сўзидан келиб чиққан бўлиб, ёш, ўсмир, ўспирин, қиз деган маънони англатади¹.

Ҳуқуқнинг ювенал тармоғини алоҳида ажратиш учун асос бўлиб вояга етмаган шахс иштирокидаги ижтимоий муносабатларни одатда бошқа ҳуқуқ тармоқларига кирган нормаларни бирлаштириш йўли билан тизимли тартибга солишнинг хусусияти хизмат қилади. Тармоқ тушунчаси

одатдаги талқинининг баъзи бир тарафдорлари юқорида баён этилган ҳолатни англасалар-да, ҳуқуқ тизими кенг кўламли бўлимларининг мавжудликка бўлган ҳуқуқини тан оладилар.

Ҳар қандай ҳуқуқ тармоғи сингари, ювенал ҳуқуқ ҳам ўз ҳуқуқий тартибга солиш предмети ва методи билан ажралиб туради. Ювенал ҳуқуқнинг тартибга солиш предмети бола эмас, балки тарафларнинг камида биттаси вояга етмаган шахс бўлган мавжуд ижтимоий муносабатлар тўплами ташкил этади. Уларга қуйидагилар киради: одатда ҳуқуқнинг ихтисослашган тармоқлари (конституциявий, молия, солиқ, оила, фуқаролик, фуқаролик процессуал, меҳнат, ижтимоий таъминот, маъмурий, жиноят, жиноят-ижроия, жиноят-процессуал ва бошқ.) билан тартибга солинадиган муносабатларда боланинг тегишли мақомини таъминлаш тартиби ва шартлари; иштирокчиси бўлган болага катталар қарама-қарши турувчи шахсий номулкий ва мулкый, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муносабатлар; ювенал адлия тизимининг шаклланиши ва фаолияти билан боғлиқ муносабатлар доирасида вояга етмаганларнинг юридик жавобгарлиги шакллари ва тартиби каби². Ўз-ўзидан равшанки, мазкур ижтимоий муносабатлар доираси жуда кенг ва ранг-баранг. Уларда субъектлардан фақат биттаси вояга етмаган шахс ягона асос сифатида амал қилади.

Ювенал ҳуқуқнинг предмети, вояга етмаганлар иштирокидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлардир. Яъни 18 ёшга тўлмаганлар тўғрисида сўз юритганда, ювенал ҳуқуқий муносабат тушунчасини четлаб ўтиш мумкин эмас. Ювенал ҳуқуқий муносабатни шундай бир ижтимоий муносабатлар тизими сифатида тавсифлаш мумкинки, унинг доирасида вояга етмаган шахсга алоҳида субъектив ҳуқуқлар берилади ҳамда муайян юридик бурчлар юкланади. Айни шу ҳуқуқлар ва бурчлар воситасида вояга етмаган шахс ювенал ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа субъектлари билан боғланади. Ювенал ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос хусусияти шунда намоён бўладики, уларда бола ҳам бевосита (ҳуқуқий муносабатнинг иккинчи субъекти билан шахсий алоқага киришиш орқали), ҳам билвосита (масалан, қонуний вакиллари орқали) иштирок этиши мумкин; бир томондан, мазкур муносабатларни тартибга солишда вояга етмаганларга муайян имтиёзлар белгиланади, бошқа томондан эса, ювенал адлия субъектларининг тегишли ҳуқуқий муносабатларда умумий иштирок этиш имкониятлари тораяди ёки кенгаяди.

Ювенал ҳуқуқий муносабатларнинг ҳаммасини ҳам ҳуқуқий тартибга солиш талаб этилмайди. Уларнинг кўпчилиги мавжуд аънаналар ва ижтимоий ахлоқ билан тартибга солинади (масалан, дўстлик, ўртоқлик, ўзаро ҳурмат, садоқат, муҳаббат муносабатлари). Ҳуқуқ нормалари мавжуд

муносабатлар алоҳида ижтимоий аҳамиятга эга деб эътироф этилган ва зарурат тақозо этган тақдирдагина мазкур муносабатларни тартибга солиш учун қўлланилиши лозим.

Ювенал ҳуқуқий муносабатлар доирасида вояга етмаган шахснинг ҳолати, энг аввало, унинг ҳуқуқий мақоми билан белгиланади. Бунда вояга етмаган шахсларнинг умумий мақоми ҳамда ҳуқуқий муносабатнинг муайян вояга етмаган субъекти мақоми фарқланади.

Ювенал ҳуқуқий муносабат ҳам содда (масалан, боланинг меҳнат ҳуқуқлари соҳасида), ҳам мураккаб (айтайлик, боланинг фуқаролик ҳуқуқлари соҳасида, бу ерда бир нечта субъектлар жисмоний ёки юридик шахслар иштирок этганда) бўлиши мумкин.

Ҳар қандай ҳуқуқ тармоғининг ҳуқуқий тартибга солиш методи деганда, ҳуқуқ нормалари унинг предметига кирувчи ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатиш учун фойдаланадиган ҳуқуқий воситалар ва усуллар тизими тушунилади. Мазкур таъсир чоралари самарали бўлиши ва мўлжалланган натижага эришиш имконини бериши учун тартибга солинаётган муносабатлар табиатига мос келувчи воситалар қўлланилиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, ҳуқуқий тартибга солиш методининг мазмуни асосан тартибга солинаётган муносабатларнинг хусусияти билан белгиланади.

Шу билан бир вақтда, ювенал ҳуқуқ ҳам айрим шахсларнинг муносабатларини қўриқловчи ва тартибга солувчи, ҳам давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг фаолият тартибини мустаҳкамловчи нормалардан таркиб топгани боис, уни миллий ҳуқуқ тизимининг хусусий-оммавий тармоқларига киритиш ўринли бўлади.

Юқорида баён этилганлар ювенал ҳуқуқ бу миллий ҳуқуқ тизимининг тарафларидан ҳеч бўлма-са биттаси бола бўлган ижтимоий ҳуқуқий муносабатлар (ювенал ҳуқуқий муносабатлар)ни тартибга солувчи, вояга етмаган шахснинг мазкур ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси сифатидаги ҳуқуқий мақомини шакллантирувчи, вояга етмаганларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш механизмларини ўрнатувчи, шунингдек органлар ва муассасалар (ювенал адлия органлари) тизимининг вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш ва қўриқлашга қаратилган фаолияти принциплари ҳамда ваколатларини белгиловчи комплекс тармоғи, деган ҳулосага келиш имконини беради.

Ювенал ҳуқуқ ҳуқуқнинг комплекс тармоғи сифатида бир қатор ҳуқуқ тармоқлари, чунончи: халқаро, конституциявий, фуқаролик, оила, меҳнат, маъмурий, жиноят, жиноят-ижроия, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал ҳуқуқи билан чегарадош. Бу тасодифий бир ҳол эмас, зеро мазкур ҳуқуқ тармоғининг предмети илгари

юқорида зикр этилган ва бошқа ҳуқуқ тармоқлари томонидан тартибга солинган вояга етмаганлар иштирокидаги ижтимоий муносабатлар жумласига кирган, ювенал ҳуқуқ ҳуқуқнинг мустақил комплекс тармоғи сифатида эътироф этилганидан сўнг унинг предметида киритилган алоҳида ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

Ювенал ҳуқуқ тизими унинг муҳим хусусияти ҳисобланади. Маълумки, ҳуқуқ тизими бу тартибга солинаётган ижтимоий муносабатлар мажмуи билан объектив белгиланган, норматив материални бирлаштириш ва муайян кетма-кетликда жойлаштиришда ифодаланадиган ҳуқуқнинг ички тузилиши, яъни ҳуқуқ тизимини ташкил этувчи юридик нормаларнинг муайян гуруҳларга бирлашишини кўрсатади³. Ҳуқуқ тармоғини таркибий элементларга ажратиш ҳуқуқий институт ва ҳуқуқ нормалари тушунчаларига асосланади.

Ювенал ҳуқуқ институти деганда, унинг доирасида шаклланган, сўнг алоҳида ажралиб чиққан, вояга етмаганлар иштирокидаги сифат жиҳатидан турдош ижтимоий муносабатларни (масалан, фуқаролик-ҳуқуқий, оила, меҳнат муносабатларини) тартибга соладиган ҳуқуқий нормалар гуруҳи тушунилади.

Ҳуқуқ нормаси ҳар қандай ҳуқуқ тармоғининг бирламчи унсури, таркибий элементи ҳисобланади⁴. Ювенал ҳуқуқ нормаси бу давлат ҳокимияти органининг амрномалари кўринишида ифодаланган, вояга етмаган шахснинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишни мустақил равишда амалга оширишга (ёки бошқа ҳуқуқий нормаларнинг таъсирини кучайтиришга) ҳамда мазмун жиҳатидан ўзига хос ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган умуммажбурий амр ҳисобланади.

Ювенал қонунчиликнинг шаклланиш жараёни ҳали давом этаётган бугунги кунда, миллий қонунчиликда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг Ўзбекистондаги аналогига айланишга қодир бўлган махсус норматив ҳужжатлар (масалан, Ювенал кодекс, “Ўзбекистон Республикасида давлат ювенал сиёсати асослари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида Бола ҳуқуқлари бўйича вакил тўғрисида”ги, “Вояга етмаганлар ишлари бўйича судлар тўғрисида”ги ва бошқа бир қатор қонунлар) йўқлиги туфайли, олимлар ва амалиёт мутахассислари, ҳуқуқ ҳимоячилари томонидан Ўзбекистон Республикасида бир қатор чет эл давлатларидаги каби⁵ вояга етмаганларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга доир махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш таклиф қилинмоқда.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи норматив ҳужжатларнинг барчасини ва тегишли ҳуқуқий нормаларни турли асосларга кўра, чунончи: вазифаси, амал қилиш доираси, юридик кучи, тармоққа мансублиги ва ҳоказолар-

га кўра таснифлаш мумкин. Бундай таснифлаш, гарчи шартли хусусиятга эга бўлса-да, ҳуқуқий тартибга солишни аниқ ва оқилона амалга оширишга ёрдам беради.

Вазифасига кўра ювенал ҳуқуқ нормалари қуйидагича таснифланади:

а) инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини эълон қиладиган, жамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзолари ҳисобланувчи вояга етмаганларга нисбатан ҳам татбиқ этиладиган, Конституцияда ва тармоқларга оид бир қатор қонунларда ифодаланган умумий нормалар;

б) вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш учун махсус яратилган нормалар. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг “Вояга етмаганлар жавобгарлиги хусусиятлари” деб номланган олтинчи бўлими, Меҳнат кодекси XIV бобининг “Ёшлар учун қўшимча кафолатлар” деб номланган 2-ўи, ЖПКнинг “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш” деб номланган 60-бобини келтириш мумкин.

Амал қилиш доирасига кўра қуйидаги ҳужжатларни фарқлаш мумкин:

а) *халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар*. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин: 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси; 1989 йилги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ Конвенцияси; 1990 йилги Болаларнинг яшаб қолиши, ҳимоя қилиниши ва ривожланишини таъминлаш тўғрисидаги умумжаҳон декларацияси; 1985 йилги БМТнинг Вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга оширишга доир минимал стандарт қоидалари (Пекин қоидалари) ва бошқа.⁶

б) *давлатнинг бутун ҳудудида амал қилувчи норматив ҳуқуқий ҳужжатлар* (қонунлар ва қонун-ости ҳужжатлари).

Юридик куч мезонига кўра қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ажратиш мумкин:

а) халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар;

б) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;

в) қонунлар;

г) қонуности ҳужжатлари (мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари, вазирликлар ва идораларнинг ҳужжатлари);

д) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳужжатлари (мисол тариқасида, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2015 йил 5 февралдаги “Тошкент шаҳрида ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 85-сон Қарорини келтириш мумкин.)

Тармоққа мансублик белгисига кўра вояга етмаганларнинг конституциявий, оила, фуқаролик, меҳнат, маъмурий, жиноят, жиноят-ижроия, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал ҳуқуқи ва

бошқа ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги ҳуқуқий мақомини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фарқланади.

Ҳуқуқий тартибга солиш усулига кўра ювенал ҳуқуқнинг амал қилиш соҳасида асосан ҳуқуқий нормаларнинг икки тури фарқланади:

а) императив ҳуқуқий нормалар ҳамма учун мажбурий бўлган, ҳукми доирасидан четга чиқишга йўл қўйилмайдиган меъёрлар (кўпроқ жиноят, жиноят-ижроия, жиноят-процессуал қонунчилик нормаларига ҳос);

б) диспозитив ҳуқуқий нормалар субъектларга муносабатларни ўз ихтиёрига қараб тартибга солиш имконини берувчи нормалар (уларга фуқаролик, фуқаролик процессуал, оила ҳуқуқи нормалари мисол бўлиши мумкин).

Ҳуқуқий назария ва юридик адабиётларда ювенал ҳуқуққа ҳам ҳуқуқнинг мустақил тармоғи, ҳам тармоқлараро институт, ҳам қонунчилик тармоғи, ҳам илмий билим соҳаси сифатида ва ниҳоят, ўқув фани сифатида қараш одат тусини олган.

Ювенал ҳуқуқ фани вояга етмаганлар иштирокидаги ижтимоий муносабатлар мазмунини тадқиқ этиш, уларнинг самарадорлик даражасини аниқлаш ҳамда ювенал қонунчилиқни такомиллаштириш бўйича асосланган тавсияларни таърифлаш билан шуғулланади⁷. Ювенал ҳуқуқ фанининг ювенал адлия тизимидаги қирувчи турли органлар ва муассасалар амалий фаолияти билан узвий алоқаси мазкур фанни ривожлантиришнинг зарурий омили ҳисобланади. Бу алоқа ювенал-ҳуқуқий нормаларнинг қўлланиш амалиётини ўрганиш ва умумлаштиришда, шунингдек ювеналист олимлар томонидан тайёрланган қонунчилик таклифларининг ювенал адлия органлари ходимлари томонидан муҳокама қилинишида ифодаланиши мумкин ва лозим.

Қуйидагилар ювенал ҳуқуқ фанининг предмети деб эътироф этилади:

вояга етмаганларнинг ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари сифатидаги ҳуқуқий ҳолатига таллуқли бўлган назарий қоидалар;

ювенал ҳуқуқнинг миллий ҳуқуқ тизими бошқа тармоқлари билан ўзаро муносабатлари;

ихтисослашган органлар ва муассасалар (ювенал адлия органлари) фаолиятининг хусусиятларини ўрганиш;

жамият ва давлат ривожланишининг ҳозирги босқичида ювенал сиёсатнинг асосий йўналишлари.

Ювенал ҳуқуқ фанининг предмети ҳуқуқ тармоғи сифатидаги ювенал ҳуқуқ предметидан кенгрок, зеро кўрсатилган фан предметининг мазмунига амалдаги ювенал қонунчилик ҳамда уни қўлланиш амалиёти билан бир қаторда, ювенал ҳуқуқи фанининг ривожланиш тарихини тадқиқ этиш, чет эл давлатларининг ювенал ҳуқуқини

ўрганиш ҳам киради. Ювенал ҳуқуқ фанига бошқа фанларга ҳам маълум бўлган тадқиқот методлари: тарихий-ҳуқуқий, қиёсий-ҳуқуқий, формал-догматик, конкрет-социологик, диалектик, статистик методлар ҳос.

Ювенал ҳуқуқ фани қонун чиқарувчи ва ҳуқуқни қўлловчи органлар фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Бу, шу жумладан, ювенал ҳуқуқ ва қонунчилик масалалари бўйича қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, бу борада маслаҳатлар бериш ва уларни эксперт сифатида баҳолашда, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисида вояга етмаганларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалалари бўйича ўтказиладиган парламент йиғилиши ва тадбирларида олимлар ва амалиёт мутахассисларининг иштироки шаклида ифодаланади.

Ювенал ҳуқуқ айни вақтда махсус ўқув фани ҳамдир. Мазкур фаннинг асосий мазмунини вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасида амалда бўлган халқаро ва миллий қонунчиликни ҳамда уни қўлла-ниш амалиётини ўрганиш ташкил этади⁸.

Ҳозирги кунда бир қатор хорижий олий таълим муассасаларида “Ювенал ҳуқуқ” фан сифатида ўқув дастурларига киритилган⁹.

“Ювенал ҳуқуқ” фанининг ўқув тизимида жорий этилиши натижасида талабалар Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, бола ҳуқуқларининг кафолатлари соҳасидаги муносабатлар, бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш бўйича давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти ҳамда бу борада халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш йўллари, колаверса, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни камайтириш чоралари ва муаммолари юзасидан ҳуқуқий билимга, кўникмаларга эга бўлишади.

Шунингдек, фанни ўзлаштириш натижасида талабалар ювенал юстиция амалда жорий этилган хорижий давлатларнинг бу борадаги кенг тажрибаси ва хорижий ювенал юстиция тизимлари билан танишишади. Бизнинг мамлакатимизда ҳам ювенал юстицияни жорий этиш, уни шакллантириш ва ривожлантириш борасида ўзининг фикри, тасаввури ва билимига эга бўлади.

Келгусида ёш ҳуқуқшунослар бу соҳада эгаллаган билимини қўллаш, фаолияти давомида керакли қонунлардан фойдаланиш, ювенал қонунчилик доирасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг илмий матнлари билан ишлаш, бола ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик ҳужжатларидан амалда тўғри фойдаланиш, ижтимоий-педагогик фаолиятда ювенал ҳуқуқни қўллашнинг методи ва усулларидан фойдаланиш, болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини яратиш бўйича олган билимларига асосланиб, ўз фаолияти-

ни йўлга қўйиш каби кўникмаларга эга бўлади.

Умуман олганда, ювенал ҳуқуқ соҳасида ихтисослаштирилган илмий бўлимларни ташкил этиш ва ривожлантириш ҳамда бу бўйича комплекс илмий тадқиқотларни олиб бориш, муаммоларни ўрганиш келажакда ҳуқуқшунос-ювенолог, ювенолог-психолог каби ихтисосликка эга ҳам назариётчи, ҳам амалиётчи ювенолог-мутахассисларни тайёрлаш имкониятларини очиб беради. Бу каби мутахассислар бўлғусида ювенал юстицияни амалда жорий этишда, колаверса, ювенал судларни шакллантиришда жуда фойдали ва зарур, деб ўйлаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, “ювенал ҳуқуқ” фани бўлажак ҳуқуқшуносларда вояга етмаганлар ва уларнинг оилалари билан боғлиқ ижтимоий-

ҳуқуқий муаммоларни ҳал этишда ҳуқуқий маданият ва компетентлик асосларини шакллантиришда кўмак беради. Асосийси, бу фан талабаларда Ўзбекистон Республикасида:

вояга етмаганларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги билимларни умумлаштириш ва бирлаштириш;

бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳимояланганлик даражасига баҳо бериш;

бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг оптимал йўлларини ишлаб чиқиш;

ювенал сиёсатнинг ҳозирги ҳолати тўғрисида яхлит тасаввурни шакллантириш юзасидан талабаларда ҳуқуқий билим ва саводхонликни янада ошириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади.



- ¹ Латинский язык / В.Н. Ярхо, В.И. Лобода. М., 1969. 354-б.
- ² Борисова Н.Е. Развитие ювенального права в России. М., 1999. 79-б.
- ³ Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Ҳ.Ҳ.Бобоев ва Х.Т.Одилқориевлар умумий таҳририда. Тошкент: 2000. 313-б.
- ⁴ Юқоридаги манба. 314-б.
- ⁵ Мисол учун, “Ёшлар ва жиноий далиллар тўғрисида”ги (Англия, 1999), “Вояга етмаганлар ишлари бўйича судлар тўғрисида”ги (АҚШ, 1899), “Вояга етмаганлар одил судлови тўғрисида”ги (Австралия, 1997), “Болалар суди тўғрисида”ги (Германия, 1953), “Вояга етмаганлар суди тўғрисида”ги (Япония) ва бошқа кўплаб хорижий давлатларнинг қонун ҳужжатларини келтириш мумкин.
- ⁶ Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар (тўплам). Тошкент: Адолат, 2004. 220-б.
- ⁷ http://lawtoday.ru/razdel/biblio/yuvenal-pr/DOC_003.php#sub_9916
- ⁸ Рабец А.М. Ювенальное право Российской Федерации: учебник для магистров: учебник для вузов по юрид. специальностям: доп. М-вом образования и науки РФ. М., ЮРАЙТ, 2012. 399-с.
- ⁹ Мисол тариқасида, Россия Таълим ва фан вазирлигига қарашли Шарқий-Сибирь давлат технологиялар ва бошқарув университети (Восточно-Сибирский государственный университет технологий и управления), Новосибирск давлат педагогика университети (Новосибирский государственный педагогический университет), Тюмень давлат университети (Тюменский государственный университет), Н.Г.Чернышевский номидаги Саратов миллий тадқиқот давлат университети (Саратовский национальный исследовательский государственный университет имени Н.Г.Чернышевского), Перм давлат гуманитар-педагогика университети (Пермский государственный гуманитарно-педагогический университет), Ф.М.Достоевский номидаги Омск давлат университети (Омский государственный университет им. Ф.М. Достоевского), АҚШнинг Виржиния штатидаги «Liberty University School of Law», Пенсильвания штатидаги «Penn State Law - University Park», Калифорния штатидаги Сан Франциско Университети (The University of San Francisco), Колорадо штатидаги «University of Colorado Boulder» университети ва бошқа кўплаб хориждаги таълим муассасаларини келтириш мумкин.

Рустамжон МАДАЛИЕВ,
мустақил тадқиқотчи

СУД-ТЕРГОВ ФАОЛИЯТИДА ВИДЕОКОНФЕРЕНЦАЛОҚАДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

✦ Мақолада суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштиришда видеоконференцалоқадан фойдаланишнинг асослари, бу борада АҚШ, Канада, Финляндия, Янги Зеландия, Австралия, Буюк Британия ва Германия каби давлатларнинг суд-тергов фаолиятида замонавий АКТдан фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ва институционал асослари қиёсий таҳлил қилинган.

✦ В статье обсуждаются основы использования видеоконференций для дальнейшего совершенствования судебно-правовой системы, при этом, проведен сравнительный анализ законодательных и институциональных рамок для использования современных ИКТ в судебно-розыскной деятельности таких стран, как США, Канада, Финляндия, Новая Зеландия, Австралия, Великобритания и Германия.

✦ The article discusses the basics of using videoconferences to further improve the judicial and legal system, while a comparative analysis of the legislative and institutional framework for the use of modern ICT in forensic activities in countries such as the USA, Canada, Finland, New Zealand, Australia, Germany.

Таянч сўзлар: фуқаро ҳуқуқи, суд-ҳуқуқ, видеоконференцалоқа, жиноят-процессуал қонунчилик, видеоконференцалоқанинг меъёрий-ҳуқуқий жиҳати.

Ключевые слова: гражданское право, судебное право, видеоконференция, уголовно-процессуальное право, правовая база видеоконференций.

Key words: civil law, judicial law, videoconference, criminal procedural law, legal framework for videoconferences.

Бугун жамият ҳаётининг барча жабҳаларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларига бўлган эҳтиёжнинг тобора ортиб бораётгани, шунингдек, унинг имкониятларидан самарали фойдаланишни тақозо этмоқда. Бу жараён мамлакатни ривожлантиришнинг замонавий талаблари ва стратегик вазифаларида ҳам намоён бўлиб, суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштиришда устуворлик касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари мазкур соҳадаги давлат сиёсатини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариб, бир неча устувор йўналишларни белгилаб берди ҳамда уларни амалга ошириш мақсадида суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига бир қатор муҳим вазифаларни юкледи.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш

мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрда “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Мазкур фармонда қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, адолатлилик ва айбсизлик презумпцияси каби конституциявий принципларни сўзсиз ва оғишмай таъминлаш, суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонунчилигини янада такомиллаштириш мақсадида ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш (ўта оғир жиноятлар бўйича), тинтув, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти тарзидаги процессуал ҳаракатларни видеоёзув воситаларидан фойдаланган ҳолда мажбурий видеода қайд этиш қатъий белгилаб қўйилди.

Тергов самарадорлигини янада ошириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар қаторида тергов жараёнига видеоконференцалоқани жорий этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Амалиётдан шу нарса маълумки, жиноят ишларининг

ўз вақтида ва сифатли тергов қилинишини таъминлашда гувоҳ, жабрланувчи ҳамда айбланувчиларни сўроқ қилиш, юзлаштириш ва шу каби бошқа тергов ҳаракатларини ўтказишда уларни ушбу жараёнга жалб этиш, яъни республиканинг олис ҳудудидан тергов органига келтирилишида ёки терговчининг иштирокчиларни сўроқ қилиш учун хизмат сафари билан боғлиқ йўл харажатлари ва тергов муддатининг чўзилиб кетиши каби муаммолар юзага келмоқда. Бу эса ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 351-моддасида белгиланган тергов муддатларининг бузилишига олиб келади.

Қайд этилган муаммолар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдига жиноятларни тез ва сифатли фош этиш ҳамда тергов қилишда видео-конференцалоқа каби замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш заруриятини келтириб чиқаради.

Бу борада АҚШ, Канада, Финляндия, Янги Зеландия, Австралия, Буюк Британия ва Германия каби давлатларнинг суд-тергов фаолиятида замонавий АКТдан фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ва институционал асослари қиёсий таҳлил қилинди. Хусусан, ривожланган давлатлар амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, жиноятларни тергов қилиш ҳамда суд босқичида видео-конференцалоқа алоҳида аҳамиятга эга. Дастлаб, видео-конференцалоқа АҚШда жиноят суд ишларида амалиётга татбиқ этилган бўлиб, ҳозирда жиноят процессининг барча босқичларида қўлланилади.

Америкалик қонуншунослар томонидан ишлаб чиқилган “XXI асрда суд жараёни” лойиҳасида жиноят процессида замонавий ахборот технологиялари ёрдамида халқаро жиноят ҳуқуқини тақомиллаштириш назарда тутилади. Лойиҳа доирасида суд жараёнида қўллаш учун замонавий технологияларни ишлаб чиқиш, шунингдек, XXI асрда суд мажлиси залларини замонавий технологиялар билан жиҳозлаш белгилаб берилган.

Бундай имкониятларга эга бўлган суд залидан биринчи марта Массачусет штатининг Округ судида 2002 йилнинг апрелида фойдаланилган ва намунавий жараён сифатида турли қитъада жойлашган учта суд ўртасида видео-конференцалоқа ўрнатилган. Бироқ, АҚШ жиноят-процессуал қонунчилигида видео-конференцалоқа орқали бирор кўрсатмани олиш асослари ва шаклини белгилаб берувчи ҳуқуқий нормалар берилмаган. Амалиётда бундай масалалар округ судлари томонидан ишни кўриш жараёнида ўхшашлигига қараб ҳал этилади¹.

Шунингдек, Канада Жиноят кодексининг 650-моддасида суд музокарасида айбланувчининг иштирок этиш имкониятлари кўриб чиқилган

бўлиб, “кабель телевидениеси ёки бошқа ҳар қандай восита орқали судга ва айбланувчига бир вақтнинг ўзида суд музокарасида кўришган ҳолда иштирок этиш ва жараённинг ҳар қандай босқичида оғзаки сўхбатлашиш имкони”² белгилаб берилган. Шунингдек, ушбу технологиялар ёрдамида гувоҳларнинг кўрсатма беришлари ҳам назарда тутилган.

Финляндиянинг “Жиноят ишлари бўйича суд иш юритуви тўғрисида”ги Қонунида куйидаги ҳолатларда гувоҳ кўрсатмаларини видео-конференцалоқа орқали эшитиш тартиби белгилаб қўйилган:

1) гувоҳ суд муҳокамасига соғлиғи ёки бошқа сабабга кўра шахсан кела олмаса ёки унинг судда иштирок этиши унинг кўрсатмаларига нисбатан ортиқча харажатлар ёки жиддий зарар, деб баҳоланса;

2) суд муҳокамасида эшитилувчининг кўрсатмалари унинг судда иштирокисиз ҳам ишончга сазовор бўлса;

3) гувоҳ ёки яқин шахсларининг соғлиғи ёки ҳаётини ҳимоя қилиш, хавфсизлигини таъминлаш лозим бўлганда;

4) гувоҳ 15 ёшга тўлмаган бўлса ёки унинг руҳий ҳолати талабга жавоб бермаса.

Бундан ташқари, Финляндия Республикасининг “Процессуал мажбурулов чоралари тўғрисида”ги қонунида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш юзасидан қарор қабул қилишда ҳам видео-конференцалоқадан фойдаланиш мумкинлиги белгилаб қўйилган³.

Шунингдек, Янги Зеландияда жиноят суд иш юритувида видео-конференцалоқадан фойдаланиш “Далиллар тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинган бўлиб, суд ушбу норма ёрдамида видеоалоқа ёки телефон конференцияси орқали иш юзасидан тегишли материалларни ёки далилларни олиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Австралия Жиноят-процессуал кодексидан жиноят процесси иштирокчиларининг музокаралари учун телекоммуникация воситаларини қўллашнинг умумий шаклигина назарда тутилган.

Шу билан бир қаторда, айрим етакчи хорижий давлатларнинг қонунчилиги халқаро топшириқларни бажаришда видео-конференцалоқадан фойдаланишни ҳам назарда тутди. Бироқ хорижий давлатнинг ваколатли органи томонидан муайян ҳаракатларни амалга ошириш юзасидан келиб тушган халқаро сўровлар Финляндия Республикаси қонунчилиги ва асосий принциплари га зид бўлмаса, мазкур сўровга асосан видео-конференцалоқадан дастлабки тергов ва суд муҳокамаси босқичида фойдаланилиши мумкин.

Шу каби, Германия Федератив Республикаси-

нинг 1982 йил 23 декабрдаги (18.10.2010 й. чоп эт.) “Жиноят ишлари бўйича халқаро-ҳуқуқий ёрдам тўғрисида”ги Қонунида халқаро сўров ижросини таъминлаш доирасида Германия жиноят-процессуал қонунчилигининг умумий шартлари ва принципларига риоя этган ҳолда эксперт ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини видеоконференц-алоқа орқали олиш мумкинлиги тўғридан-тўғри белгилаб қўйилган. Ўхшаш, Буюк Британия жиноят процессида 1990 йилдан фақатгина чегараланган доирадаги оғирроқ жиноятларни тергов қилишда (қотиллик, фирибгарлик ва б.) чет давлатлардаги гувоҳларнинг кўрсатмаларини олиш мақсадида видеоконференцалоқадан фойдаланилиб келинади. Амалиётда бундай воситалар Буюк Британиянинг жиддий фирибгарлик ишлари бўйича миллий Бюроси томонидан жиноят процессида қўлланилади⁴.

Юқорида қайд этилган хорижий давлатлар

тажрибасини инобатга олган ҳолда жиноятларни тергов қилиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш мақсадида миллий қонунчилигимизни меъёрий-ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш, қонунчиликка таклифлар бериш орқали самарали натижаларга эришиш мумкин.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 9-бобига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали видеоконференцалоқадан фойдаланишнинг асослари, тартиби ва механизмларининг қатъий белгилаб қўйилиши суд-тергов фаолиятининг такомиллаштирилишига, жиноят ишларининг сифатли ва қонунда белгиланган муддатларда яқунланишига, вақт ва бюджетнинг ортикча маблағлари иқтисод қилинишига, бир сўз билан айтганда, суд-тергов фаолиятининг самарадорлиги янада ошишига олиб келади.



¹ Архипова Е.А. Применение видеоконференцсвязи в уголовном судопроизводстве России и зарубежных стран (сравнительно-правовое исследование). Авторф. дисс... канд. юрид. наук. - Москва: - 2013.

² Уголовный кодекс Канады (Criminal Code - R.S.C.) // Опубликовано Министерством юстиции Канады на сайте (Published by the Minister of Justice of Canada at the following address): <http://laws-lois.justice.gc.ca>. 1985. (в ред. 10.12.2012) С.722.

³ Архипова Е.А. Применение видеоконференцсвязи в уголовном судопроизводстве России и зарубежных стран (сравнительно-правовое исследование). Авторф. дисс... канд. юрид. наук. - Москва: - 2013.

⁴ Архипова Е.А. Применение видеоконференцсвязи в уголовном судопроизводстве России и зарубежных стран (сравнительно-правовое исследование). Авторф. дисс... канд. юрид. наук. - Москва: - 2013.

МАЪМУРИЙ СУДЛОВ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари томонидан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази билан ҳамкорликда 2018 йил 27 январь куни “Ўзбекистон Республикасида маъмурий судлов ишларини юритишни такомиллаштириш: муаммо ва ечимлар” мавзусида республика семинар-тренинги ўтказилди.

Семинар-тренингда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари, Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар маъ-

мурий судлари, туман (шаҳар) маъмурий судлари судьялари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, вилоят, туман (шаҳар) прокуратураларининг масъул ходимлари иштирок этишди.

Тадбир давомида Ўзбекистон Республикасида маъмурий судларнинг ташкил этилиши муносабати билан айрим тоифадаги ишларнинг жиноят, фуқаролик ҳамда иқтисодий судлардан янги ташкил этилган маъмурий судларга ўтказилганлиги, маъмурий судлов ишларини юритишга доир қонунларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уни амалиётда қўллашга оид муҳим масалалар муҳокама этилди.

Семинар-тренинг натижалари бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

ХАЛҚАРО СЕМИНАР

ПРОКУРОРЛАР ВА СУДЬЯЛАРНИ КАСБИЙ ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ: ПОЛЬША ВА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

2018 йил 18-19 январда Бош прокуратуранинг Олий ўқув курсларида ЕХХТ лойиҳалари координатори Офиси билан ҳамкорликда, хорижий экспертлар А.Пильч ва К.Крисьяк иштирокида “Прокурорлар ва судьяларни касбий тайёрлаш масалалари: Польша ва Ўзбекистон тажрибаси” мавзусида халқаро семинар ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Тошкент давлат юридик университети, Тошкент шаҳридаги халқаро Вестминстер университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази, Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази вакиллари иштирок этдилар.

Бундан ташқари, семинарда Ўзбекистондаги ЕХХТ лойиҳалари координатори бош маслаҳатчиси Юрген Бекер, Польша Республикаси Элчихонасининг консуллик бўлими бошлиғи Ежи Тимофюк, Польша Республикасининг Ўзбекистондаги

консуллиясининг иккинчи секретари Коллат Томаш иштирок этдилар.

Польша Суд ва прокуратура органлари миллий мактаби экспертлари судья Агнешка Пильч ва прокурор Катаржина Крисьяк томонидан Польшада прокурорларни касбий тайёрлаш тизимининг асосий йўналишлари, бўлажак прокурорларнинг бошланғич тайёргарлигига ҳамда амалдаги прокуратура ва суд ходимларини узлуксиз касбий тайёрлаш юзасидан Суд ва прокуратура органлари миллий мактабининг асосий функциялари ёритиб берилди.

Тадбирда тингловчиларни ўқитиш жараёнининг ташкилий ва методологик жиҳатларига алоҳида урғу берилди. Ўқув сессиялари ва иш жараёнидаги амалиётнинг рационал нисбати, масофавий ва анъанавий ўқитишни мужассам этган самарали тизими (e-blended learning), шунингдек, ўқитувчилар ва маъмурий таркибни шакллантириш жараёнлари масалаларига тўхталиб ўтилди.

Семинар иштирокчилари ўзаро фикр алмашиб, келгусида ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилдилар. Тадбир якунида иштирокчиларга сертификатлар топширилди.

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»да нашр этиладиган мақолага қуйидаги талаблар қўйилади:

– мақолада жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислох этишнинг умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалалари, мазкур соҳаларда амалга оширилган ишларнинг тизимли таҳлили ҳамда аниқ янги назарий ва амалий таклифлар акс этиши;

– матн такрорларсиз, мантиқий изчил, баён қилинган фикрлар аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши;

– келтириладиган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлиши;

– мақолага журналда нашр қилиш мумкинлиги ҳақида шу соҳадаги етакчи ҳуқуқшунос олим ва мутахассиснинг, муаллиф ишлайдиган ёки тадқиқотчи ҳисобланадиган олий ўқув муассасаси кафедраси ёки институти раҳбари тақризи;

– матн ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши;

– матн компьютерда Wordнинг "Times New Roman"ида 14 шрифтда 1,5 интервалда А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзилиши, электрон нусхада тақдим этилиши ҳамда матннинг чап қисми 3 см, ўнг қисми 1,5 см, тепа ва пастки қисмлари 2 см бўлиши;

– мақолада илмий баҳс-мунозара, иқтибосларнинг мавжуд бўлиши; иқтибослар 12 шрифтда 1,0 интервалда ёзилиши;

– мақоланинг ҳажми 8 бетдан 10 бетгача бўлиши;

– мақоланинг сўнгги саҳифасида муаллифнинг исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими, яшаш ва хизмат манзили, телефон рақамлари ёзилган;

– ўзбек, рус ва инглиз тилидаги қисқа аннотация ҳамда таянч сўзлар бўлиши лозим.

Мақолаларни қуйидаги электрон манзилга юборинг: axborotnoma@vuk.uz



Требования к статьям, публикуемым в «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»:

– статья должна содержать анализ общетеоретических, общественно-политических, правовых вопросов демократизации и обновления общества, реформирования и модернизации страны с отражением положения дел в данной сфере, а также теоретические и практические предложения;

– исключение повторов в тексте, логическая последовательность, точность, краткость и ясность изложенных идей;

– достоверность и корректность приводимой в статье информации;

– к статье должны прилагаться отзыв ученого-правоведа или специалиста в этой области о возможности публикации статьи в журнале, а также отзыв кафедры высшего учебного заведения или отделения научно-исследовательского института, где автор работает или является соискателем;

– представление статьи на узбекском и русском языках;

– статья представляется вместе с ее электронной копией, подготовленной с помощью текстового редактора "Word", где текст должен быть отпечатан через 1,5 компьютерных интервала 14 шрифтом "Times New Roman" (сноски 12 шрифтом) на одной стороне стандартной белой бумаги формата А 4. Поля страницы должны составлять: левое — 3 см, правое — 1,5 см, верхняя и нижняя части — 2 см; — наличие в статье научной полемики, сносок;

– объем статьи должен быть от 8 до 10 печатных страниц;

– на последней странице статьи должны быть указаны имя, фамилия и отчество, ученая степень и ученое звание, место работы и должность, домашний или служебный адрес, телефоны автора;

– ключевые слова и краткая аннотация статьи на узбекском, русском и английском языках.

Статьи направлять по адресу: axborotnoma@vuk.uz

